*The article provides comparisons of the physicomechanical properties of melange yarn with a linear density of 20 tex (Ne = 30) developed in a carded spinning system at a twist of 800 cr / m, and spindle speeds of 14,000 rpm. Test results of an optical relaxometer to determine changes in yarn strain are given in the article.*

***Keywords:*** *compact yarn, ring spinning, hairiness, torsion, unevenness, tensile load, product, quality, mélange, carded, combing, spindle.*

Иқтисодни ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири, маҳсулот сифатини мунтазам ошириб боришдир. Маҳсулот сифатини ошириш, ассортиментларни кенгайтириш ва истеъмолчилар талабини қондириш ҳозирги бозор иқтисодиётининг муҳим талабларидандир. Маҳсулот сифатини юқори даражада бўлишини таъминлаш учун, амалдаги стандарт талаблари асосида назорат ишларини мунтазам олиб бориш зарур [1].

Меланж ипларни тайёрлаш ассортиментни кенгайишида, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Аммо пахта толасини бўяш ва қуритиш жараёнларида толаларнинг жингалаклиги ортади. Иплар бўялгандан сўнг пишиқлиги бўялмаган ипларга қараганда 1,5-4, узайиши 7,5-11, эластиклик 20-40 %га камайиши маълум [2].

МЧЖ “OSBORNtextil” корхонасида дастлабки тажриба ишлари ўтказилди. Ушбу корхона хозирда Республикадаги ягона меланж ип ишлаб чиқарувчи фабрика ҳисобланади.

«OSBORNtextil» хорижий МЧЖ корхонасида ўрнатилган Германиянинг Saurer Schlafhorst фирмасининг «Zinser 351» ҳалқали йигириш машинасида қайта тараш ва карда йигириш усулларида ип намуналари олинди. Тажрибаларни пишитилганлик 800 б/мда ва урчуқнинг айланиш тезлиги 14000 $min^{-1}$да ўтказилди ва чизиқий зичлиги Т=20 (Ne=30) тексли ип намуналари олинди. Тадқиқотларни ўтказишда Бухоро-102 ва Меҳнат селекцияларининг IV тип 1 навларидан тузилган аралашмасидан ип йигирилди.

Чизиқли зичлиги Т= 20 (Ne 30) текс ипнинг физик-механик кўрсаткичлари

| № | Йигириш усули | Амалий пишитил-ганлик, $К_а$, b/m | Ипнинг нисбий узиш кучи, (Rkm) | Узилиш-даги чўзилиши, ε, (%) | Тукдорлиги, Н, (%) | Нотекслиги, CV, (%) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Карда, меланж ип | 800 | 14,98 | 4,12 | 6,05 | 16,66 |
| 2 | Карда компакт меланж ип | 800 | 17,84 | 4,22 | 4,7 | 15,99 |
| 3 | Қайта тараш, меланж ип | 800 | 17,41 | 4,25 | 5,31 | 16,01 |

Олинган ип намуналарининг физик-механик хоссалари корхонанинг лабораториясидаги синов жиҳозлари ёрдамида ўрганилиб, олинган натижалар жадвалда жамланди.

Жадвал кўрсаткичлари таҳлил этилганда, барча сифат кўрсаткичлар бўйича қайта тараш иплар юқори талабга жавоб бериши кўриниб турибди.

Узиш кучи - материалнинг узилишга қадар кўтарган куч қиймати билан аниқланади. Узилиш кучи материалларнинг мутлоқ мустаҳкамлигини билдиради [3, 4]. Ипнинг узилиш кучи ипнинг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Шуни инобатга олиб, олинган тажриба натижаларидан ипнинг узилиш кучи таҳлил қилинди (1-расм). Қайта тараш усулида олинган ипнинг (1-расм, 3) узилиш кучи оддий ипга нисбатан Rkm 2,5 – 3 сН/текс (15% дан – 18% гача) га мустаҳкам эканлиги аниқланди. Карда усулида олинган компакт меланж ип (1-расм, 2) ҳар икки карда ва қайта таралган ипларга нисбатан узиш кучи юқорилиги тажрибаларда маълум бўлди. Оддий карда усулида олинган ипнинг (1-расм, 1) мустаҳкамлиги энг паст эканлиги кўриниб турибди. Ушбу кўрсаткичларни аниқлашда «OSBORNtextil» корхонасида




1-расм. 1- Карда меланж ип; 2-Карда компакт меланж ип; 3 - Қайта таралган меланж ип; Урчуқнинг айланишлар частотаси 14000 $m^{-1}$, пишитилганлик 800 b/m, ип чизиқий зичлиги 20 (Ne 30) текс ипнинг узиш кучи (Rkm).

ўрнатилган USTER TESTER4 приборида ҳар бир намунадан 50 маротаба узиб кўриб, уларнинг ўртачаси олиниб таҳлил қилинган.

Ип сифатининг муҳим кўрсаткичларидан бири тукдорлик ҳисобланади. Шуни инобатга олиб, ип намуналарнинг тукдорлик кўрсаткичлари таҳлил этилди (2-расм).




2-расм. 1- Карда меланж ип; 2-Карда компакт меланж ип; 3 - Қайта таралган меланж ип; Урчуқнинг айланишлар частотаси 14000 $m^{-1}$, пишитилганлик 800 b/m, ип чизиқий зичлиги 20 (Ne 30) тексли ипларнинг тукдорлик кўрсаткичлари (%).

Оддий карда ипида (2-расм, 1) тукдорлик кўрсаткичи қайта таралган меланж ип(2-расм, 3)га нисбатан 12 %га юқори бўлса, карда усулида олинган компакт меланж ип(2-расм, 2)га нисбатан эса 22 % га тукдорлиги юқорилиги маълум бўлди.

Тажрибада олинган намуналарни лабораторияда таҳлил қилиниб, нотекислик кўрсаткичи бўйича олинган натижаларни компьютер дастурларидан фойдаланиб гистаграммаси қурилди. Гисторгаммада кўриниб турганидек, карда меланж ипнинг (3-расм, 1) нотекислиги компакт меланж ва қайта таралган меланж ипларни нисбатан юқорилиги аниқланди. Нотекислик кўрсаткичининг юқорилиги ипнинг сифати ёмонлиги билдиради. Бу ерда компакт меланж ипнинг (3-расм, 2) нотекислик кўрсаткичи қолган ипларга нисбатан камлиги маълум бўлди. Қайта тараш усулида олинган меланж ипнинг (3-расм, 3) нотекислик кўрсаткичи компакт меланж ипнинг кўрсаткичига яқин.

Ушбу таҳлил қилинган компакт, қайта тараш ва карда меланж ипларининг ҳосса кўрсаткичлари буюм сифатини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга. Маҳсулот эксплуатация жараёнида кўп маротаба эгилиш, букилиш, чўзилиш, ишқаланишга учрайди. Шундай жараёнларда қайта таралган ип оддий ипга нисбатан ўз шаклини сақлаб қолади. Қайта тараш ипларида толалар параллел ва жипс жойлашиши, тартиблироқлиги ҳисобига ундаги толаларнинг барчаси бурамда бир хил иштирок этиб, ип структурасининг яхшиланишига олиб келади. Натижада ипнинг чўзилишга қаршилиги ортади, оддий ипларда кўп толалар бурамда тўлиқ иштирок этмайди. Шунинг учун оддий ипнинг узиш кучи паст, тукдорлиги эса қайта тараш ипларга нисбатан юқори бўлади. Таҳлил натижаларига қараб яна шуни айтиш жоизки, узун толалардан қайта тараш усулида юқори номерлардаги иплар олинади. Ушбу ипларнинг таннархи ҳам юқори туради.

Қайта тараш йигириш системасида карда системасидан фарқли равишда пилта бирлаштириш ва қайтараш машиналари ҳам ишлатилади. Ушбу машиналарнинг электр энергия ва иш кучи сарфи ҳисобига чиқаётган маҳсулотнинг таннархи ҳам ошади. Ундан олинган ипларнинг сифат кўрсаткичлари ҳам оддий ипларнинг сифат кўрсаткичларига нисбатан юқори бўлади. Аммо, тажрибаларда ўрта толадан олинган компакт меланж ипларнинг сифат кўрсаткичлари қайта тараш усулида олинган ипларнинг сифат кўрсаткичлари билан рақобатлаша олиши тажрибаларда маълум бўлди. Юқори нархларда баҳоланадиган ингичка толалар ўрнига компакт қурилмалардан фойдаланиб ҳамда ипнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш мумкинлиги тажрибаларда аниқланди.




3-расм. 1- Карда меланж ип; 2-Карда компакт меланж ип; 3 - Қайта таралган меланж ип. Урчуқнинг айланишлар частотаси 14000 $m^{-1}$, пишитилганлик 800 b/m, ип чизиқий зичлиги 20 (Ne 30) тексли ипларнинг нотекислиги, CV, (%).

Ипга маълум куч таъсир этса унда ўзгаришлар кузатилади. Шу ўзгаришлар ундан тайёрланадиган мато зичлигига ҳам таъсир этади. Матонинг зичлиги ошиши билан унинг сифат кўрсаткичлари ҳам ўзгаради. Шунинг учун ипларнинг деформацияларини ўрганиш учун олимлар турли хил усуллардан фойдаланганлар. Дастлаб оддий юк осиб деформация

улушларини ўлчанган. Натижада турли ипларнинг структураси ҳамда хоссалари бўйича умумий маълумот олинган. Юклаш ва юксизлантиришдаги бошланғич деформациялар вақтидаги қийматлари аниқланмаган. Натижада технологик жараёнлар хусусиятларини атрофлича, чуқур ўрганиш имконияти бўлмаган.

Шундан сўнг, механик катталикларни электрик ўлчаш усули ҳисобланган тензометрия усулидан фойдаланиб, деформация кўрсаткичларини аниқлаш имконига эгалиги учун техник механиканинг барча соҳаларида қўлланилмоқда. Усулнинг юқори самарадорлигини инобатга олиб, турли структурали тўқимачилик ипларининг деформацион хоссаларини ўрганиш учун айнан тензометрик усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилган [5].



4-расм. Асбобнинг принципиал схемаси.1- бобина, 2 ва 3 ип ўтказгич, 4-горизонтал таянч, 5-кўзғалмас қистиргич, 6-ип, 7-ўрнатилган нурни акс эттирувчи шарик, 8-кўзғалувчан қистиргич, 9-кўзғалувчан қистиргични ишга тушурувчи мослама, 10-веб камера, 11-веб камера ўрнатилган таянч, 12 - асосий таянч стол, 13 - юк, 14-компьютер.

Тензометрик усул ёрдамида дефомация улушларини аниқлаш бир мунча мураккаб ҳисобланади. Ип деформациясини ўлчашнинг асосини силжиш датчиклари, кучайтиргич, таъминлаш блоки ва қайд этгич ташкил этади [6]. Бу приборлар замонавий техник воситалардан анча ортда қолган.

Тажрибаларда ипларнинг юк таъсирида ўзгаришини (деформацияланишини) бир даврли синфда ўрганиш мақсадида махсус, нур ёрдамида (веб камерада) ўлчовчи прибор яратилди. Ушбу прибор ипга юк таъсир этганда унинг деформацияланиш ҳолатини юқори аниқликда ўлчашга ёрдам беради. Ип деформацияланишини аниқлашда ип мустаҳкамлигининг 25 % миқдоридаги юк илиб тадқиқотлар ўтказилди.

Тажриба ўтказиш учун аввал синалаётган ипни стенднинг юқори ва пастки қисқичлари орасига маҳкамлаб, қисқичлар орасидаги масофа «50 см» белгига қўйилди. Мазкур қурилмани ишга туширишдан олдин веб камерани компьютерга уланиши лозим. Асбоб қуйидагича ишлайди (4-расм). Асосий таянч стол 12 устига бобина 1 қўйилади. Бобина ипи 6 ни иккита юқорида жойлашган ип ўтказгичлар 2, 3 дан ўтказилиб, аввал қўзғалмас 5 ва қўзғалувчан қистиргич 5, 8 ларга маҳкамланади. Ипни икки қистиргичлар орасига маҳкамлашдан аввал ипни меъёр асосида таранглиги мосланади. Қўзғалувчан қистиргичнинг пастки қисмида юк илиш учун махсус илгак мавжуд. Ушбу илгакка юк 13 илинади. Қўзғалувчан қистиргичга шарик 7 маҳкамланган. Шарик компьютер дисплейида ёруғ нуқта бўлиб кўринади. Нуқта дисплейда “ноль” ҳолатига келтирилади. Шарик 7 ва қўзғалувчан қистиргич 8 ишга туширувчи мослама 9 ёрдамида ҳаракатланишни бошлайди. Веб камера 10 шарикни ҳаракатини компьютерга узатади. Компьютерга узатилган қийматлар асосида графиклар олинади (5-расм).



5-расм. Ипларнинг 1 секунд вақт мобайнида юк таъсиридаги ўзгариши. 1 - Оддий меланж ип Ne 30, 800 б/м; 2 - Компакт меланж ип Ne 30, 800 б/м.

Нур ёрдамида ўлчовчи прибор 1 секунд вақт ичида ипнинг юк таъсиридаги ўзгаришини 18 та нуқтада ифодалаб беради. Олинган натижалардан фойдаланиб графиклар қурилди. Ушбу графикда икки хил компакт ва оддий ипларнинг юк таъсиридаги дастлабки чўзилиши аниқланган. Компакт ип (5-расм, 2)нинг юк таъсирига қаршилиги оддий ип(5-расм, 1)га нисбатан катталиги аниқланди. Оддий

ип юк таъсирида кўпроқ чўзилишга учрамоқда. Ушбу ипдан тайёрланадиган трикотаж маҳсулотлари ўз шаклини нисбатан яхши сақлай олмайди. Компакт ипнинг эса чўзилишга қаршилиги юқори. Деформацияларни таҳлил қилиб, шуни айтиш мумкинки, компакт ипдан тайёрланган трикотаж матолари шаклини яхши сақловчи ва рақобатбардош ҳисобланади.

Ҳозирга қадар деформацияларни оддий усулда яъни, юк осиб унинг ўзгаришини соатга қараб аниқланган. Бунда секундлар ичидаги ўзгаришларни аниқлаш мумкин эмас. Ушбу янги яратилган нур ёрдамида (веб камерада) ўлчовчи прибор ёрдамида ип ва матоларнинг деформацияларини катта аниқликда ўлчаш имкони бор. Янги прибор ёрдамида олинган деформация натижаларига қараб маҳсулотларнинг сифатини прогноз қилиш мумкин.

**Адабиётлар**


[1]. Қулметов М., Очилов Т., Абдулина Ф., “Маҳсулот сифатини баҳолаш ва бошқариш” Дарслик, Т. 2009. 3 б.

[2]. Марасулов Ш.Р. “Пахта ва кимёвий толаларни йигириш” Тошкент, “Ўқитувчи” 1985 йил, 304 б.

[3]. Очилов Т., Кулметов М. ва бошқалар “Тўқимачилик материалшунослиги” Тошкент 2005 йил, 67 б.

[4]. Xuzhong Su, Weidong Gao, Xinjin Liu, Chunping Xie, Bojun Xu. 2014 Theoretical Study of Yarn Torque Caused by Fibre Tension in the Spinning Triangle, *Fibres & Textiles in Eastern Europe*; vol 22, 6(108) p 41-50.

[5]. Х.Т. Бобожанов, Ж.К.Гафуров, Қ.Ғ. Ғафуров. Натяжение и деформация нити на кольцепрядильной машине Zinser-350 // Тўқимачилик муаммолари – Тошкент, 2009. –№ 3. –Б. 28-30.87

[6]. Х.Т. Бобожанов «Zinser» ҳалқали йигириш машинаси параметрларини муқобиллаб ип хоссаларини яхшилаш мазусидаги техника фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация – Тошкент, 2011. 61 – бет.


# ЙИГИРИШ ТИЗИМИ УЧУН ТЕХНОЛОГИК УСКУНАЛАР ЗАНЖИРИНИ ТАНЛАШ


З.У. Ортиқов

*Андижон давлат университети*



*(Қабул қилинди 18.10.2018 й.)*



*Ушбу мақолада пахта толаларига кўп босқичли ишлов бериш жараёнида ишлатиладиган, йигириш тизими учун ускуналар занжирини танлаш масаласи кўриб чиқилган. Бунда асосан эски русумдага ускуналар ўрнига янги турдаги ускуналар ҳақида маълумотлар берилган ва технологик ускуналар занжири ва уларнинг турлари ҳамда тавсифлари кўриб чиқилган.*



***Таянч сўзлар:*** *пахта толаси, ускуналар занжири, йигириш тизими.*



*В этой статье рассматривается выбор цепи оборудования для прядильной системы, используемой при многоэтапной переработке хлопкового волокна. В частности, более старая модель была оснащена новым оборудованием, и цепочкой технологического оборудования, их виды и их характеристики.*

*Суть статьи в том, что обсуждается цепочка технологического оборудования, его типы и характеристики.*



***Ключевые слова:*** *хлопковое волокно, цепочка оборудования, прядильная система.*



*This article discusses the choice of equipment chain for a spinning system used in multi-stage processing of cotton fiber. In particular, the older model was equipped with new equipment, and a chain of technological equipment, their types and their characteristics.*

*The essence of the article is that the chain of technological equipment, its types and characteristics are discussed.*



***Keywords:*** *cotton fiber, equipment chain, spinning system.*


Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга ошириш имкониятини беради.

2-жадвал

Танланган машиналарнинг технологик тавсифи “REATER” фирмаси (Карда системаси)

| № | Машиналар номи | Маркаси | Ишлатиладиган толанинг узунлиги мм гача | Маҳсулотларининг чизиқий зичлиги, Т ($N_0$) | Чиқарувчи ишчи орган тезлиги | | Чўзиш миқдори Е | Бурамалар миқдори, бур/м | Унумдорлиги кг/соат | Сарфланадиган электр қуввати | Машини ўлчамлари | | Чиқарувчи органлар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | Эни мм | Узунлиги | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| 1 | Автоматик той титгич | UNIflok A 11 | 60 | - | - | - | - | - | 1000 | 3,0 | 5140 | 11300-51130 | - |
| 2 | Бир слиндрли тозалагич | UNIciean B 12 | 60 | - | - | - | - | - | 1000 | 6,0 | 1600 | 2205 | - |
| 3 | Аралаштирувчи тозаловчи машина | UNImix B 70 | 60 | - | - | - | - | - | 800 | 14,0 | 1510 | 7700 | - |
| 4 | тозалаш машинаси | UNIflex B 60 | 60 | - | - | 500-1300 | - | - | 600 | 4,0 | 1800 | 1428 | - |
| 5 | Тараш машинаси | S-70 | 60 | 5-20kteks | - | - | - | - | 220 | 8,0 | 2961 | 5590 | 1 |
| 6 | Пилталаш машинаси I утим | SB-D-45 | 80 | 1,25-7,0 kteks | - | 1100 | 4,5-11,7 | - | - | 7,5 | 2460 | 8200 | 1 |
| 7 | Пилталаш машинаси II утим | RSB-D-45 | 80 | 1,25-7,0 kteks | - | 1100 | 4,5-11,6 | - | - | 7,5 | 2460 | 8200 | 1 |
| 8 | Пиликлаш машинаси | Fluier F35 | 60 | 170-1450 kteks | 1500 | 50 | 4-20 | 17-96 | - | 31 | 3100 | 17665 | 160 тагача (секцияда 16 та) |
| 9 | йигириш машинаси | G 35 | 60 | 132-3,7 teks | 25000 | - | 8-120 | 200-3000 | - | 26,5 | 1000 | 47425-63125 | 120-1632 тагача (секцияда 24 та) |

3-жадвал

Танланган машиналарнинг технологик тавсифи “Trutzschler”фирмаси( Карда системаси)

| Т/р | Машиналар номи | Маркаси | Ишлатиладиган толанинг узунлиги мм гача | Махсулот-ларнинг чизкий зичлиги T(N) | Чикарувчи ишчи орган тезлиги | | Чўзиш микдори E | Бурамлар микдори bur/m | Унумдорлиги kg/soat | Сарфланадиган электр куввати квт | Машина ўлчамлари | | Чикарувчи органлар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | n $min^{-1}$ | V m/min | | | | | эни мм | узунлиги мм | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| 1 | Автоматик той титкич | Blendomat BO-A | 60 | - | - | - | - | - | 1500 | 4,0-6,0 | 5164 | 11300-51130 | - |
| 2 | Кўп функцияли ажраткич | SP-MF | 60 | - | - | - | - | - | 1500 | 9,0 | 1664 | 4485 | - |
| 3 | 6-бункерли аралаштирув-чи машина | MX-I-6 | 60 | - | - | - | - | - | 600 | 6,0 | 2264 | 4633 | - |
| 4 | 3-барабанли тозалагич | Clenomat CL-S 4 | 60 | - | - | - | - | - | 800 | 9,1-11 | 2664 | 2995 | - |
| 5 | Бегона жисмлардан тозалаш машинаси | Securomat SP-F | 60 | - | - | - | - | - | 1500 | 9,0 | 1664 | 4485 | - |
| 6 | Тараш машинаси | TS-07 | 60 | 3.0-20 kteks | - | - | - | - | 150 | 12-14 | 2800 | 8013 | 1 |
| 7 | Пилталаш машинаси I утим | TD-03 | 60 | 1.5-7.0 kteks | - | 1000 | 4,0-11,0 | - | - | 10,5 | 2550 | 9330 | 1 |
| 8 | Пилталаш машинаси II утим | HSR-1000 | 60 | 170-1450 teks | - | 1000 | 4,5-11,6 | - | - | 7,5 | 2605 | 8200 | 1 |
| 9 | Пиликлаш машинаси | Zinser-670 | 60 | 107-4,0 teks | 1500 | 50 | 4-20 | 10-100 | - | 31 | 3100 | 17665 | 192 та гача (секцияда 12 ёки 16 та) |
| 10 | Йигириш машинаси | Zinser-351 | 60 | | 25000 | - | 8-80 | 100-3500 | - | 38,0 | 1000 | 40588 | 192-1680 (секцияда 24 ёки 16 та) |

4-жадвал

Танланган машиналарнинг технологик тавсифи “Marzoli” фирмаси (Карда системаси)

| № | Машиналар номи | Маркаси | Ишлатиладиган толанинг узунлиги мм гача | Махсулот-ларининг чизиқий зичлиги, Т ($N_0$) | Чиқарувчи ишчи орган тезлиги | | Чўзиш миқдори E | Бурама-лар миқдори, бур/м | Унумдорлиги кг/соат | Сарфланадиган электр қуввати Kvt | Машини ўлчамлари | | Чиқарувчи органлар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | n $min^{-1}$ | V m/min | | | | | Эни мм | Узунлиги | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| 1 | Автоматик той титгич | V12SB | 65 | - | - | - | - | - | 1600 | 7,92 | 5140 | 11300-51130 | - |
| 2 | Икки барабанли тозалагич | B 39 | 65 | - | - | - | - | - | 1250 | 12,0 | 1950 | 2350 | - |
| 3 | Автоматик аралашти-рувчи машина | B 143 | 65 | - | - | - | - | - | 1200 | 4,64 | 1700 | 5500 | - |
| 4 | Бир барабанли тозалагич | B 38 | 65 | - | - | - | - | - | 600 | 5,28 | 1890 | 1510 | - |
| 5 | Уч барабанли тозалагич | B 37 | 65 | - | - | - | - | - | 600 | 10,3 | 1890 | 2030 | - |
| 6 | Тараш машинаси | S501 | 65 | 3,3-18 ктекс | 17,4-69,8 | - | - | - | 120 | 8,0 | 2400 | 4737 | 1 |
| 7 | Пилталаш тмашинаси | Unimax | 80 | 1,25-8,0 ктекс | - | 1050 | 4-11,6 | - | - | 14,0 | 2590 | 9355 | 1 |
| 8 | Пилталаш тмашинаси | Doumax | 80 | 1,25-8,0 ктекс | - | 1050 | 4-10 | - | - | 15 | 2590 | 11680 | 1 |
| 9 | Пиликлаш машинаси | FT1-D | 63 | 200-2222 ктекс | 1500 | - | 4-20 | 10-100 | - | 5,5 | 1450 (5690) | 7385-18305 | 36-120 (секцияда 12 та) |
| 10 | Ҳалқали йигириш машинаси | RST1 | 60 | 4,0-200 ктекс | 20000 | - | 4,5-80 | 160-2000 | - | 43 | 1000 | 40588 | 432-1344 (секцияда 24 та) |

Мамлакатимиздаги рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари ва бошқа тармоқларнинг экспорт ярмаркалари ўтказишини кенгайтириш, шунингдек, маҳсулот сотишнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланиш, асосий ишлаб чиқарувчиларимизни ўз маҳсулотлари тақдимотини ўтказиш ва янги экспорт шартномалари тузиши учун нуфузли халқаро ярмаркаларга жалб этиш бўйича алоҳида Ҳукумат қарорини қабул қилиш лозим.

Тўқимачилик соҳасидаги илмий тадқиқот ва теҳнологик жараёнларни лойиҳалаш муассасаларининг асосий диққати ана шу масалага қаратилган. Бугунги кунда республикамиз саноати олдида турган асосий вазифалардан бири – ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига аҳолининг моддий ва маънавий манфаатдорлигини ўстиришдан иборатдир. Саноат корхоналаридаги эски асбоб-ускуналарни замонавийлари билан алмаштириш ҳам ана шу вазифаларнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Йигириш тизими учун жиҳозлар комплексини танлаш ва асослаш пахта ва кимёвий толалардан йигиришда қўлланиладиган технологик жиҳозлар ва жараёнларда толалардан ип ҳосил қилиш кетма - кетлигига йигириш тизими дейилади. Йигириш тизимини танлашда толанинг тури ва ипнинг ишлатилиш мақсади асос қилиб олинади.

Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича қабул қилинган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 2012 – 2016 йилларда ҳисоб-китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Технологик ускуналар занжирини танлаш.

Технологик ускуналар занжирини фан - техника тараққиёти, тўқимачилик машинасозлиги ва технологияни ривожланиши йўналишларини, лойиҳалаш институтлари ҳамда илғор корхоналарнинг тажрибаларига асослаб танланади.

1-жадвал

Технологик ускуналар занжирини турлари

| «Marzoli» тавсияси | «Truetzschler» тавсияси | «Rieter» тавсияси |
|---|---|---|
| B 12 | Blendomat BO-A | Uniflok A 11 |
| B 390 L | Sp-MF | Uniclean B 11 |
| B 143 L | MX-U | Unimix B 70 |
| B 380 L | Clenomat CL-CV | Uniflex B 60 |
| B 139 | Securomat SP-F | |
| C 701 | Directfeed | |
| DF 1 | TC-11 | |
| DFR 1 | TD-8 | |
| FT 6 | Zinser 670 | |
| MDS 1 | Zinser 350 | |

**Адабиётлар**


[1]. Сборник инструкций и методик по техническому контролю и оценке качества хлопка-сырца и продукции его переработки в хлопко-очистительной промышленности Ташкент, "Меҳнат", 1992.

[2]. Справочник по первичной обработке хлопка (1 и II книга) под редакцией Максудова И.Т. и Нуралиева А.Н. Ташкент, "Меҳнат" -1994, 1995.

[3]. “Узпахтасаноат” уюшмаси «Пахтани қайта ишлашнинг мувофиқлаштирилган технологияси», ПДИ 01-2007, Тошкент, "Меҳнат“ 2007.

[4]. Юсупбеков Н,Р., Мухамедов Б.Е., Гуломов Ш.М. Технологик жараёнларни бошқариш тизимлари. Дарслик, -Т.:Уқитувчи, 1997, -353 б.

[5]. Ортиқов А., Мусаев А.К., Юнусов И.И. Технологик жараенларни назорат қилиш ва автоматлаштириш. Услубий қўрсатма. Тошкент. ТКТИ 2004.

УДК 621

# АСИММЕТРИЧНЫЕ КОЛЕБАНИЯ ВИБРАЦИОННЫХ МОДУЛЕЙ СТРОИТЕЛЬНЫХ И ДОРОЖНЫХ МАШИН

М.Д. Герасимов[1], Н.Д. Воробьёв[1], Р.Ж. Тожиев[2], Х.М. Садуллаев[2]

*[1]ФГБОУ Белгородский государственный технологический университет им. В. Г. Шухова, [2]Ферганский политехнический институт*

*(Получена 3.12.2018 г.)*

*Мақолада иккита вибратордан ташкил топган, вертикал йўналишда тебраниш ҳосил қилувчи вибрацион модул умумий мажбурловчи кучини ташкил этувчи ишчи (ижрочи) ва салт (бўш) катталикларнинг энг катта асимметрияларини олиш шартларини аниқлаш масалалари кўриб чиқилган.*

*Мақсад: бир цикл доирасида тезланиш катталиклари ўзгаришининг математик моделини яратиш;*

*биргаликда ишловчи иккита вибратор учун энг катта мажбурловчи куч асимметриясини олиш шартларини аниқлаш;*

*мажбурловчи кучнинг энг катта асимметрияси параметрларини ҳисоблаш методикасини яратиш.*

***Таянч сўзлар:** йўналтирилган тебранишли вибратор, вибраторлар блоки, мажбурловчи куч, асимметрик тебранишлар, динамик коэффициент.*

*В статье рассматривается вопрос определения условий получения наибольшей асимметрии величины рабочей (исполнительной) и холостой составляющей суммарной вынуждающей силы вибрационного модуля, состоящего из двух вибраторов, генерирующих направленные колебания в одной, например вертикальной, плоскости.*

*Задачи: получение математической модели изменения величины ускорения в пределах одного цикла; определение условий получения наибольшей асимметрии вынуждающей силы, для двух работающих совместно вибраторов; создание методики расчёта параметров для получения наибольшей асимметрии вынуждающей силы.*

***Ключевые слова:** вибратор с направленными колебаниями, блок вибраторов, вынуждающая сила, асимметричные колебания, коэффициент динамичности.*

*The article discusses the issue of determining the conditions for obtaining the greatest asymmetry of the magnitude of the working (executive) and idle component of the total driving force of the vibration module, consisting of two vibrators that generate directional vibrations in one, for example, vertical, plane.*

*Tasks: obtaining a mathematical model of the change in the magnitude of the acceleration within one cycle; determination of the conditions for obtaining the greatest asymmetry of the driving force for two vibrators working together; creation of a method for calculating parameters to obtain the greatest asymmetry of the driving force.*

***Key words:** vibrator with directional oscillations, vibrator unit, forcing force, asymmetric oscillations, dynamic coefficient.*

Существует целый класс дебалансных строительных вибраторов, которые генерируют круговые колебания. Эти вибраторы нашли широкое применение в вибрационной технике в силу своей простоты и универсальности. Однако, круг решаемых производственных и технологических задач вибраторы с круговыми колебаниями решают не всегда эффективно. В целом ряде технологических процессов необходимо использовать направленные колебания, вынуждающая сила которых действует вдоль прямой линии. При направленных колебаниях вынуждающая сила поочерёдно изменяет своё направление на противоположное через каждую половину периода цикла нагружения.

Как правило, действие направленной вынуждающей вибрационной силы направлено на выполнении полезной работы в одном направлении. В противоположном направлении действие вынуждающей силы может отрицательно влиять на технологический процесс, например, погружатели свай, пригрузочные виброплиты и др. Для компенсации вредного влияния «холостого» хода вынуждающей силы могут служить колебания с асимметричной вынуждающей силой.

Асимметричная вынуждающая сила характеризуется тем, что при направленных колебаниях её величина в одном направлении, например «холостом», составляет единицу, ($F_{xx}$=1,0), а в противоположном, «рабочем», ($F_р$), несколько единиц: два, три и т.д. Такое соотношение называют коэффициентом динамичности ($k_д$), который может составлять:

$$k_д = F_р / F_{xx} = (1+\Delta)\ldots 2\ldots n.$$

где Δ – любое число большее ноля, Δ>0; $n$ – число, характеризующее соотношение $F_р$/ $F_{xx}$.

Асимметричные колебания имеют ряд преимуществ. Они позволяют снизить массу вибрационной машины, а главное, обеспечить работу вибрационного узла в диапазоне, максимально приближенного к резонансу.

Механические колебания в технике характеризуются рядом параметров, среди которых выделяются: частота, амплитуда, перемещение, виброскорость, виброускорение, вынуждающая сила, направление вынуждающей силы, форма колебаний.

По форме колебаний наибольшее распространение получили вибрационные машины с круговыми, эллиптическими и направленными колебаниями.

В целом ряде случаев, предпочтительными являются направленные колебания: при сортировке щебня на грохотах, при уплотнении элементов дорожной одежды вибрационными катками, при забивании свай и шпунтов, и др.

Однако, промышленность не располагает вибраторами направленных колебаний и вопрос создания таких колебаний решается путём заключения в единый механизм двух вибраторов с круговыми колебаниями, линия действия суммарной вынуждающей силы которых и её точка приложения остаются постоянными и не подлежат гибкой переналадке.

В ряде отраслей промышленности задачу получения направленных колебаний с регулированием направления линии действия вынуждающей силы и её точки приложения можно решать, используя современные технические решения создания вибраторов планетарного типа [1,2], рис. 1,2.



Рис. 1. Опытно-промышленный образец вибратора направленных действий с виброгене-ратором кассетного типа.



Рис. 2. Кассета виброгенератора с мощностью 1.0-1,5 кВт.

Не менее важным вопросом реализации современных вибрационных процессов является создание вибрационных машин с асимметричной вынуждающей силой. То есть, явление при котором величина амплитудного значения вынуждающей силы в рабочем направлении, например при забивке свай, кратно превышает величину вынуждающей силы, действующую в противоположном, холостом, направлении [3,4,5].

Получение асимметричной вынуждающей силы основано на сложении двух и более механических колебаниях, имеющих разные частоты колебаний, массы дебалансов и статические моменты дебалансов.

Простейшим механизмом является вибрационный механизм с двумя синхронизированными виброгенераторами.

Если собирается система последовательно соединённых вибрационных механизмов направленных колебаний планетарного типа рассматриваемых в [2, 3], то колебание каждого механизма в отдельности будет вносить следующий вклад в ускорение:

$$a_i = \left(\frac{\pi n_i}{30}\right)^2 R_i \cos\left(\frac{\pi n_i}{30} t - \varphi_{0i}\right).$$

Поставим задачу сложения 2-х колебаний при следующих исходных данных: $R_1/R_2$ = 100/50 мм, $n_1/n_2$ = 500/1000 об/мин.

Для начала рассмотрим задачу в общем виде. Массу первого дебаланса $m_1$ принимаем за условную единицу и тогда $m_2 = k_m m_1$. Следовательно, сила развиваемая каждым вибровозбудителем направленного действия равна

$$F_1 = m_1 a_1 = m_1 \omega_1^2 R_1 \cos(\omega_1 t - \varphi_1),$$

$$F_2 = m_2 a_2 = k_m m_1 a_2 = k_m m_1 \omega_2^2 R_2 \cos(\omega_2 t - \varphi_2),$$

и, следовательно, суммарная сила действия обоих вибровозбудителей будет равна

$$F = F_1 + F_2 = m_1 \omega_1^2 R_1 \cos(\omega_1 t - \varphi_1) + k_m m_1 \omega_2^2 R_2 \cos(\omega_2 t - \varphi_2), \quad (1)$$

С другой стороны

$$F = (m_1 + m_2)a = (m_1 + k_m m_1)a = m_1(1 + k_m)a. \quad (2)$$

Приравнивая левые части (1) и (2), получим

$$m_1(1 + k_m)a = m_1 \omega_1^2 R_1 \cos(\omega_1 t - \varphi_1) + k_m m_1 \omega_2^2 R_2 \cos(\omega_2 t - \varphi_2),$$

или

$$(1 + k_m)a = \omega_1^2 R_1 \cos(\omega_1 t - \varphi_1) + k_m \omega_2^2 R_2 \cos(\omega_2 t - \varphi_2). \quad (3)$$

Имеем следующие обозначения:

$$\frac{m_2}{m_1} = k_m, \quad \frac{\omega_2}{\omega_1} = k_\omega, \quad \frac{R_2}{R_1} = k_R, \quad \frac{\varphi_2}{\varphi_1} = k_\varphi. \quad (4)$$

Тогда (3) можно переписать в виде

$$(1 + k_m)a = \omega_1^2 R_1 \cos(\omega_1 t - \varphi_1) + k_m k_\omega^2 \omega_1^2 k_R R_1 \cos(k_\omega \omega_1 t - k_\varphi \varphi_1).$$

Откуда можно перейти к безразмерному ускорению, разделив обе части полученного уравнения на $\omega_1^2 R_1$:

$$\frac{(1 + k_m)}{\omega_1^2 R_1} a = \cos(\omega_1 t - \varphi_1) + k_m k_\omega^2 k_R \cos(k_\omega \omega_1 t - k_\varphi \varphi_1). \quad (5)$$

Уравнение (5) является функцией для нахождения безразмерного ускорения $\frac{(1+k_m)}{\omega_1^2 R_1} a$ в зависимости от управляющих параметров $\omega_1$, $\varphi_1$, $k_m$, $k_\omega$, $k_R$, $k_\varphi$, (абсциссой является время $t$), то есть

$$a_{безразм} = f(t, p) = f(t, \omega_1, \varphi_1, k_m, k_\omega, k_R, k_\varphi). \quad (6)$$

Смысл каждого параметра по отдельности ясен либо из их физического смысла, либо из соотношений (4). Видно также, что комплекс $k_m k_\omega^2 k_R$ также играет важную роль в определении формы результирующего колебания.

Таким образом, из (5) следует, что безразмерное ускорение будет иметь вид полигармонического колебания

$$a_{безразм} = \cos\alpha + b\cos\beta, \quad (7)$$

где $\alpha = \omega_1 t - \varphi_1$, $b = k_m k_\omega^2 k_R$, $\beta = k_\omega \omega_1 t - k_\varphi \varphi_1$. Одно из таких полигармонических колебаний показано на рис. 1.

Переход от безразмерного ускорения к размерному осуществляется по формуле

$$a = \frac{\omega_1^2 R_1}{1 + k_m} a_{безразм} = \frac{\omega_1^2 R_1}{1 + k_m}(\cos\alpha + b\cos\beta), \quad (8)$$

где определяющим является комплекс параметров $\frac{\omega_1^2 R_1}{1+k_m}$. А сила развиваемая системой двух колеблющихся дебалансов будет равна

$$F = m_1(1 + k_m)a = m_1 \omega_1^2 R_1(\cos\alpha + b\cos\beta). \quad (9)$$

Таким образом, ускорение системы двух дебалансов будет функцией от двух групп параметров (не считая времени): одна группа определяет колебания первого дебаланса $\omega_1$, $\varphi_1$, $R_1$, а вторая – колебания второго дебаланса через относительные коэффициенты $k_m$, $k_\omega$, $k_R$, $k_\varphi$; то есть

$$a = a(t, \omega_1, \varphi_1, R_1, k_m, k_\omega, k_R, k_\varphi). \quad (10)$$

Аналогично, сила будет функцией от 9 параметров:

$$F = F(t, m_1, \omega_1, \varphi_1, R_1, k_m, k_\omega, k_R, k_\varphi). \quad (11)$$

Как видно из формул (8) и (9), и ускорение, и сила, развиваемая системой двух дебалансов, являются полигармоническими колебаниями, которые отличаются от (7) только множителями. В зависимости от технического задания для виброгенератора, можно получать

результирующую полигармонику разной формы, изменяя значения параметров в функциях (10) и (11).

Например, если мы хотим получить максимальную положительную величину для полигармонического колебания, то складываемые гармоники должны иметь нулевую начальную фазу, то есть параметры $\varphi_1$ и $k_\varphi$ надо зафиксировать, приравняв их нулю. Если мы хотим получить максимальную отрицательную величину для амплитуды полигармоники, то параметры $\varphi_1$ и $k_\varphi$ надо зафиксировать, при этом $\varphi_1 = \pi$, $k_\varphi = 1$. Если надо синхронизировать нулевую точку колебаний, то $\varphi_1 = \pi/2$, $k_\varphi = \pm 1$.



Рис. 1. Полигармоническое колебание $f$, являющееся линейной комбинацией гармонических колебаний $f_1$ и $f_2$.

Вернёмся к нашим данным:
$R_1/R_2 = 100/50$ мм, $n_1/n_2 = 500/1000$ об/мин, имеем
$k_R = \frac{1}{2}$, $k_\omega = \frac{\omega_2}{\omega_1} = \frac{n_2}{n_1} = 2$, $\omega_1 = 50$ с$^{-1}$.
то есть зафиксированы значения параметров $k_\omega$, $k_R$, $k_\varphi$. В этом случае остаются только три параметра для управления безразмерным ускорением. Это начальная фаза первого вибровозбудителя $\varphi_1$, коэффициент массы $k_m$ и коэффициент начальной фазы $k_\varphi$:

$$a_{\text{безразм}} = \cos(50t - \varphi_1) + 2k_m \cos(100t - k_\varphi \varphi_1). \quad (12)$$

Аналогично, для управления ускорением $a$ и силой $F$ остаются 4 и 5 параметров, соответственно. Для ускорения – это $\varphi_1$, $R_1$, $k_m$, $k_\varphi$, а для силы – $m_1$, $\varphi_1$, $R_1$, $k_m$, $k_\varphi$.
Если ещё дополнительно положить $\varphi_1 = 0$, (и, следовательно значение $k_\varphi$ перестанет быть управляющим параметром), то останется:
- единственный регулирующий параметр для безразмерного ускорения – коэффициент массы $k_m$:

$$a_{\text{безразм}} = \cos(50t) + 2k_m \cos(100t); \quad (13)$$

- два управляющих параметра для ускорения – $R_1$, $k_m$:

$$a = \frac{250}{1+k_m}[\cos(50t) + 2k_m \cos(100t)]; \quad (14)$$

- три управляющих параметра для силы – $m_1$, $R_1$, $k_m$:

$$F = 250m_1[\cos(50t) + 2k_m \cos(100t)]. \quad (15)$$

Исследуем экстремумы полигармонического колебания (13), считая его функцией от $k_m$: $a_{\text{безразм}} = a_{\text{безразм}}(k_m)$. В этом случае

$$a'_{\text{безразм}} = -2k_m \sin 100t, \quad (16)$$

и точки экстремума (см. сплошную линию на рис.1) определяются решениями уравнения

$$\sin 100t = 0, \quad (17)$$

то есть это точки $100t = 0$, $100t = \pi$, $100t = 2\pi$ и $100t = 3\pi$. То есть это точки $t = 0$, $\frac{1}{100}\pi$, $\frac{2}{100}\pi$, $\frac{3}{100}\pi$. При этом, первая и третья точки являются точками максимума, а вторая и четвёртая – точками минимума. Таким образом, экстремальные значения исследуемого полигармонического колебания (13) будут равны:

1-ый максимум

$$a_{\text{безразм},1} = \cos 0 + 2k_m \cos 0 = 1 + 2k_m; \quad (18а)$$

1-ый минимум

$$a_{\text{безразм},2} = \cos\frac{\pi}{2} + 2k_m \cos 2\frac{\pi}{2} = -2k_m; \quad (18б)$$

2-ой максимум

$$a_{\text{безразм},3} = \cos\pi + 2k_m \cos 2\pi = -1 + 2k_m; \quad (18в)$$

2-ой минимум

$$a_{безразм,4} = \cos\frac{3\pi}{2} + 2k_m \cos 3\pi = -2k_m. \qquad (18г)$$

Аналогично, для ускорения:
1-ый максимум

$$a_1 = 250\frac{1+2k_m}{1+k_m} = 250\left(1+\frac{k_m}{1+k_m}\right); \qquad (19а)$$

1-ый минимум

$$a_2 = -250\frac{2k_m}{1+k_m} = -\frac{500\,k_m}{1+k_m} = -250\left(1+\frac{k_m-1}{k_m+1}\right); \qquad (19б)$$

2-ой максимум

$$a_3 = 250\frac{2k_m-1}{1+k_m} = 250\left(1+\frac{k_m-2}{k_m+1}\right); \qquad (19в)$$

2-ой минимум

$$a_4 = -250\frac{2k_m}{1+k_m} = -\frac{500\,k_m}{1+k_m} = -250\left(1+\frac{k_m-1}{k_m+1}\right). \qquad (19г)$$

И для силы:
1-ый максимум

$$F_1 = 250m_1(1+2k_m); \qquad (20а)$$

1-ый минимум

$$F_2 = -500m_1k_m; \qquad (20б)$$

2-ой максимум

$$F_3 = 250m_1(-1+2k_m); \qquad (20в)$$

2-ой минимум

$$F_4 = -500m_1k_m. \qquad (20г)$$

Для вибрационного механизма важным параметром является коэффициент асимметрии, который в данных обозначениях равен:
- для безразмерного ускорения

$$K_{безразм} = \left|\frac{a_{безразм,1}}{a_{безразм,2}}\right| = \frac{1+2k_m}{2k_m} = 1+\frac{1}{2k_m}; \qquad (21)$$

- для ускорения

$$K_a = \left|\frac{a_1}{a_2}\right| = \frac{1+2k_m}{2k_m} = 1+\frac{1}{2k_m}; \qquad (22)$$

- для силы

$$K_F = \left|\frac{F_1}{F_2}\right| = \frac{1+2k_m}{2k_m} = 1+\frac{1}{2k_m}; \qquad (23)$$

Как видим из (21)–(23), коэффициенты асимметрии одинаковы, что и ожидалось, поскольку, как говорилось выше, все три колебания (7)–(9) отличаются друг от друга только множителями.

Расчёт, согласно полученной методики оценки асимметричных колебаний при исходных данных: $R_1/R_2$ = 100/50 мм, $n_1/n_2$ = 500/1000 об/мин, $m_1$ = 10 кг, $k_m$ = 1/2 позволили получить коэффициент асимметрии: $K$ = 2, а наибольшее значение силы при этом 3000 Н.

**Вывод.** Проведённый анализ создания направленных колебаний системы из двух виброгенераторов позволяет по (11) найти зависимость результирующей силы $F = F(t, m_1, \omega_1, \varphi_1, R_1, k_m, k_\omega, k_R, k_\varphi)$ как функцию от нескольких параметров вида (9):

$$F = m_1(1+k_m)a = m_1\omega_1^2R_1(\cos\alpha + b\cos\beta),$$

где $\alpha = \omega_1 t - \varphi_1$, $b = k_m k_\omega^2 k_R$, $\beta = k_\omega \omega_1 t - k_\varphi \varphi_1$. Обозначения коэффициентов $k_m$, $k_\omega$, $k_R$, $k_\varphi$ раскрываются в (4). Анализ полученной функциональной зависимости $F = F(t, m_1, \omega_1, \varphi_1, R_1, k_m, k_\omega, k_R, k_\varphi)$ позволяет определить диапазоны рабочего и холостого хода, коэффициент асимметрии и амплитудные значения силы.

**Список литературы**

[1]. Герасимов М. Д. Исаев И. К. Способ направленных колебаний и устройство для его осуществления. Патент RU 2381078 C2, B06B 1/00, 24.12.2007.

[2]. Герасимов М. Д., Герасимов Д. М., Исаев И. К. и др. Одновальный планетарный вибратор направленных колебаний. Патент RU 2381078, Заявка № 2012 133129 от 2014.01.13.

[3]. Герасимов М. Д., Мкртычев О. В. Кинематический анализ вибрационного механизма планетарного типа / Science Time. – 2014. № 4. – С. 44 – 57.
[4]. Герасимов М.Д. Способ получения направленных механических колебаний для практического применения в технологических процессах / Строительные и дорожные механизмы. 2014. №1. С. 35 – 38.
[5]. Герасимов М.Д., Герасимов Д.М. Определение закона движения, скорости и ускорения центра масс планетарного вибровозбудителя / Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2013. №12. – С. 8 – 11.
[6]. Вибрационные машины в строительстве и производстве строительных материалов: Справочник / Под. ред. В. А. Баумана и др. – М.: Машиностроение, 1970. – 548 с.
[7]. Michail Dmitrievitsch Gerasimov, Oleg Vitalievich Mkrtychev, Viktor Anatolievich Stepanistchev and Vladimir Semenovich Sevost`yanov, 2014. Calculation of Main Kinematic Characteristics of the Single-Shaft Vibrator with Aimed Fluctuations. Research Journal of Applied Sciences, 9: 855-861. http://medwelljournals.com/abstract/?doi=rjasci.2014.855.861

УДК 677.21.021

# ИННОВАЦИОН ВЕРТИКАЛ ТОЗАЛАГИЧНИНГ ТОЗАЛАШ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Х.С. Усманов, И.З. Аббозов, Ф.Н. Сирожиддинов

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, mr_fazliddin@mail.ru*
*(Қабул қилинди 17.01. 2019 й.)*

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг “Табиий толаларни дастлабки ишлаш” кафедраси ҳамда “Paxtasanoat ilmiy markazi” АЖ ҳамкорлигида инновацион вертикал тозалагичнинг лаборатория ускунаси ишлаб чиқилди. Яратилган янги тозалагичда тўрли юзанинг ёй узунлиги максимал тарзда бўлишига эришилди. Инновацион вертикал тозалагичдан ўтган чигитли пахта таркибидаги ифлослик миқдорига тўрли сетка юзаси, чигитли пахта ифлослиги ҳамда ускунанинг иш унумдорлиги таъсирини ўрганиш мақсадида тўлиқ факторли тажриба ўтказиш услубида ўрганилди. Олинган натижалар инновацион тозалаш ускунасини амалда жорий қилиш учун тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланиш имконини беради.*
***Таянч сўзлар:*** *инновацион вертикал тозалагич, чигитли пахта, тўрли юза, ёй узунлиги, ифлослик миқдори, чигитли пахта сифат кўрсаткичлари.*
*Кафедрой “Технология первичной обработки натуральных волокон” Ташкентского института текстильной и легкой промышленности совместно с АО “Paxtasanoat ilmiy markazi” разработана лабораторная установка вертикального очистителя хлопка-сырца. В новом очистителе достигнуто максимальное значение длины дуги сетчатой поверхности. В результате проведения полных факторных экспериментов на инновационном вертикальном очистителе было изучено влияние площади сетчатой поверхности, засоренности хлопка-сырца и производительности установки на степень засоренности хлопка-сырца после его очистки. Полученные результаты позволяют выдать рекомендации по практическому использованию вертикального очистителя хлопка-сырца.*
***Ключевые слова:*** *инновационный вертикальный очиститель, хлопок-сырец, сетчатая поверхность, длина дуги, степень засоренности, качественные показатели хлопка-сырца.*
*The chair “Technology of primary processing of natural fibers” of the Tashkent Institute of Textile and Light Industry, together with Paxtasanoat ilmiy markazi JSC, developed a laboratory installation of a vertical raw cotton cleaner. The new cleaner has reached the maximum value of the arc length of the mesh surface. As a result of carrying out full factorial experiments on an innovative vertical cleaner, the influence of the net surface area, weediness of raw cotton and plant productivity on the degree of weediness of raw cotton after cleaning was studied. The results obtained make it possible to give recommendations on the practical use of a vertical raw cotton cleaner.*
***Keywords:*** *an innovative vertical cleaner, raw cotton, mesh surface, arc length, degree of contamination, quality indicators of raw cotton.*

**Муаммони ҳолати**. Ҳозирда мавжуд 1ХК русумли чигитли пахтани майда ифлосликлардан тозалаш машиналарида қозиқчали барабанлар орқали чигитли пахта бўлакчалари тўрли сирт устига урилиши натижасида ундаги ифлос қўшилмалар ажралади ва

тўрли сирт тешиклари орқали ташқарига чиқиб кетади. Ускунанинг ҳақиқий иш унумдорлиги қуйидаги тенглама орқали ҳисобланади [1]:

$$Q = \frac{3{,}6 \cdot L \cdot F \cdot \rho_X \cdot \eta \cdot \varphi}{T}$$

Бу ерда; L – тўрли юза узанлиги, мм;

F - титиладиган пахтанинг кўндаланг қирқим юзаси,м$^2$

$\rho_x$ - чигитли пахтанинг зичлиги, кг/м$^3$;

$\eta$ = 0,25÷0,30 - тўрли сетка сиртидан фойдаланиш коэффициенти;

$\varphi$ - тозалагичдан фойдаланиш коэффициенти, $\varphi$=0,3÷0,35;

T - чигитли пахтанинг тозалагич ичида туриш (бўлиш) вақти, сек.

Майда ифлосликлардан тозаловчи машиналардаги асосий камчиликлардан бири, бу тўрли юзанинг фойдали коэффициенти, яъни ифлосликлар ажралиш зонаси камлигида. Бу кўрсатгич мавжуд 1ХК $\eta$=0,25÷0,30 - тўрли сиртдан фойдаланиш коэффициенти пастлиги тозалаш ускунасининг камчиликларидан бири бўлиб келмоқда.

**Тажриба ўтказиш методикаси.** Буни олидини ошиш мақсадида тўрли сеткадан фойдаланиш коэффициентини ошириш учун янги инновацион тозалаш ускунасини конструкциясини таклиф қилинмоқда (1-расм).

Тадқиқотлар олиб бориш инновацион тозалаш ускунасининг лаборатория варианти ишлаб чиқилди (2-расм) [2].

Лаборатория ускунасида тозалаш жараёни кечадиган ишчи қисм эни 300 мм қилиб. Шу юзани тозалаш учун айланувчи ишчи қисмлар консол валларга ўрнатилган. Тўрли юза ва бошқа элементлар унинг ён қисмига маҳкамланган.

Тозалаш жараёнини кўз билан кузатиб бориш учун унинг олд қисми шаффоф органик ойна билан ёпилди. Инновацион тозалагичнинг янгилиги тозалаш жараёни кечадиган тўрли юзанинг ёй узунлиги максимал тарзда бўлишига эришилди.




а) б)

1-расм. Майда ифлосликлардан тозаш ускуналарида қозиқчали барабан ва тўрли юза конструкцияси. а) 1ХК тозалагичнинг ишчи органлари жойлашуви; б) инновацион тозалагичнинг ишчи органлар жойлашуви.

Вертикал зиг-заг усулида ишлайдиган инновацион тозалагич қуйидаги кетма-кетликда ишлайди: чигитли пахта таъминлагичдан 1 майда ифлосликдан тозаловчи секцияга 2 узатилади. У ерда қозиқчали барабанлар 3 ва тўрли юзалар 4 орқали майда ифлосликлардан тозаланиб шнек 5 билан машинадан чиқарилади. Тўрли юза 4 фойдали майдони 180$^o$ дан ортиқ бўлганлиги сабабли ҳамда чигитли пахтага қарама-қарши кучларнинг таъсири бартараф этилганлиги сабабли унинг табиий хусусиятларини максимал сақлашга эришилади. Патрубок 13 орқали чигитли пахта йирик ифлосликлардан тозаловчи 6 секциясига узатилади ва аррачали барабанлар 7 ва 8 орқали 10 колосниклар ёрдамида тозаланиб, ажратувчи чётка билан 11 чигитли пахта кейинги жараёнга узатилади. 17 планка орқали чигитли пахтани йўналишини ўзгартириш имконияти мавжуд.

Лаборатория ускунада диаметри 250 мм бўлган арралардан аррали цилиндр йиғилиб унинг чизиқли тезлиги мавжуд тозалаш барабанлардагидек 7,1 м/с (540 мин$^{-1}$) қилиб ростланди. Аррали цилиндрдан пахта хомашёсини ажратиб олиш учун диаметри 300 мм бўлган мавжуд чўткали барабандан фойдаланилди. Унинг чизиқли тезлиги 15,7 м/с (1000 мин$^{-1}$) қилиб ростланди.

Вертикал тозалагичдан ўтган чигитли пахта таркибидаги ифлослик миқдорига тўрли сетка юзаси, чигитли пахта ифлослиги ҳамда ускунанинг иш унумдорлиги таъсирини ўрганиш мақсадида тўлиқ факторли тажриба ўтказиш услубида ўрганилди [3]. Ўтказилган тажриба синов ишларига кўра 3 та кирувчи факторлар танлаб олинди.

Тўрли сетка юзаси - $x_1$




2-Расм. Чигитди пахтани ифлосликлардан тозаловчи вертикал тозалагичнинг схемаси. 1 – таъминлагич; 2 – майда ифлосликлардан тозаловчи секция; 3 – қозиқчали барабан; 4 – тўрли юза; 5, 12 – ифлослик шнеги: 6 – йирик ифлосликлардан тозаловчи секция; 7, 8 – аррачали барабан;9 – илаштирувчи чётка; 10 – колосник; 11 – ажратувчи чёткали барабан; 13,14,15 – патрубок; 16 – ўқ; 17 – планка.

Маълумки, тўрли сетка юзаси пахтани майда ифлосликлардан тозалаш самарадорлигига маълум таъсир қилади. Тўрли сетка юзаси катталашиши майда ифлосликлардан яхши тозалашга олиб келади. Агарда тўрли сетка юзаси кичиклашиб кетса чигитли пахта таркибида ифлосликларни ошиб кетишига ҳамда майда ифлосликлардан тозалаш ускунасининг тозалаш самарадорлиги меъёр даражасида таъминланмаслигига олиб келади. Шунинг учун тўрли сетка юзани амалий тажрибаларда максимал 0,8 м$^2$ минимал 0,4 м$^2$ бўлган ҳар ҳил вариантлари танлаб олинди.

Чигитли пахта ифлослиги - $x_2$

Кирувчи фактор сифатида олинган чигитли пахта ифлослиги технологик талабларга кўра жинлаш ускунасида келаётганда ўртача 2% дан ошмаслиги керак. Шундай экан чигитли пахта ифлослиги ҳар бир технологик машиналарга келишида аниқланиши керак. Ғарамлашда турган ҳар хил ифлосликдаги чигитли пахтани бир хил кўрсаткичларга олиб келиш жуда мураккаб масалалардан бири, шунинг учун келаётган пахтани ифлослигини билиш, тозалаш ускунасини танлашга ҳамда такомиллаштирилган тозалаш ускунасидан чиққан чигитли пахта таркибидаги ифлосликни аниқлашда муҳим ҳисобланади, яъни киришда 5,5% дан 16,7% бўлган кўрсаткичларда ифлосликлар текширилди.

Иш унумдорлиги - $x_3$

Пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқаришга бир хил меъёрда чигитли пахтани бера олмаганлиги ҳамда ҳар бир ускунага келадиган пахта маҳсулотлари массаси ҳар хил бўлганлиги сабабли ускунага бериладиган пахта маҳсулотлари массаси ҳар хил бўлганда иш унумдорлиги ўзгариб тўриши илмий асосланган. Шу сабабли ускунани иш унумдорлиги ифлосликлардан тозалаш даражасига таъсири юқори бўлади. Олиб борилган амалий изланишларимизда уснунанинг иш унумдорлигини минимал 0,5 тонна/соат максимал 1,17 тонна/соат қилиб танлаб олинди.

1-жадвал

Тажрибанинг режалаштириш шарти

| № | Факторнинг номи, белгиси | Кодлаш-тирилган белгиси | Факторнинг ҳақиқий қийматлари | | | ўзгариш оралиғи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | -1 | 0 | +1 | |
| 1 | Тўрли сетка юзаси , $м^2$ | $x_1$ | 0,4 | 0,6 | 0,8 | 0,2 |
| 2 | Чигитли пахтанинг бошланғич ифлослиги, % | $x_2$ | 5,5 | 11,1 | 16,7 | 5,6 |
| 3 | Иш унумдорлиги, тонна/соат | $x_3$ | 0,5 | 0,835 | 1,17 | 0,335 |

Режалаштириш усулини асослаш.

Вертикал тозалагичдан сўнг чигитли пахта таркибида қолган ифлосликлар тўрли сетка юзаси, чигитли пахта бошланғич ифлослиги ҳамда унинг иш унумдорлигига таъсирини ўрганиш учун керак бўлган математик моделларни қуришни кўриб чиқамиз (1-жадвал).

Бунинг учун тажрибада 10 мм гача бўлган майда ифлосликларни тўрли юзадан максимал ажратилишига таъсир этувчи жараёнини кўрамиз. Кирувчи факторлар сифатида тўрли сетка юзаси, чигитли пахта ифлослиги ва ускунанинг иш унумдорлиги олинган. Тажриба натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Тажриба натижалари

| № ранд. | Факторлар | | | $Y_1$ | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
Инсониятнинг тарихий ривожланиш тажрибалари бир ижтимоий-сиёсий тузумдан бошқасига ўтиш даврида "табиат-жамият-инсон" муносабатларида ҳам анъанавийлик ва ворисийлик ўртасида узилишлари рўй беришини кўрсатиб берган. Хусусан, иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг беқарорлашуви бевосита экологик муносабатларда ҳам кузатилади. Лекин, экологик муносабатлар глобаллашуви бу жараённи бошқаришни маънавий-аҳлоқий жиҳатдан такомиллаштиришни талаб қилади.

Экологик аҳлоқ нормаларининг "табиат-жамият-инсон" муносабатларини оқилона бошқаришдаги ролини тушуниб олиш учун муҳим фалсафий аҳлоқий тушунча бўлган қадриятлар билан муносабатини қисман кўриб ўтиш мақсадга мувофиқ. Қадриятлар — жамият ва шахс маданий ривожланишини тартибга солувчи муҳим омиллардир. Шунинг учун ҳам бу масала файласуфлар, социологлар, антропологлар ва психологлар томонидан диққат билан ўрганиб келинади.

Аксиология фани маданиятни қадриятлар тизими, уларнинг сифат кўркини ифодаси деб шарҳлайди. Қадриятларга нисбатан барқарор қарашлар маданиятни тушунишнинг ўзагини ташкил қилади, уларнинг асосий принциплари иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тузилмаларда, фанда, санъатда, аҳлоқда, ҳуқуқда, динда ва турмуш тарзида ўз аксини топади. Шундай экан шахс экологик аҳлоқни шаклланишида қадриятларнинг аҳамиятини кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу масалани ҳаммага маълум бўлган қуйидаги фикрлар замирида кўриб чиқсак, бунга тўла ишонч ҳосил қиламиз. Инсон бир вақтнинг ўзида насроний, мусулмон, буддист, этник дин тарафдори, ёки конфуцийчи бўлиши мумкин, аммо табиатни севмасдан, уни асраб-аввайламасдан маданиятли бўла олмайди. Шунингдек, инсон ўз касб-корининг устаси бўлиши мумкин, аммо ўзи яшаган, ўсган ва меҳнат қилаётган табиий муҳитни асраб-авайламасдан, уни мусаффолиги ва тозалигини ҳимоя қилмасдан туриб, ҳам аҳлоқли, ҳам маданиятли бўла олмайди.

Яқин кишиларига муҳаббат ҳисси ҳар кимга ҳам ато этмаган, бундай туйғуни тарбиялаш жуда мураккаб ва сердиққат вазифа, шунингдек табиатга муҳаббатни тарбиялаш ўз-ўзига нисбатан муносабатни билдиради, инсон экологик аҳлоқи ва маданиятининг моҳияти ҳам ана шунда.

Инсонлар ўзаро муносабатларида қанчалик аҳлоқ меъёрларига амал қилса табиатга ҳам шундай аҳлоқий муносабатда бўлиши зарурдир. Табиатга, атроф муҳитга аҳлоқий муносабатда бўлиш, ҳар бир инсон ижтимоий ҳаёти ва фаолиятининг асосий тамойили, белгиловчи қоидаси бўлиши керак. Аҳлоқий маданият таълим тарбия, кундалик ҳаёт кечириш, турмуш тарзи, ўзаро алоқалар жараёнида шаклланади. Шунингдек, инсоннинг экологик маърифатидаги аҳлоқийлик унинг табиатга муносабатида яққол кўриниб, табиат, жамият олдидаги бурч ва жавобгарликни жиддий масала қилиб қўяди. Бу табиатдан тўғри фойдаланишнинг муҳим аҳлоқий омили, ҳар бир шахснинг экологик онги, аҳлоқи ва маданияти шаклланишининг ҳамда яратувчилик фаолиятининг муҳим шартидир.

Инсоннинг экологик маънавий-аҳлоқий масъулияти унинг атрофдаги табиий муҳитда қанчалик аҳлоқий фаолият кўрсатяпти-ю қандай феъл – атворга асосланаяпти, у табиат умуммиллий ижтимоий бойлик эканлигини англайдими, ўзини табиатга бўлган муносабатини инсонийлик тамойиллари асосида бошқара оладими, деган масалаларга келиб тақаламиз.

Юқоридаги муаммоларнинг ечими инсонда экологик аҳлоқий маданиятни шакллантириш мезони ҳисобланади. Инсоннинг табиатга аҳлоқий муносабати унинг кундалик фаолиятида аниқланади. Айни пайтда ҳар бир шахснинг аҳлоқий-экологик фаолияти жамиятнинг мақсад ва вазифалари воситасида белгиланади. Шу ерда экологик аҳлоқ нормаларининг илмий-методологик концепциясини ишлаб чиқиш ва ундан амалиётда фойдаланиш зарурияти келиб чиқади. Демак, экологик аҳлоқ нормалари муайян илмий-методологик тизимга асосланиши керак, бу ҳол табиатга нисбатан қадриятли муносабатни шаклланишига ва ижтимоий-аҳлоқий нормаларнинг қарор топишига хизмат қилади.

Жамоатчилик фикрида халқнинг табиатга, атроф-муҳитга муносабати, уни ерга, сувга, ҳавога ва оловга бўлган энг қадимий меҳр муҳаббати каби фазилатлари ифодаланади. Шу маънода, жамоатчилик фикри экологик маданият савиясини билдирса, айни бир вақтда жамоатчилик таъсири воситасида ҳар бир индивид онги ва хулқ-атворига соф экологик муҳит тушунчасини сингдириб бориш учун жуда қулай шарт-шароит яратилади.

Маҳалла, асосан ўзбек халқига, миллатига хос ноёб ва бетакрор ижтимоий ходисадир. Маҳалла ҳаёти борлиқдир. Унинг муҳим роли шундаки, маҳалла инсонда табиий муҳитга асраб-авайлаб муносабатда бўлиш туйғусини болаликдан сингдиради. Шарқда оқсоқолларнинг, мураббийларнинг обрў-эътибори қадимдан баланд бўлган. Шу сабабли мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг аҳамиятини ва ҳаётийлигини англаган оқсоқоллар ҳозирги экологик муаммоларни ҳал қилишда, шунингдек, назаримизда, мамлакатимизда ёш авлоднинг экологик аҳлоқни шакллантириш ҳамда ривожлантиришда салмоқли хисса қўшишлари мумкин. Дарҳақиқат, маҳалла ибрат ва тарбия маскани, ўзи яшаётган табиий муҳитни асраб-авайловчи мустаҳкам қўрғон, табир жоиз бўлса, энг самарали экологик аҳлоқ ва маданият мактаби ҳамдир.

Аҳлоқий-экологик маданиятни яхлитлиги шахсни экологик билимлари, табиатга нисбатан аҳлоқий муносабати, аҳлоқий-экологик хулқ-атвори ва фаолиятининг ўзаро мутаносиблиги ва мунтазамлигида ўз ифодасини топади.

“Табиат-жамият-инсон” муносабатларини бошқаришнинг демократик характери ва гуманистик тамойилларга мослиги умуминсоний экологик аҳлоқий қадриятлар даражасида намоён бўлади. Айниқса, экологик фаолиятни бошқаришнинг халқ томонидан назорат қилиш имконияти, унинг демократик характерини белгиловчи муҳим мезон ҳисобланади. Бунда жамиятнинг сиёсий институтлари, хусусан давлат, унинг қонуний- ҳуқуқий ва маънавий-аҳлоқий кафолати бўлиши керак. Яъни, давлатнинг функцияси “табиат-жамият-инсон” муносабатларини бошқаришнинг ҳуқуқий ва аҳлоқий мезонларини жамият устқурма элементлари орқали тартибга солишдан иборат бўлиб, экологик фаолиятни бошқариш

институционал тизими самарадорлиги маънавий-аҳлоқий мезонларга кўра ташкиллашганлигига боғлиқдир. Чунки, экологик фаолиятнинг аҳлоқий мезонлари ва ҳуқуқий қонунлари аниқ белгиланмаса тизимнинг мутаносиблиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

“Табиат-жамият-инсон” муносабатларини бошқаришда миллий ва умуминсоний экологик аҳлоқий қадриятларнинг интеграциялашуви ва глобаллашуви ҳозирги даврда барқарор экологик ривожланишининг объектив қонунияти бўлиб, унинг тарихий тенденциясини ҳамда цивилизация истиқболини белгиловчи устувор омилга айланмоқда. Қўйилган муаммолар таҳлили қуйидаги хулосаларга асос бўлди, яъни: ***биринчидан,*** ҳар қандай жамиятда “табиат-жамият-инсон” муносабатларини бошқариш комплекс-системали жараён бўлиб, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, руҳий компонентларнинг табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш мақсади доирасида функционал боғланишларини тақозо қилади; ***иккинчидан,*** “табиат-жамият-инсон” муносабатларини бошқариш сиёсатининг аҳлоқий нормаларга асосланиши, унинг демократик характерини, гуманистик моҳиятини намоён қилади ва барқарор экологик тараққиётнинг омили ҳисобланади; ***учинчидан,*** “табиат-жамият-инсон” муносабатларини бошқаришда маънавий-аҳлоқий нормаларининг универсаллашуви ва глобаллашуви экологик ривожланишининг умумий қонуниятидир; ***тўртинчидан,*** экологик фаолиятни аҳлоқ нормалари асосида бошқариш самарадорлиги жамият аъзоларининг маънавий-маданий савиясини ривожлантириш институционал тизими ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади; ***бешинчидан,*** “табиат-жамият-инсон” муносабатларини бошқаришнинг умумий мақсади доирасида: ҳуқуқий меъёрлар, сиёсий актлар, аҳлоқий нормалар, диний қадриятларнинг ўзаро уйғунлашуви, унинг самарадорлигини таъминлайди; ***олтинчидан,*** “табиат-жамият-инсон” муносабатларини бошқаришда ижтимоий назорат институционал тизимини оқилона ташкил этиш ва уларни функционал мувофиқлашувининг аҳлоқий нормаларга асосланиши барқарор экологик тараққиётга хизмат қилади; ***еттинчидан,*** “табиат-жамият-инсон” муносабатларини бошқариш самарадорлиги, унинг объекти ва субъектлари ўртасидаги ахборот алмашинувини рационал ташкил қилишга боғлиқдир.

**Адабиётлар**


[1]. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: ”Маънавият”, 2008, -Б. 52.
[2]. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т:.
[3]. Расулева Г. С позиций социобиологии. //Экологический вестник. — 1999. - № 5-6. — С. 31-33.
[4]. Чориев С. Экологик сиёсат ва шахс баркамоллиги. //Экологический вестник. — 1999. — № 1-2. - С. 9.
[5]. Бекмуродов М. Ўзбекистонда ижтимоий фикр. –Тошкент: “ФАН”, 1999.
[6]. “Фалсафа қисқача изохли луғат”и. Т:.”Шарк” 360 бет 2004 й.
[7]. “Маданиятшунослик асослари”. “Фарғона” 46 бет 2006 й.


# ҲАЖВИЙ ХАРАКТЕР ЯРАТИШДА МОНОЛОГИК НУТҚНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

(*Абдулла Қодирий асарлари мисолида*)


Ф. Турсунова

*Фарғона политехника институти*



*(Қабул қилинди 20.11.2018 й.)*



*Мазкур мақолада Абдулла Қодирий ҳажвий асарларида монологик нутқнинг ўзига хос хусусиятлари, бадиий-эстетик функцияси ва қаҳрамон характерини яратишдаги адибнинг маҳорати ёритилган. Ёзувчининг заҳарханда кулги, киноя, пичинг маъноларини усталик билан асарга олиб кирганлиги, монологик нутқнинг ички (овозсиз) ва ташқи (овозли), эпистоляр шаклларидан фойдаланган ҳолда ҳажвий қаҳрамоннинг ўз-ўзини фош қилиши мисоллар ёрдамида очиб берилган.*



***Таянч сўзлар:*** *ўзбек ижодкорлари, ижодий мерос, бадиий ижод, адабиёт равнақи, адиб ҳажвиялари, монологик нутқ, адабиётшунослик, монографик план, маҳорат, ҳажвий асарлар, бадиий нутқ, нутқ типи, ташқи (овозли), ички(овозсиз), эпистоляр шакллар, нутқ соҳиби, характер қирралари, мақбул ўзгаришлар, чиркин дунё, сатира қамчиси, жирканч, ачинарли ҳолатлар, киноя-кесатиқ, ички нутқ, фельетон, портрет, ҳажвий персонаж, ҳажвий танқид, сержило кулги, эстетик таъсир, ҳажвий қаҳрамон.*

*В этой статье описывается, что особенности монологической речи в художественной эстетической функции и авторское мастерство в создании персонажа в работах Абдуллы Кадири. Вступление писателя сатирического юмора и иронии в пьесе, внутренняя (тихая) и внешняя (слышимая) речь, используя эпистолярные формы для самооткрытия юмористического героя, были показаны с реалистичными примерами.*

***Ключевые слова:*** *узбекские писатели, творческое наследие, художественное письмо, развитие литературы, художественное творчество, юмор писателя, монологическая речь, комиксы, литературные источники, монографический план, тип речи, внешний (слышимый), внутренний (тихий)речь, эпистолярный характер речевого носителя, позитивные изменения, острая сатира, раскрывающие его отвратительные, приседающие, внутренние (молчащие) монологи, внутренняя речь, личности, портреты, юмористическая критика, смех сержанта, юмористический персонаж, эстетический эффект.*

*This article describes that the features of monologue in artistic aesthetic function and the author's skill in creating a character in the works of Abdullah Kadiri. The writer's introduction of satirical humor and irony in the play, internal (quiet) and external (audible) speech, using epistolary forms for self-discovery of the humorous hero, were shown with realistic examples.*

***Key words:*** *uzbek artists, creative heritage, fiction writing, development of literature, artistic creativity, writer's humor, monologue speech, comic books, literary sources, monographic plan, type of speech, external (audible), inner (silent), epistolary, the character of the speech holder, positive changes, ugly world, sharp satire, revealing his disgusting, squatting, inner (silent) monologues, internal speech, personalities, portraits, humorous criticism, sergeant laughter, humorous personage, aesthetic effect.*

Мустақиллик йилларида бир қатор қатағон қилинган фидойи ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодий меросини ўрганиш, уларнинг асарларини нашр этиш, халқимизга қайтариш борасида талайгина ишлар қилинди ва қилинмоқда. Адабиётимизда ўзгариш ва янгиланишлар юз берди. Бу даврга келиб ўзбек ижодкорлари, хусусан, бетакрор сўз устаси Абдулла Қодирий ижодий меросини ўрганиш масалаларига бағишланган кўплаб тадқиқотлар яратилди. Немис адабиёти намоёндалари Н. Тип, И. Балдауф, америкалик тадқиқотчилар Э. Олворт, Христофор Мурфи, Эден Наби каби олимлар А. Қодирий ижоди бўйича жиддий ишлар қилганлар. ЎзМУ профессорлари У.Норматов, М. Қўшжонов, Б. Каримов, Иззат Султон, А. Алиев, С.Мирвалиев, И.Мирзаев, Ф.Насриддинов, М. Адураҳманова, Н.Раҳимов, С.Қосимхонов каби олимларнинг кузатишлари қодирийшуносликнинг ривожига хизмат қилади[1].

Ёзувчининг ҳажвий асарлари, ҳажвиёт соҳасидаги бадиий маҳорати масаласида баъзи монография ва илмий тўпламларда айрим фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлса-да, ҳажвий характер яратишда монологик нутқ типларидан фойдаланиш маҳорати махсус тадқиқот объекти сифатида изчил ўрганилмаган. Ҳажвий характер яратишда монологик нутқнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш адабиётшунослигимиз олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Шундан келиб чиққан ҳолда, Қодирий ҳажвий асарларида монологик нутқнинг ўрнини белгилаш ва қаҳрамон характерини яратишдаги адибнинг маҳоратини аниқлаш, мисоллар ёрдамида илмий тадқиқ этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Ҳажвияларда монологик нутқнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида баҳс юритар эканмиз, энг аввало, монолог ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик.

Монолог (грек.-*монос* – бир, *логос* – сўз, нутқ деганидир) бадиий нутқ типларидан бири бўлиб, тор маънода олганда, бадиий асарда иштирок этувчи қаҳрамонлардан бирининг ўз-ўзига, суҳбатдошига ёки оммага қаратилган нутқидир. Кенг маънода олганда, муаллиф нутқининг ўзи монолог асосига қурилган бўлади. Шу жиҳатдан ҳар бир бадиий асар яхлит олганда улкан монологдан иборатдир,– дейди адабиётшунос Й.Солижонов.[2]

Абдулла Қодирий ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган салбий ҳодиса ва деталларга синчковлик билан кузатишлари натижасида муносабат билдиради, улардаги иллатларни фош қилишда ҳажвияга мурожаат қилади. Адиб ҳажвияларида қаҳрамонлар ўз нутқи орқали ўз-ўзини фош этади, жамиятдаги ўзгаришлар, турли иллатларга муносабат билдиради, ўша давр руҳини очиб беришга хизмат қилади. Масалан: "Думбаси тушиб қолган эмиш" номли "Эски шаҳар озиқ шўъбасига бағишлайман" номли ҳажвиясида шундай дейди:

*«Гўшт... Отингдан ўргулай, ўргулай гўшт!.. Нега мунча ўзингни биздан азиз тутдинг? Биз сенинг қадрингга етмадикми?...»(532)*

Мазкур парчада гўштнинг нархи осмонда бўлганидан Рамазон ойи мобайнида қозони гўшт кўрмаган мазлум кишиларнинг аянчли руҳий ҳолати акс эттирилган. Одамларнинг гўшт илинжида куннинг тиғида, жазирама офтобда соатлаб навбатда туриб, эвазига киши бошига ярим қадоқдан “*чақир-чуқур суяк*” олганлиги, “*қип-қизил ўпкага ўхшаган гўштни сиқсанг ҳам, чигитдек мойи чиқмайдиган*” ҳолда уйига олиб кетишлари эзилган халқнинг таҳқирланишини адиб пичинг ва кесатиқлар билан қаҳрамон монологи орқали баён этган.

**“Мочалов”** номли ҳажвиясида келтирилган қуйидаги парчада халқ тепасида туриб зуғум ўтказган, бунинг эвазига роҳат топгувчи Мочалов сингари раҳбарлар устидан заҳарханда кулиб шундай дейди:

*«Отингдан айланай, Мочалов… Ўтиб кетди ўшал даврларинг: эски шаҳар кўчаларида муборак вужудинг кўриниб қолса, ҳомулалик хотунлар бола ташлар; йиғлоқи болалар йиғидан тўхтар; дағдағайи золимонангни татиған бенаволар дир-дир қалтирар эдилар. Қўлингда қамчин, белингда ошпичоқ, шопдак муртингнинг остидаги сассиқ оғзингдан қизингни… онангни… динингни… ота-бобонгни… деган зикр олийлар доим фаввора урар эди» (580)*

Уларнинг ишсиз қолганидан гўёки асар қаҳрамони тушкунликка тушиб, ташвиш тортаётгандек, киноя тарзида хитоб қилади:

*«Балки қўмсарсан ўша кунларингни?*

*Пудратчилар, заводчилар уйларида ичкан арақларингни, ҳафта сайин қозилардан келиб турадиган пакетларни, айниқса, 1916 йил рабочий воқеасида давлатхонангга арзи дод учун борганларини отиб, гуноҳсиз қонларни сув ўрнига ичишларингни қўмсайсан!»*

Ҳаёт чархпалаги айланиб, Мочалов сингари амалдорларни чирпирак қилиб ташлаганлиги қаҳрамон монологи орқали аччиқ кулги билан тасвирланиб, энди унинг бошига сарсон-саргардон кунлар тушганда меҳмонхоналарда еган паловларию норинларининг хумори тутиши табиий эканлигини эслатиб ўтади.

“Бозор суриштирмайдир” номли кичик фельетонида асар қаҳрамони: *“Этукчининг ҳаракати таажжубимни мужиби бўлди. Тиккан этугини олиб кўрдим: баҳяси катта, этук чокиға қўл сиғадур, санъат йўқ. Кийганда хизмат қилса бир кунга чидайдир. Мендек ялпи одам Тошканднинг тошсиз, қишки лой деганидан ўн қадам кечса иш тамом”.* (546) Бунинг сабаби сўралганда, этикчи косибнинг: “*Хайф бўлмасин, бозор суриштирмайдир”,*– деб жавоб бериши “Мендан кетгунча, эгасига етгунча” қабилида хўжа кўрсинга иш қилаётганлиги, ўша даврда ҳеч ким ўз иши билан шуғулланмагани, натижада ишлар “ўлда-жўлда”, маҳсулот сифатсиз эканлигини кўрсатади. Шунда қаҳрамоннинг “Театр музиқа” ҳам сафсата, чўп, ҳашак, шупуриндилардан пьеса ёзилар экан деган хулосага келиб: *“Тўхта дедим. Ҳозир “Театр музиқа”ни ҳам бозор суриштирмас экан-да!”,*-дейиши ўта ачинарли ҳолдир.

Ҳажвияларда қаҳрамонлар ўзининг аянчли аҳволини, характери, хулқ-атвори, ташқи қиёфасини ўз монологи воситасида тсвирлаб бериши ҳам китобхонда кулги қўзғатади. “Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан” асаридан олинган, Маҳзум тилидан баён этилган қуйидаги мисолларга эътибор қаратайлик:

“*Аммо назир бошим **кесак қисқон қовундек** қийшиқ бўлиб ва яна жовдирлоғон кўзим **қассобдан эт олуб**, боққол бирлан муомала қилотурғон даражага етубдир. (250-бет)*

Маҳзум ёшлигида узоқ йиллар давомида бешикда ётавергач, боши қийшайиб, кулгили ҳолга келиб қолганлигини пичинг ва енгил кулги остида баён қилинган парча орқали китобхон кўз ўнгида кесак қисган қовун гавдаланади.

*“Аммо фақирнинг қорни кундан-кунга **ғовлаган торвуздек** ўсиб, бул маънидин падар бирлан волида “боламиз қорин сола бошлади”, деб бениҳоят хушнуд бўлар эканлар” (250-бет).*

Маҳзумнинг ўз нутқи орқали берилган мисолларда унинг болалагида бир ерда ётавериб, тинимсиз овқат истеъмол қилганидан, қорни тарвуздек катта бўлиб кетганлигини *ғовлаган торвузга* ўхшатилиши ўта кулгили ҳол эканлигини кўришимиз мумкин. Ўқувчи кўз ўнгида полиздаги ғовлаган тарвуз намоён бўлади.

*“... Агарда ўзингизга ҳам чечак чиққан бўлса сезарсиз: мисоли юзингиз **ғалвирак бодом**... Аммо фақирнинг юзимда баъзи чандиқлар ҳам зуҳурга келгани учун гўёки ҳусни Юсуф бизда хотима топди... агар сиз **бир ҳовуч тариқ**ни юзимизга қаратиб сепсангиз-да, бир дона ерга тушса, биз бенават” (250-254).*

Бу тасвирлар, энг аввало, муаллифнинг ўз персонажларига муносабатларини кўрсатиб турибди. Қодирий қаҳрамон қиёфасини тасвирлашда *кесак қисқон қовун, эт, ғовлаган тарвуз, ғалвирак бодом, тариқ* каби деталь ва ташбеҳлардан фойдаланади. Бу деталлар китобхонга ҳажвий персонаж қиёфасини аниқ, ёрқин, жонли тасаввур қилиш имконини бериш билан бирга унда кучли кулги ҳам қўзғатади.

*“Аммо ўпкам **амиркон маҳсидек** ғижирлайтурғон бўлубдир (250).*

Маҳзумнинг ўпкаси шамоллаб ўтиб кетганидан ғижирлаб овоз чиқаришини адиб амиркон маҳсининг ғижирлашига ўхшатади. Бундай ҳолатга кутилмаган ўхшатиш эталонининг танланиши ўринлидир. Чунки китобхон кўз ўнгида амиркон маҳсининг ғижирлаши намоён бўлади.

Ҳажвияларда қаҳрамонлар ўз саргузаштларини, атрофидаги кишиларга муносабатларини, кўрган-кечирганларини, ҳаётдаги турли-туман воқеаларга субъектив нуқтаи назарларини, ҳасбу ҳолини ўзи баён қилади. Бу - адиб ҳажвий услубига хос етакчи хусусиятлардан бири. Бу ҳақда Ойбек шундай ёзади: «Абдулла Қодирий кулги асарларида ўзини тамом бекитади, унинг персонажлари ўз саргузаштларини ўзлари бажарадилар»[3].

Абдулла Қодирий фақатгина моҳир ҳажвчи, кулги устаси бўлиб қолмай, балки ҳажвиёт илмининг ҳам пухта билимдонидир. У мумтоз адабиётимиз ва қардош халқлар адабиётидаги ҳажвчилик анъаналари ҳамда Европа халқлари адабиётидаги ҳажвчиликнинг етакчи тамойиллари асосида янги ҳажвчилигимизнинг назарий асосларини ишлаб чиқди. Унинг ҳажвиёти шакл ва мазмун мутаносиблиги, халқчиллик, холислик, ҳаётийлик, қаҳрамон руҳиятини очишда монологик нутқнинг ўзига хос хусусиятлари, характер кулгиси, умуман, ҳажвиёт поэтикаси ҳақидаги назарий-эстетик қарашлари ғоят теран бўлиб, ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ҳажвий характер яратишда монологик нутқнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, бунда ёзувчи эмас, қаҳрамон ўз монологи орқали ўз-ўзини фош этади. Бунинг қулайликлари: биринчидан, сўз тежалади; ҳажвий персонаж ўз нутқи, қилиқлари билан кулги қўзғатади, лекин кулги бўлаётганини ўзи сезмайди; асарнинг эстетик таъсир кучи ортади; сўзни персонажга бериб қўйиб муаллиф ўз шахсини, қаҳрамонга, воқеа-ҳодисаларга субъектив муносабати, давр иллатларига ҳажвий қаҳрамон кўзи билан қараш ва баҳолаш имкониятига эга бўлади.

Қодирий ҳажвиётининг бадиий юксак жиҳатларини тасвиридаги холисликдан, пичинг, кесатиқ, киноя ва бошқа тасвирий воситалар бажараётган эстетик вазифалардан, ҳажвий танқиднинг кўпмаънолилигидан, кулги товланишларидан изламоқ керак.

**Адабиётлар**

1. И. Султон. Абдулла Қодирий ҳақида. // Қизил Ўзбекистон. – 1956. – 26 окт. / Абдулла Қодирий. Танланган асарлар, 4 томлик, 2 том, - Т.: АСН, 1972; М. Қўшжонов. Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати._ Т. , 1966. / Инқилоб ва адиб. Ижод масъулияти: адабий-тан. мақолалар тўплами. – Т. , 1981; Н. Рахимов. Ўзбек совет сатираси тарихидан (1917-1959). –Т.: “Фан”, 1962; Ф. Насриддинов. Абдулла Қодирий услубининг баъзи хусусиятлари. Ф. Ф. Н. ил.дар. ол. учун ёз. диссер. –Т., 1967; А. Алиев. Абдулла Қодирий. – Т., 1967./ Адабий мерос ва замонавийлик. –Т.,1983; И. Мирзаев. Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси. –Т.: “Фан”, 1977; М. Абдурахмонова. Абдулла Қодирийнинг психологик тасвир маҳорати. ф.ф.н. ил.дар.ол. учун ёз.диссер., Т., 1977; Норматов У. «Қодирий боғи. Т. 1995. Махсумхонов С. Абдулла Қодирий ижодида ҳажвий характер муаммоси. ф.ф.н. диссер. Тошкент., 1997. Қўшжонов М. А. Қодирийнинг тасвирлаш санъати. Т. «Фан» 1966. Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси. (Қодирийшунослик тимсоли) ф.ф. ф. диссер. Т. 2002.
2.Солижонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси. ф.ф.д.дисс. Т. 2002.
3. Ойбек. Асарлар. 10-томлик, 9-том, «Тадқиқот ва мақолалар», -Т: АСН, 1974, 251-бет.
4. Мисоллар: Қодирий А. Танланган асарлар. Тошкент., 2017. “Ғирвонлик Маллавой”. Тошкент, 1987.

# ВИРТУАЛ БОРЛИҚ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ АЙРИМ ПСИХОЛОГИК ТАЛАБЛАРИ

Л.А. Тишабаева, А.А. Мадаминов

*Фарғона политехника институти*

*(Қабул қилинди 9.11.2018 й.)*

*Мақолада бугунги кунда кундалик ҳаётимизда кенг ўрин эгаллаётган виртуал борлиқ ва унинг ёшлар тарбиясига таъсирининг айрим муаммоли жиҳатлари таҳлил қилинган ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар баён қилинган.*

***Таянч сўзлар:*** *Ахборот, ахборот асри, глобаллашув жараёнлари, интернет тармоқлари, виртуал борлиқ, виртуал макон, ёшлар тарбияси, оила, психология, оилавий муҳит, психологик муҳит.*

*В статье проведен анализ возникающих некоторых проблем в результате воздействия особенностей виртуальной реальности на воспитание молодёжи. А также в ней излагаются подходы предотвращения этих проблем.*

***Ключевые слова:*** *информация, информационный век, процессы глобализации, интернет, социальные сети, виртуальная реальность, виртуальное пространство, воспитание молодёжи, семья, психология, семейная и психологическая ситуация.*

*The article analyzes some problems that arise as a result of the impact of virtual reality features on the education of young people. It also outlines approaches to prevent these problems.*

***Keywords****: information, information age, globalization processes, Internet, social networks, virtual reality, virtual space, youth education, family, psychology, family and psychological situation.*

Бугунги давр ахборот асри деб бежизга айтилмайди. Чунки кейинги йилларда ахборот алмашинув воситаларининг энг мукаммал авлоди кундалик турмушимизга шу қадар шиддат билан кириб келдики, натижада бу воситалар бугун барчамизнинг эс-ҳушимизни оҳанграбодек эгаллаб олган, десак ҳеч бир муболаға бўлмайди. Бундан бир неча ўн йил олдин симсиз телефон, видео телефон, факс деган нарсалар худди эртакдек туюларди. Барча ташкилотларда қулоқни қоматга келтирадиган ёзув машинкалари бюроларида бажарилган ишлар кекса авлод вакилларининг шундоққина кўз ўнгида турибди. Узоқ-яқиндаги қариндош-уруғлар билан гаплашиш учун соатлаб навбат кутиб ўтирган телефон алоқа станциялари бугун бузилиб, уларнинг хизматидан воз кечилганига ҳам чорак аср тўлди. Бунинг ўрнига кириб келган Интернет тармоқлари орқали ахборот алмашинуви барчамизнинг турмуш тарзимизни тубдан ўзгартириб юборганлигига ҳаммамиз жонли гувоҳмиз. Айниқса, улардан фойдаланиш борасида бир-бирлари билан пойга ўйнаётган бугунги ёшларимиз ўз ҳаётининг бирон дақиқасини ҳам Интернетсиз тасаввур қила олмайди, десак уларга нисбатан туҳмат гап бўлмаса керак. Шу маънода бугунги кун ёшларининг ҳозирда энг кўп фойдаланаётган эрмаги ҳам интернет тармоғи эканлиги айни ҳақиқатдир. Натижада реал макон қолиб, виртуал дунё янгиликларига ошнолик уларнинг оддий турмуш тарзига айланиб қолган.

Бироқ ҳар тўкисда бир айб, деганларидек, ҳар бир янгиликнинг қадрият сифатидаги ижобий ва салбий томонлари ҳам бор эканки, буни турмушнинг ўзи яққол тасдиқлаб турибди. Шу маънода турмушимизда рўй бераётган мазкур ўзгаришларда жуда катта ижобий жиҳатлар билан бирга айрим салбий иллатлар ҳам учрамоқдаки, бу ҳол кенг жамоатчиликни тобора жиддий ташвишга солмоқда. Шундай экан, ёшларимизнинг виртуал макондаги фаолият маданиятини шакллантириш борасида учраётган бундай муаммоларни бартараф қилиш учун қандай йўл тутмоқ мақсадга мувофиқ бўлади?

Назаримизда бундай ёндашувларнинг йўналишлари кўп хил бўлиб, муҳими, уларнинг ҳар бирига жиддий эътибор бериш лозим. Акс ҳолда бу борада кўзланган мақсадга эришиш осон бўлмайди. Бизнингча, аввало ушбу масалага психологик ёндашув зарур. Зеро, инсон онгини, онг остига хос муаммоларни, ёшлик, ўсмирлик ва ўспиринлик даврида учрайдиган ўзгаришларни психологик нуқтаи назардан таҳлил қилмасдан туриб, кўп нарсаларга ойдинлик киритиб бўлмайди. Бу борада замонавий психологиянинг 300 дан ортиқ

тармоқлари мавжудлиги мутахассисларга яхши маълум. Шу ўринда уларнинг айримларига тўхталиб ўтсак.

Умумий психология – ушбу тармоқ психология фани ҳақида бизга умумий маълумот бериб ўтади. Турмуш психологияси ва илмий психология ҳақидаги дастлабки маълумотларни ҳам бизга умумий психология беради. Россиялик айрим психолог олимларнинг фикрига кўра, энг аввал турмуш психологияси шаклланган экан. Яьни инсоннинг руҳий ҳолатида учрайдиган сифат ва хусусиятлар унинг қандай оила фарзанди эканлигини англатади. Табиийки, халқимиз орасида кенг тарқалган "Қуш уясида кўрганини қилади", деган ўгитлар бекорга ўйлаб топилгани йўқ. Дарҳақиқат, янги дунёга келган чақалоқда шаклланадиган илк психологик фазилатлар унга аввало ота-она, оила аьзолари ва қариндош-уруғлардан "юқади". Натижада боланинг онги, дунёқараши ва маданиятининг шаклланишида оилавий муҳит бирламчи психологик таъсир омили бўлиб хизмат қилади. Бу таъсир эса асосан 2 хил кўринишда бўлади, яьни ижобий ва салбий. Шу ўринда яна бир нарсага алоҳида тўхталиб ўтиши жоиздир.

Маълумки, ижобий (илиқ) психологик муҳит боладаги руҳий ҳолатни тўғри шакллантиришга ўзининг сезиларли таьсирини кўрсатади.

Айтайлик, бир ёки икки яшар фарзанд олдида улар ҳали ҳеч нарсани тушунмайди, деган фикрга бориб, эр-хотин бир-бирини ҳақоратласа, уруш- жанжал қилиб, оилавий муҳитни бузса бу, шубҳасиз, бола психологиясига салбий таьсир кўрсатади. Бундай ҳолатнинг сурункали давом этиши бола руҳиятини жароҳатлайди, унинг онгида турмушдаги бундай муаммолар чуқур из қолдиради. Вояга етгани сари унда қўрқоқлик, одамлардан нафратланиш, жамоадан ўзини олиб қочиш,ёлғизликни суйиш каби хислатлар пайдо бўлади. Кўп ҳолларда эса уруш-жанажалларнинг табиийлиги, уларсиз турмушни тасаввур қила олмаслик, одамларнинг бир-бирларига нисбатан қўпол ва қўрс муносабатлари оддий ҳоллиги тўғрисидаги тушунча ва тасаввурлар шаклланиши ҳам мумкин. Буларнинг барчаси болада бемеҳрлик, бефарқлик, яхшилик билан ёмонликнинг қадрига етмаслик, кундалик ҳаётда ҳамма нарсанинг мумкинлиги тўғрисидаги муносабатларнинг шаклланишига олиб келади. Айни пайтда унинг нутқида катта салбий ўзгаришларни, яьни сўзлашув маданиятининг пастлиги, тенгдошлари билан дўстлашишда қийналиш, ўзига ишончли бир инсонни топа олмаслик каби хусусиятлар юзага келади. Бундай салбий ҳолатларнинг олди олинмаса, тобора авж олиб, катта социал муаммоларни келтириб чиқариши турган гап. Хусусан, буларнинг барчаси болада ташқи таъсирларга берилувчан, бегона қадриятларга нисбатан мойиллик, уларнинг таъсирига осон тушиб қолиш каби муаммолар учун қулай замин юзага келтиради. "Оммавий маданият" маҳсулотлари таъсирига тушиш, уларга нисбатан "ўчлик кайфияти", Интернет орқали ҳамсуҳбат излаш, ижтимоий тармоқлардан бемақсад фойдаланиш, айрим диний ақидапарастлик ва экстремистик оқимлар ортидан эргашиш каби зарарли ҳолларнинг таг-заминида аслида худди ана шундай психологик ҳолат ётади.

Шунинг учун оилада фарзанд дунёга келгандан сўнг ота-она ва оила аьзоларининг фарзанд тарбияси учун маьсулияти беқиёс эканлиги доимо диққат марказимизда турмоғи шарт. Бунда ёш боланинг мияси, онги ва онг ости тўғри шаклланиши учун ҳар бир ҳатти-ҳаракати қаттиқ назорат остида бўлиши, тўғри баҳолаб борилиши ўта муҳимдир. Унинг ҳар бир саволи имкон қадар жавобсиз қолдирилмаслиги атрофидаги кишилар орасида ўзининг ўрнини тўғри баҳолаш учун, ўзгаларга нисбатан ишонч руҳининг пайдо бўлиши, тенгдошлари билан тез тил топиша олиши ва дўстлашиши учун имконият яратади.

Инсондаги ўзига ишонч ҳисси аслида мана шу муносабатларда шаклланади. Бу борада психология фанининг "Ёш даврлар психологияси" тармоғи яққол гувоҳлик беради. Бу тармоқда ҳар бир даврда шаклланадиган туйғуларга, кечинмаларга, ақлий ва жисмоний ривожланишларга алоҳида таьриф берилган.

Барчамизга маълум бўлганидек, шахснинг илк болалик даврида асосан ўйин фаолияти кузатилади. Ва унинг миясида пайдо бўлган "Бу нима?" саволига нисбатан қизиқувчанлик ўз-ўзидан ундаги ҳар қандай қўрқув,чўчиш ҳиссидан устун келади. Унга ҳамма нарса қизиқ бўлгани учун ҳам бу ёшда у, ҳаттоки, илондан ҳам қўрқмайди. Бола 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган

даври бу унинг энг кўп гапирадиган, энг кўп савол берадиган даври ҳисобланади. Агар шу даврда биз унга тўғри муносабатни шакллантира олсак, уни чекламасак, бўлди, бас дея бақирмасак ундаги киришувчанлик, дадиллик туйғуларини шаклланишига яқиндан ёрдам берган бўламиз. Демак, бу туйғуларнинг шаклланиши аста-секинлик билан ундаги мустақил фикрнинг шаклланишига олиб келади. 7 ёшдан 13 ёшгача бўлган даврда ўқиш ва меҳнат тарбиясини шакллантириш болада эстетик ва аҳлоқий туйғуларни ривожлантиради. Агар бу даврда болани ёлғиз қолдирсак ёки уни эшитмасак, болада ўз-ўзидан қаҳр, нафрат, ғазаб туйғулари шаклланиб боради. Ва бу бола, албатта, олиб берган ўйинчоқни бузади, синдиради ва китобни йиртиб ўйнайди. Бундай салбий ҳолатлар эса ўтиш даврини қийинлаштиради. Бола ҳаётида ўтиш даврида ота-онанинг бир-бирига бўлган муносабатидаги самимийлик, ўзаро ҳурмат, мулойимлик, ижобийлик, оила аъзолари ўртасидаги дўстона муносабатлар шу ёшга муносиб ўзига хос психологиянинг шаклланиши учун муҳим замин бўлиб хизмат қилади. Чунки боладаги мустақил ижтимоий муҳитга бўлган муносабати, маданияти худди шу даврда куртак кўрсата бошлайди.

Энди ота-онадан ўз фарзандлари билан дўстлашиши ва уларнинг фикрларини тинглаши, тўғри бўлса бу фикрларга қўшилиши, нотўғри бўлса уни инкор қилиши ва буни исботлаб бериши, дастурхон атрофида чиройли баҳс-мунозаралар ташкил этилиши талаб қилинади. Бу жараёнда баҳс мавзуи ҳам тўғри танланиши жуда муҳим. Ёки бир сўз билан айтганда катталарнинг болалар учун ибрат бўлишига эътибор кучайтирилиши лозим. Чунки бу ёшда улар учун катталарга тақлид қилишга нисбатан мойиллик кучайган давр бўлади.

Бизга маълумки, таъқиқланган нарса нафақат болалар, балки биз катталар учун ҳам қизиқ. Бунга оддий беркитиб қўйилган шоколадни олиб ейиш болага ҳузур бағишлаши мисолини барчамиз биламиз. Чунки инсон зотига хос психологиянинг табиати шундай, яъни нимани яширсангиз ўшанга нисбатан қизиқиш янада ортади. Бу ҳол, айниқса, болаларда яққол кўзга ташланишини доимо ёдда тутмоқ зарур. Шундай экан, болани нимадан таъқиқлаётганимизни аниқ билишимиз ва муҳими хато қилмаслигимиз лозим. Чунки “Бу ёмон, буни қилма, бунга тегма”, деб айтилган гаплар боланинг онгини эмас, балки онг остини жунбушга келтиради ва натижада уни онгсиз ҳаракатга ундайди. Бу ҳаракат сўзсиз катталарга ёқмайди ва биз уни жазолашга ўтамиз. Бу ҳолатда биз ва фарзандимиз ўртасида кўринмас девор ҳосил бўлади. Шундай тўсиқларнинг пайдо бўлиши натижасида бола тарбиясида бузилиш ёки оғиш рўй беришини сезмай қолишимиз мумкин. Гап шундаки, энди у бизни бемалол алдашга, биз таъқиқлаган ишларни яшириб бажаришга ўтиши мумкин. Шундай қилиб, у ўзининг идеалини яратади ва унга интилади, дейишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам ўсмирлик ва ўспиринлик даврида маданият тушунчаси муҳим бўлиб, уни шакллантиришда катталарнинг тўғри йўлни танлаши сув ва ҳаводек зарур. Айниқса, ҳозирги кунда замонавий телефонлар, интернет тармоқларидан фойдаланиш маданиятини шакллантиришда буни эътиборга олиш ўта муҳимдир. Бунда таъқиқлашлар кам фойда беради. Ҳозирга келиб таъқиқлаш мумкин бўлмаган ҳолларнинг кўплиги эса, агар тўғри йўлни танлай олмасак, муаммоларнинг олдида ожиз қолишимизга олиб келади. Бундай вазиятда энг маъқул йўл болага ниманинг яхшилиги ёки кераклиги ёхуд керакмаслиги ва зарарлилигини, унинг ёшига муносиб эмаслигини тушунтириш орқали эришмоқ мақсадга мувофиқдек туюлади.

Албатта, бу борада яна оилага, ота-она ва унинг оила аьзоларига мурожаат қиламиз. Бизнинг миллий менталитетимизда жуда чиройли урф-одатлар ва тарбия методлари мавжуд бўлиб, улардан ўринли фойдаланиш бола тарбиясида катта аҳамият касб этади. Бунда, шубҳасиз, диний ва дунёвий тарбиянинг кўп бор синовлардан ўтган тажрибаларини қўллаш жуда самарали эканлиги доимо диққат марказимизда туриши лозим. Оила мустаҳкам ва соғлом психологик муҳит барқарор бўлса шу оила фарзанди ҳам ҳар томонлама етук ва маданиятли инсон сифатида вояга етиши кафолатланади.

Кўрилаётган муаммонинг яна бир муҳим жиҳати фарзандимизнинг дўстлари гуруҳидир. Ҳар бир ота-она фарзандининг дўсти ким, унинг оила аъзолари қандай кишилар эканлиги билан, албатта, қизиқиши лозим. Ахир, халқимизда “Дўстинг кимлигини айтсанг, сенинг кимлигингни айтаман”, деган ҳикматли сўзлар бекорга шаклланмаган.

Ҳар бир шахс кундалик ҳаётининг аксарият қисмини жамоатчилик орасида, турли гуруҳлар ичида ўтказади. Бу нарса уларнинг дунёқараши, нутқ маданияти, қизиқишлари, муомаласи,

одамлар орасида ўзини тутиши кабиларга ўз таъсирини кўрсатади. Биз яхши биламизки, инсондаги тақлидчилик руҳиятимизда маълум маънода устивор мавқега эга. Масалан, кичкина қизча қўғирчоғига оналик қилади ёки ўйинчоқларини ўйнаётган чоғида боғча опасига тақлид қилиб гапиргиси, унга жуда ўхшагиси келади ва ҳоказо. Шундай экан, боланинг ён-атрофидаги кимсаларнинг уларга таъсири ҳамиша ўрганилиб турилиши ва зарур бўлганда назорат қилиб борилиши тарбиянинг муҳим талабларидан биридир. Уйга кеч келган бола назорат қилинмаса, бу ҳол унинг учун оддий ҳолга айланиб қолади. Кимлар билан бирга бўлаётганлиги эътибордан четда қолса унинг тарбияси бузуқ тенгқурлари ёки, ҳаттоки, ёт ва зарарли кучлар таъсирига тушиб қолиш хавфини оширади. Айни пайтда боладаги кийиниш, юриш-туриш, фикрлаш, ўзгаларга нисбатан муносабатда кутилмаган одатлар пайдо бўлишига олиб келади. ИШИД, ваҳҳобийлик, хизбут-таҳрир сингари диний экстремистик оқимларга қўшилиб қолган ва пушаймон бўлаётган ёшларимиз вакилларининг гувоҳликлари бунга яққол далилдир. Ёки интернет орқали танишиб олис юртлардаги мутлақо нотаниш кимсаларга турмушга чиқиб кетаётган қизларимизнинг аянчли тақдирга рўбарў келиб қолаётганлиги ҳам оддийгина енгилтакликнинг оқибати бўлаётганлиги бошқаларга катта сабоқ бўлиши шарт.

Юқорида баён қилинган фикрлар боланинг кун тартибини оқилона ташкил қилиш кераклигини кўрсатади. Бунда, албатта, биринчи навбатда боланинг бўш вақтини мазмунли ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айниқса, унинг онгидаги бўшлиқ масаласи катталарни жиддий ўйлантириши шарт. Чунки боланинг табиатига хос бўлган ўта қизиқувчанлик ҳали яхши билан ёмонни, рост билан ёлғонни, ҳақиқат билан бўҳтонни фарқлаш савияси етарли даражада шаклланмаган бу даврда турли нотўғри йўлларга кириб кетиш хавфидан кафолатлай олмайди. Бола эса доимо имконияти билан ҳисоблашмасдан орзу-ният қилишга кўпроқ мойил бўлиши психологияда кўп марта тасдиқдан ўтган. Бунинг устига ҳамиша ана шундай вазиятдан устакорлик билан фойдаланиш ва ўз мафкураси ва ғоялари таъсири доирасига бундай ёшларни тушириб олиш ниятида юрганлар эса доимо топилади. Интернет орқали виртуал олам таъсири кундан кунга ортиб бораётган бугунги кунда эса мазкур хавфнинг кўлами янада катта эканлиги барчамизга кундек равшан бўлиши лозим. Болаларимизни беҳуда орзу ва хаёллардан кўра ўз имкониятлари доирасидаги ота-она, эл-юрт учун фойдали амаллар ва фаолият турлари билан шуғулланишга ўргатиш айни муддао. Машҳур психолог Вилгельм Вунт “Орзулар имкониятлардан ошиб кетмасин” деб бежизга айтмаган. Шунинг учун ҳар ўсмир хаёлларини тартибга солиш ва уни ижодийлаштириш ўринлидир. Бунда эса ҳаётий тажрибалардан мисоллар келтириб тарбия беришга ҳаракат қилиш керак, уни рағбатлантириш, вақти-вақти билан ўринли мақташ, баъзида эса унинг фикрларига ҳайрат билан қарашни ҳам билишимиз ва буни амалга оширишимиз керак. Лекин ҳар бир ҳатти-ҳаракатда муайян меъёр талаб қилинишини унутмаслик лозим.

Бугунги кунда виртуал макон барчамизнинг ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаб бўлди. Ундаги хилма-хиллик, ранг-баранглик, ахборотларнинг чексизлиги, шаклларнинг ниҳоятда жозибадорлиги кўп ҳолларда мазмун-моҳият талабларидан чекиниш томон етаклаб, чеклаш, тийилиш кабиларни ёт тушунчаларга айлантириб қўймоқда, десак муболаға бўлмайди. Бунинг устига барчамиз эркин фаолият юритиш ҳуқуқи ва имконига эгамиз. Барчамиз ушбу маконда бемалол ҳаракатланишимиз, хоҳлаган нарсани кўришимиз, ўқишимиз, ўйнашимиз мумкин. Шундай қиляпмиз ҳам. Бироқ унутмаслик лозимки, виртуал макондаги имкониятларни мутлақлаштириш, хоҳлаган нарсанинг мумкинлиги дея қабул қилиш мутлақо мумкин эмас. Айниқса, ўсмир ва ўспиринларга нисбатан буни алоҳида уқтириш ўринлидир. Шундай экан, улар учун зарур иммунитетни шакллантириш бугунги давр таълим ва тарбияси, қолаверса, маданиятининг ҳам муҳим талабларидан биридир.

**Адабиётлар**

[1]. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

[2]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. - 2017 йил 19 сентябрь.

[3]. Тулепов А. Интернетдаги таҳдидлардан химоя: Ёрдамчи ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир А.Ҳасанов – Тошкент “Мовороуннахр”, 2016.

УДК 537.322; 539.23

# ВЛИЯНИЕ СТРУКТУРЫ ТЕНЗОРЕЗИСТИВНЫХ ПЛЕНОК $(Bi,Sb)_2Te_3$ НА ФИЗИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ ПЕРЕНОСА НОСИТЕЛЕЙ ЗАРЯДА

К. Онаркулов, А. Юлдашев, Ш. Йулдошкори

*Ферганский государственный университет, tmazimov@mail.ru*

*(Получена 13.11.2018 г.)*

*Сканерловчи электрон микроскоп ва рентген структура таҳлили усулидан фойдаланиб турли тагликларга вакуумда термик буғлантириш орқали олинган $(Bi,Sb)_2Te_3$ юпқа қатламларни микроструктураси ва уларнинг кинетик катталикларга таъсири ўрганилган. Олинган юпқа қатламларни поликристалл тузилишда бўлиб, p-тип ўтказувчанликка эга ва $(Bi,Sb)_2Te_3$ фазасидан ташкил топган. Олинган натижалар кўрсатадики, оддий ва қиммат бўлмаган термик буғлантириш усули ва оптимал технологик катталиклардан фойдаланиб, етарли даражада юқори сифатга эга бўлган $(Bi,Sb)_2Te_3$ юпқа пардалар олиш мумкин.*

***Таянч сўзлар:*** *теллурид висмут сурьма, термик буғлантириш, юпқа парда, қалинлиги, структура, потенциал тўсиқ.*

*С использованием методов, сканирующей электронной микроскопии и рентгеноструктурного анализа исследованы микроструктура тонких пленок $(Bi,Sb)_2Te_3$ полученных термическим испарением в вакууме на разные подложки. Полученные тонкие плёнки были поликристаллическими, обладали p-типом проводимости и содержали фаз $(Bi,Sb)_2Te_3$. Полученные результаты показывают что, используя простой и недорогой метод термического испарения и оптимальные технологические параметры, можно получить тонкие плёнки $(Bi,Sb)_2Te_3$ достаточно высокого качества.*

***Ключевые слова:*** *теллурид висмута сурьмы, термическое испарение, тонкая пленка, толщина, структура, патенциальной барьер.*

*The microstructure of thin $(Bi,Sb)_2Te_3$ films prepared by thermal evaporation of stoichiometric $(Bi,Sb)_2Te_3$ crystals in vacuum different substrates were studied using X-ray diffraction, scanning electron microscopy. The obtained thin films were polycrystalline, exhibited p-type conductivity and do contain phases for $(Bi,Sb)_2Te_3$. The results obtained show that using a simple and inexpensive method of thermal evaporation from a single source and choosing optimal technological parameters, one can grow thin p-$(Bi,Sb)_2Te_3$ films of sufficiently high quality.*

***Key words:*** *bismuth stibium telluride, thermal evaporation, thin film, thickness, structure, the potential barrier.*

Полупроводниковое соединение $Bi_2Te_3$ и твердые растворы на его основе относятся к числу лучших и наиболее широко используемых при производстве различного рода тензоэлектрических и термоэлектрических (ТЭ) материалов [1-4]. Все возрастающий интерес к низкоразмерным наноструктурам на основе теллурида висмута сурьмы [5-7] стимулирует проведение детальных исследований свойств указанных материалов в тонкопленочном состоянии, установление корреляции между технологическими параметрами, структурой и физическими процессами в них. Для получения пленок $(Bi,Sb)_2Te_3$ с воспроизводимыми тензосвойствами и улучшенными температурными характеристиками нами предложен способ, описанный в [6]. Исследованые структури пленок проводилось на растровом электронном микроскопе. Исследования показали, что пленки полученные на аморфных подложках имели мелкозернистую поликристаллическую структуру без преимущественной ориентации с размерами кристаллитов ~0.5 мкм. На рис 1а, рис 1б показана, соответственно

электронограмма и структура пленки, конденсированной на слюду при $t_n = 90^0C$ ( õ100000). Видно, что кристаллиты в пленке имеют разную величину (но не более 0,1 мкм). Наряду с крупными хорошо сформированными кристаллитами, встречаются участки очень мелких искаженных островков.

Электронно-микроскопические снимки показали, что границы кристаллитов состоят из дислокаций образующих дислокационную стенку.

Некоторые кристаллиты разделены дислокационными стенками на блоки более меньших размеров. Вместе с сплошной фазой, пленка содержит большое количество пустых каналов и пор размером меньше 300-500 $\overset{0}{A}$. В общем из рис. 1а.1б можно заключить, что пленка $(Bi,Sb)_2Te_3$ представляет собой сильно неоднородную структуру.

Поле упругих напряжений вблизи границ кристаллитов, связанное с дислокационными стенками может достигать значительных величин. Хотя граница кристаллитов не обладает дальнодействующими полями напряжений (при $x >> D/2\pi$ напряжения экспоненциально стремятся к нулю; $D$-шаг дислокаций, $x$-расстояние от дислокационной стенки в перпендикулярном направлении) в мелкозернистой системе механические напряжения, передаваемые дислокационной стенкой в кристаллиты, могут быть значительными.

В оптимальном режиме получения пленок их состав приближается к составу шихты. При этом пленка неоднородна, т.к. содержит различные фазы. Проведенные анализы показали, что в пленке, кроме фазы $p-(Bi,Sb)_2Te_3$, имеются включения электронного $(Bi_2Te_3+Te)$ и дырочного ($Sb_2Te_3$ или $Bi_2Te_3+Bi$).



Рис 1а




Рис 1б

Электронограмма (рис 1а), и структура (рис1б) пленки, конденсированной на слюду При $t_n = 90^0C$ $(x100000)$.

Существование в пленках структурных и фазовых неоднородностей, определяют перенос носителей в пленочной системе. Электрические поля связанные со структурными и фазовыми неоднородностями приводят к модуляции зон полупроводника – к возникновению крупномасштабных флуктуаций потенциала [10]. Перенос тока в таком неоднородном потенциальном рельефе обусловлен забросом носителей на уровень протекания в случае отсутствия вырождения или активацией с уровня Ферми на горбы рельефа в случае вырождения (в последнем случае имеется в виду, что амплитуда флуктуаций зон больше энергии Ферми).

Рассмотрим причины появления крупномасштабных флуктуаций в пленках $(Bi,Sb)_2Te_3$. Как было указано концентрация носителей в пленках $(Bi,Sb)_2Te_3$ $p_0 > 10^{20}\tilde{m}^{-3}$. При таких концентрациях дырок $(Bi,Sb)_2Te_3$ находится в состоянии вырождения. Поэтому дальнейшие рассуждения относятся к пленкам с вырожденными кристаллитами, т.е. уровень Ферми находится достаточно глубоко в зоне.

1. Вблизи краевых дислокаций, из которых образована граница кристаллитов, всегда имеется область сжатия и растяжения. Упругая деформация кристалла вблизи дислокации

приводит к появлению малого двумерного потенциала. Этот двумерный потенциал дает уровень в запрещенной зоне. Если основная энергия уровня меньше энергии Ферми, что в предположении достаточно большой концентрации состояний с такой энергией, заполнение их носителями происходит до тех пор пока их энергия не совпадает с энергией Ферми. Локализация заряда на этих состояниях приводит к изгибу зон.

2. Если на границах кристаллитов имеются локализованные состояния для основных носителей, образованные адсорбцией на них электрически активных атомов или молекул и их основная энергия меньше энергии Ферми, то захват на эти состояния носителей также приведет к изгибу зон. Потенциальный барьер $(\varphi)$ при этом будет определяться следующим выражением

$$\varphi=\begin{cases}\mu-E_S,\text{åñëè}\ \dfrac{e^2N_S^2}{8\chi\chi_0n_0}>\mu-E_S\\[2mm] \dfrac{e^2N_S^2}{8\chi\chi_0n_0},\text{åñëè}\ \dfrac{e^2N_S^2}{8\chi\chi_0n_0}>\mu-E_S\end{cases} \tag{1}$$

где $N_S$ - концентрация состояний на границах кристаллитов.: $\mu$ и $E_S$ - энергии Ферми и состояний, отсчитанные от границы соответствующей зоны.

В обоих случаях, если $|E_S|>kT$ и $\dfrac{e^2N_S^2}{8\chi\chi_0n_0}>\mu-E_S$ перенос носителей через такие границы будет активационным. В противном случае (при нарушении одного из неравенств) барьер будет приводить к дисперсии длины свободного пробега носителей вблизи уровня Ферми.

3. Наличие в пленках включений разных типов проводимости или различных материалов приведет к появлению потенциальных барьеров связанных с возникновением гомо- или гетеропереходов на границах различных фаз. Высота потенциального барьера будет определяться концентрацией и типом носителей в различных фазах (близость по ширине запрещенной зоны различных фаз входящих в пленки $(Bi,Sb)_2Te_3$ делает не эффективными гетеропереходы).

Электропроводность пленки с активационными барьерами на границах кристаллитов определится выражением

$$\sigma=\sigma_0\exp\left(-\frac{\varphi-\mu}{kT}\right) \tag{2}$$

4. В пленках из материалов со сложной зоной, кроме отмеченных выше ситуаций, могут существовать неоднородности, связанные с расщеплением неэквивалентных экстремумов. $p-(Bi,Sb)_2Te_3$ имеет сложную валентную зону с под зонами «легких» и «тяжелых» дырок, раздельных на $\Delta E_V=0,02\text{ýÂ}$.

Одноосная деформация приводит к изменению энергетического зазора между под зонами, изменяя эффективную плотность состояний в валентной зоне:

$$N_V=N_{V\Lambda}+N_{VT}\cdot\exp\left(-\frac{\Delta E_V}{kT}\right) \tag{3}$$

Под влиянием внутренних механических напряжений в зависимости от их величины и знака пленка будет разбита на различные области, в которых будет своя фиксированная эффективная плотность состояния в валентной зоне. Величина $N_V$ определится соотношением (3), в котором $\Delta E_V$ необходимо заменить на величину

$$\Delta E_V^{\varepsilon}=\Delta E_V-\frac{d(\Delta E_V)}{d\varepsilon}\cdot\varepsilon^* \tag{4}$$

где $\varepsilon^*$ - относительная деформация в рассматриваемой области пленки, обусловленная

внутренними механическими напряжениями, $\frac{d(\Delta E_V)}{d\varepsilon}$ - барический коэффициент изменения зазора $\Delta E_V$ с деформацией.

Различие концентраций в соседних областях приведет к появлению потенциального барьера.

Яна шуни айтиш мумкинки, 2018-йил август ойида А 373 автомобил йўлини Оҳангарон трассасида ўтказилган тажрибаларда фреза барабан диаметри d=90 см, ишчи жиҳозининг фрезалаш чуқурлиги h=5-32 см бўлганда ва 11200 кв/метр юзага эга бўлган асфалт қопламасида умумий ҳажмда 38 соат ишлаганда жами 168 та фреза ишчи жиҳозидан 105 та фреза ишчи жиҳози алмаштирилди (3-расм).

Бирламчи ўтказилган тадқиқотлар таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Фрезалаш ишчи жиҳозининг кескичини ўткирлашни ва ўрнатиш бурчакларини оптимал қийматларини аниқлаш лозим.
2. Асфалтобетон қопламаларини фрезерлаш жараёнида тўла самарадорликни таъминлаш учун кесувчи (фреза) элементларини ҳаракатини ва траекториясини тўғри танлаш керак.
3. Фрезалаш ишчи органларининг кинематик ва геометрик параметрларини энг мақбулини фойдаланиш даврида саралаб танлаб олиш зарур.
4. Асфалтобетон копламасини материаллардан қайта фойдаланиш билан юқори сифатли ишларни бажаришда совуқ фрезерлашдан имкон қадар кенг ва самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**Адабиётлар**

[1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори (№ ПҚ-2500, 26.08.2016).
[2]. Ищенко К.С, Калашникова Т.Н, Селенов Д.А, “Технология устроиства и ремонта асфальтобетонных покрытий” М.., “Аир-Арт” 2001 г.
[3]. Котларский А.В. “Строительно-технические свойства дорожного асфальтового бетона” Учеб пособие, Москва, 2004.

УДК 711.4.
Х-15

## ШАҲАРСОЗЛИКДА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР УЙЛАР ҚУРИШ

М. Набиев, А.М. Хайдаров, А.Б. Отабоев

*Фарғона политехника иниститути*
*(Қабул қилинди 15.10.2018 й.)*

*Ушбу мақолада турар жой биноларида энергия, сув ва ер ресурсларидан фойдаланишда, эксплутация ва техник хизмат кўрсатиш ҳаражатлари тўғрисида маълумотлар берилган.*

***Таянч сўзлар:*** *энергия; бино; иншоот; изоляция.*

*В этой статье найдете информацию о стоимости эксплуатации, технического обслуживания и технического обслуживания энергетических, водных и земельных ресурсов в жилых зданиях.*

***Ключевые слова:*** *энергия; строительство; строительство; изолированы.*

*In this article you will find information on the cost of operation, maintenance and maintenance of energy, water and land resources in residential buildings.*

***Keywords:*** *energy; building; building; isolated.*

Қурилиш индустрияси ва бунёдкорлик ишларига энергия тежамкорликни қўллаш, “яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг асосий йўналишларидан бири саналади. Зеро, у ҳам экологик, ҳам иқтисодий тарафдан ўта фойдалидир. Аниқроғи, энергия тежамкорликнинг амалиётга кенг жорий қилиниши орқали бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлиги ортади. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг қарийб ярми хусусий уй-жойлар, тижорат бинолари ва ижтимоий соҳа муассасаларига сарфланади. Ўзбекистон Республикаси Призидентининг қарорига асосан “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида” кўрсатилганидек, қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш даражасини тубдан ошириш мақсадида асосий йўналишлардан бири

сифатида энергияни тежайдиган материаллар ва асбоб ускуналар янги турларидан фойдаланишни кенгайтириш вазифаси қўйилган [1]. Айни пайтда қишлоқ жойларда барпо этилаётган турар-жойлар сони муттасил равишда ортмоқда. 2009-йилдан буён Республика бўйича умумий майдони 10 миллион квадрат метрдан ортиқ, қарийб 75000 мингга яқин уй қурилиб ўз эгаларига топширилди. Қишлоқларда барпо этилаётган уй-жойлар энергия тежамкорлигини ошириш учун катта ҳажмда захирага эгамиз. Ўрганишларга кўра уларнинг аксариятини лойиҳалаштиришда энергия самарадорлиги ҳисобга олинмаган. Ушбу турар жойларнинг 68 фоизи бир қаватли ёғоч деразага эга бўлса, 95 фоиздан ортиғи иссиқ сақлайдиган томларини кўзда тутмаган. Натижада қишлоқ жойларидаги уйларда табиий газнинг ўртача сарфи ҳар бир квадрат метр учун 8,3 куб метрни ташкил қилади. Бу энергия самарадорлигига эришилган уйлардагига нисбатан 33 фоиз кўпдир. Иссиқлик қозонларининг фойдали иш коэффициенти (ФИК) эса 50% дан ошмайди,автоматик термостатлар, яъни ҳароратни бир хилда ушлаб турадиган асбоб эса жуда кам ишлатилади. Сўнгги пайтларда барпо этилаётган уй-жойларда энергия сарфи кам бўлсада, уйларнинг стандарт режасида хона деворлари, шифт ва поли етарли даражада изоляция қилинмаган [2].

Қозонларнинг ташқарида жойлашгани туфайли иссиқ сувни ичкарига олиб кириш ортиқча энергия, уйдан ташқаридаги қувурлар учун қўшимча иситиш чораларини кўриш талаб қилинади. Қозонлар жуда паст энергия самарадорлигига эга, муқобил энергия манбалари эса амалиётда кўзга ташланмайди.

Бугунги кунда уй-жойлар, тижорат бинолари ва ижтимоий соҳа объектларида энергия сарфи жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан камида икки баравар кўпроқни ташкил қилади.

Юқорида қайд этилганидек, қуриш ва таъмирлаш ишларига энергия тежамкорликни қўллаш орқали биноларнинг энергия самарадорлигини бир неча марта ошириш мумкин [2].

Яъни биргина девор ва полларни изоляциялаш ва совуқ ўтмайдиган қилиб жиҳозлаш, радиаторларни ҳароратини назорат қилиб турадиган терморегулятор билан таъминлаш орқали табиий газни ойига ўртача 25 % қисқартириш мумкин.

Бундан ташқари, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш энергия самарадорлигини камида яна 25% фоиз ошириш имконини беради.

Энергия самарадорлиги соҳасидаги қарорлар бир бири билан узвий боғлиқ тармоқларнинг маҳсулот ва материаллари асбоб-ускуналар, иссиқлик изоляцияси ашёлари биноларни ҳамда сувни иситиш учун энергия тежамкор қозонлар бўлган талабнинг ортишига олиб келади.Энергия самарадор бўлган ташқи девор, асосий девор ва пойдеворлар совуқдан яхши ҳимояланган ва ажратилган бўлишини талаб қилади. Деразаларни қулайроқ жойлаштириш радиаторлар учун иссиқликни тартибга солувчи ва иссиқлик даражасини акс эттирувчи қисмлардан фойдаланиш лозим. Бундай турар жойлар қишлоқларда уй-жойлар қуриш дастури доирасида қад ростлаётган объектларда тахминан 2,9 фоиз қиммат бўлсада, йилига энергия истеъмолини ўртача 24,5 фоиз қисқартириш имкониятига эга.

Атмосферага ис гази кам чиқарадиган уйлар энергия самарадор бўлган иншоотларнинг барча хусусиятини ўзида мужассам этиши билан бирга, қуёш энергияси панеллари ёрдамида хоналарни иситиш имкониятига эга бўлади. Улар қишлок жойларда уй-жойлар қуриш дастури доирасида барпо этилаётган хонадонлардан тахминан 6,2 фоиз қиммат. Аммо бундай турар-жойлар энергия истеъмолини 25 фоизга қисқартиришга олиб келади, электр тармоғига боғлиқ бўлмаган муқобил электр энергиясининг ишончли манбаини таъминлайди.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкин: Қулай бозор ва инвестиция муҳитини яратиш орқали шаҳар ва қишлоқларда энергия тежамкор уйлар салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш мумкин. Экоиншоотларида энергия, сув ва ер ресурсларидан унумли фойдаланиши баробарида, уни эксплуатация ва теҳник ҳизмат кўрсатиш харажатлари бир мунча камаяди, пировардида бинолар эгалари коммунал хизматлар учун янада камроқ ҳақ тўлашади.

Бунинг учун, атмосферага ис газини кам чиқарадиган турар-жойлар қуриш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилар ҳамда қувватлар тармоғини

мустаҳкамлаш, экологик тоза уй-жойлар учун махсус қоидаларни жорий қилиш, бундай хонадонларнинг афзалликлари ҳамда аҳолининг хабардорлигининг ошириш мақсадида қўшимча чора-тадбирларни кўришимиз лозим. Девор, пол ва томларни изоляциялаш табиий бойлик сарфини кескин камайтиради. Натижада атмосферага ис гази чиқаришни кескин қисқартириш имкони юзага келади. Шу билан бирга, экологик тоза биноларда ҳароратни бир маромда ушлаб туриш мумкин бўлади ва мусаффо ҳаводан нафас олиш шароити яхшиланади. Энергия самарадорликнинг иқтисодий натижаси таҳлили шуни кўрсатадики, энергияни кам ишлатиш натижасида олинадиган наф дастлабки ҳаражатлар миқдоридан ортади ва “экологик фойда” келтира бошлайди.

**Адабиётлар**

[1]. “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган наьмунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш” дастури тўғрисида. “Халқ сўзи” газетаси. 25.10.2016 й.
[2]. Уй-жой қурилишида “янги тамойиллар”ни кенг қўллаш. “Халқ сўзи” газетаси. 27.01.2017.

УДК 624.012.35/46
М63

# ЮҚОРИ ҲАРОРАТЛАР ОСТИДА ЭГИЛУВЧИ ТЕМИРБЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРДА ЁРИҚЛАРНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ, ДЕФОРМАЦИЯЛАРИ ВА БИКРЛИГИ

Й.М. Маҳкамов, С.М. Мирзабобоева

*Фарғона политехника иниститути*
*(Қабул қилинди 23.10.2018 й.)*

*Ушбу мақолада бир томонлама қиздириш шароитида оддий оғир бетондан ва глиноземли цемент асосидаги иссиққа чидамли бетондан тайёрланган темирбетон тўсинларда юклангунча ва куч остида ёриқларнинг ҳосил бўлиши ва ривожланиши, деформациялари ва бикрлиги ҳақида олинган экспериментал маълумотлар келтирилган.*

***Таянч сўзлар:*** *ҳарорат, деформация, кучланиш, намуна-тўсин, оддий оғир бетон, глиноземли цемент асосидаги иссиққа чидамли бетон, дарзбардошлик, бикрлик, салқилик.*

*В данной статье приведены результаты экспериментальных исследований об образовании и развитии трещин, деформаций и жесткости в условиях одностороннего нагрева, проведенных на образцах-балках, изготовленных из обычного тяжелого бетона и жаростойкого бетона на основе глиноземного цемента.*

***Ключевые слова:*** *температура, деформация, напряжение, образец-балка, обычный тяжелый бетон, жаростойкий бетон на основе глиноземного цемента, трещиностойкость, жесткость, прогиб.*

*This article presents the results of experimental studies on the formation and development of cracks, deformations and stiffness under conditions of one-sided heating, conducted on beams made from ordinary heavy concrete and heat resistant concrete based on alumina cement.*

***Keywords:*** *temperature, deformation, stress, the sample-beam, ordinary heavy concrete, heat-resistant concrete based on alumina cement, crack resistance, rigidity, deflection.*

Иссиқлик иншоотларида темирбетон конструкциялар технологик ускуналардан ажралиб чиқувчи иссиқлик таъсирида бир томонлама қизийди. Уларнинг конструкцияларини, ҳисоблаш ва лойиҳалашни такомиллаштириш долзарб муаммо бўлиб, амалий тадқиқ этишни талаб этади.

Оддий бетондан тайёрланган тўсинларда бир томонлама қиздиришда энг кўп қизувчи қиррасида бетоннинг ҳарорат деформациялари температура 70 дан 200$^oC$ гача ортганда $60\cdot10^{-5}$ дан $150\cdot10^{-5}$ гача ошиши кузатилган (1-расм).

Глиноземли цемент асосидаги иссиққа чидамли бетонда эса температура 300 дан 800$^oC$ гача ортганда деформациялар $180\cdot10^{-5}$ дан $350\cdot10^{-5}$ гача ошиши қайд этилган (2-расм).

Нотекис қизиш ва ҳарорат эпюрасининг эгри чизиқли тарқалиши натижасида тўсин

қирраси сатҳида бетонда 10МПага ва ундан катта миқдорга эга бўлган сиқувчи кучланишлар, кесим баландлигининг ўрта қисмида эса чўзувчи кучланишлар юзага келади.



1-расм. а – ҳароратнинг, б – деформацияларнинг оддий оғир бетондан тайёрланган темирбетон тўсинларнинг элемент кесимининг баландлиги бўйича ҳарорат нотекис тақсимланиш ҳолатидаги тарқалиш схемаси:
__________ тажрибада; _ _ _ _ _ назарий ҳисоблар бўйича

Ҳарорат фарқи оддий бетондан тайёрланган тўсинларда 80-120$^0$С, иссиққа чидамли бетонлардан тайёрланган тўсинларда эса 150-180$^0$Сни ташкил этганда чўзувчи кучланишлар бетоннинг чўзилишга бўлган қаршилиги қийматига етиши ва кесим ўрта қисмида вертикал ёриқлар ҳосил бўлиши юз берган (3-расм).

Тажрибалар натижасига кўра, тўсинларнинг бўйлама ишчи арматуралари қиздириш ўчоғидан узоқроқда жойлаштирилганлиги сабабли кучли қизимаган: оддий бетондан тайёрланган тўсинларда ишчи ҳарорат 200–210$^0$С бўлганда унинг максимал температураси 55$^0$Сга, иссиққа чидамли бетонлардан тайёрланган тўсинларда эса ишчи ҳарорат 800–850$^0$С га етганда арматуранинг темпеатураси 92-95$^0$С ни ташкил этган, яъни пўлатнинг хоссалари кучли тарзда ёмонлашиши рўй бермаган. Хомутларнинг максимал температураси мос равишда 200 ва 450$^0$Сни ташкил этган.

Бўйлама арматураларда қиздириш давомида сиқувчи деформациялар ҳосил бўлиб, уларнинг миқдори қуйидагиларни ташкил этди: оддий бетондан тайёрланган тўсинларда 70-200$^0$С да мос равишда -5·10$^{-5}$ ва -20·10$^{-5}$; иссиққа чидамли бетонлардан тайёрланган тўсинларда 300 ва 800$^0$С да мос равишда -20·10$^{-5}$ ва -40·10$^{-5}$.



2-расм. а – ҳароратнинг, б – деформацияларнинг глиноземли иссиққа чидамли бетондан тайёрланган темирбетон тўсинларнинг элемент кесимининг баландлиги бўйича ҳарорат нотекис тақсимланиш ҳолатидаги тарқалиш схемаси:
_________ тажрибада; _ _ _ _ _ назарий ҳисоблар бўйича

Бир томонлама қиздиришда хомутларда сиқувчи деформациялар ҳосил бўлиб, уларнинг максимал қийматлари оддий оғир бетондан тайёрланган тўсинларда 70$^0$Сда -4·10$^{-5}$га, 100$^0$Сда -6·10$^{-5}$га, 200$^0$С да -10.10$^{-5}$га тенг бўлди; глиноземли цемент асосидаги иссиққа чидамли бетондан тайёрланган тўсинларда ҳарорат 300$^0$С, 500$^0$С ва 800$^0$Сни ташкил этганда мос равишда -6.10$^{-5}$, -12.10$^{-5}$ ва -20.10$^{-5}$га тенг бўлди.

Қиздириш жараёнида намуна тўсинларда печь томонига йўналган ҳарорат салқиликлари ривожланиб борди: оддий оғир бетондан тайёрланган тўсинларда уларнинг қиймати 1,4-4,2 мм.га, глиноземли цемент асосидаги иссиққа чидамли бетондан тайёрланган тўсинларда 3,2-8,5мм.га етди (4-расм).

Юклаш бошлангандан сўнг бўйлама ва кўндаланг арматураларнинг сиқилиш деформациялари секин-аста камайиб борди ва чўзилиш деформацияларига ўтди. Қия ёриқларнинг ҳосил бўлиши кутилаётган йўналишдаги перпендикуляр текисликларда бетонда чўзувчи деформациялар ривожланиб борди, энг кўп қизиган сиқилувчи соҳада эса сиқувчи деформациялар ҳосил бўлиши кузатилди. Ҳарорат салқиликлари камайиб бориб, куч йўналишида салқилик ошиб борди. Ҳарорат ошиб бориши билан бўйлама, кўндаланг арматуралардаги, бетондаги деформациялар, кучдан ҳосил бўлаётган салқиликлар ортиб борди. Ҳарорат таъсиридан кесим баландлигининг ўртасида ҳосил бўлган, бўйлама арматура сатҳигача етиб бормаган ёриқлар юкланиш натижасида ёпила бошлади: уларнинг айримлари тўлиқ ёпилди, қолганларининг очилиш кенглиги камайиб, юкдан ҳосил бўлган нормал ёриқлар билан бирлашиб кетди. Юк таъсиридан қирқилиш оралиғи $2{,}5h_0$ ни ташкил этувчи намуналарда дастлаб соф эгилиш соҳасида нормал ёриқлар, сўнг кўндаланг кучлар ва эгувчи моментлар таъсир этиш соҳасида қия ёриқлар ҳосил бўлди. Қирқилиш оралиғи $h_0$ бўлган намуналарда қия ва нормал ёриқлар бир вақтда ҳосил бўлди. Бетон сиқилувчи соҳасининг четки толаларида ҳароратнинг ортиши билан оддий оғир бетондан тайёрланган тўсинларнинг дарзбардошлиги пасайди, глиноземли цемент асосидаги иссиққа чидамли бетондан тайёрланган тўсинларнинг дарзбардошлилиги ортиб бориши кузатилди. Хомутлар билан арматуралаш ҳамда бўйлама арматуралашнинг ортиши ҳарорат остида ишлайдиган намуналарнинг дарзбардошлилигини ортишига олиб келди. Қирқилиш оралиғи $2{,}5h_0$ бўлган тўсинларда асосан битта критик қия ёриқ ҳосил бўлиши, хомутлари бор қирқилиш оралиғи $h_0$ га тенг намуналарда ҳосил бўлган қия ёриқлар куч ва таянч йўналишларида ривожланиб борди. Юқори ҳароратларда қия ёриқ бўйлама арматура сатҳида горизонтал йўналишда намуналарнинг четки томонларига ривожланиб бориши, айрим ҳолларда соф эгилиш соҳасига ҳам ўтиб кетиши рўй берди. Ҳароратнинг ошиши, юкнинг кўпайиши, қирқилиш оралиғининг ортиши қия ёриқлар очилиш кенглигининг ошишига, бўйлама ва кўндаланг арматуралаш фоизларининг ортиши эса камайишига олиб келади.




3-расм. Эгилувчи элемент кўндаланг кесимининг оғирлик маркази сатҳида қия ёриқларга перпендикуляр бўлган йўналишда бетоннинг деформациялари: 70, 100, 200$^0$С – оддий бетон; 300, 500, 800$^0$С – глиноземли цементли иссиққа чидамли бетон.




4-расм. Темирбетон тўсинларнинг ҳарорат ва хусусий оғирлик таъсиридан салқиликлари: а – қирқилиш оралиғи $h_0$ да; б - қирқилиш оралиғи $2{,}5h_0$ да; 70, 100, 200$^0$С – оддий бетон; 300, 500, 800$^0$С – глиноземли цементли иссиққа чидамли бетон; ——— тажрибада; — — — назарий, глиноземли цементли иссиққа чидамли бетондан тайёрланган тўсинлар учун; —·—·— назарий, оддий оғир бетондан тайёрланган тўсинлар учун

**Хулоса.** Олинган экспериментал маълумотлар илмий ва амалий аҳамиятга эга, мавжуд натижаларни янада бойитишга имкон беради, улар меъёрий ҳужжатларнинг янги таҳририни ишлаб чиқишда ва амалдаги ҳисоблаш ва лойиҳалаш усулларини янада такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин [1, 2].

**Адабиётлар**

[1]. КМК 2.03.04-98. Оширилган ва юқори ҳароратлар таъсири шароитларида ишлаш учун мўлжалланган бетон ва темирбетон конструкциялар. -Т.,1998, -53 б.
[2]. Милованов А.Ф., Камбаров Х.У. Расчет железобетонных конструкций на воздействие температуры. – Тошкент, «Ўкитувчи», 1994, 360 с.

УДК 711.4

# РЕКОМЕНДАЦИИ И ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПО УСИЛЕНИЮ НЕСУЩИХ КОНСТРУКЦИЙ ЗДАНИЙ

А.Т. Мирзаахмедов, Ж.И. Нумонов

*Ферганский политехнический институт*

*(Получена 11.01.2019 г.)*

*В этой статье представлена информация о социальных и транспортных объектах, построенных по генеральному плану города Ферганы.*

***Ключевые слова:*** *общий план; объект; путь; реконструкция; коммунальные услуги.*

*Ушбу мақолада Фарғона шаҳар бош режаси асосида қурилган ижтимоий ва транспорт-коммунал объектлар ҳақида маълумотлар берилган.*

***Таянч сўзлар:*** *бош режа; объект; йўл; реконструкция; коммунал хизмат.*

*This article provides the information on social and transport facilities built according to the master plan of the city of Fergana.*

***Keywords:*** *overall plan; an object; way; reconstruction; utilities.*

Обследования технического состояния основных несущих и ограждающих конструкций здания позволяет определить фактическое состояние конструктивных элементов и их частей, выявить имеющиеся дефекты, повреждения, трещины, деформации и другие недостатки, которые снижают несущую способность и эксплуатационные качества реконструируемого объекта.




Рис. 1. Усиление наружных стен армированной штукатуркой: 1– кирпичная стена; 2 - штукатурка из крупно-зернистого цементно-песчаного раствора марки М100; 3 – стальные штыри из Ø12 А - I, ℓ = 120мм;




Рис.2. Схема усиления проемов в кладке несущих стен металлическими рамами из уголковых профилей и полосовой стали. **<u>Примечание:</u>** 1. b-ширина проема; h – высота проема. 2. Арматурные сетки усиления кирпичных стен приваривают к уголкам рам проемов осредством электросварки.

На основании анализа работы конструктивных элементов и характера опасности имеющихся дефектов, недостатков конструктивного характера при капитальном ремонте обследованного здания предлагается осуществлять следующий комплекс конструктивных мер, позволяющих привести техническое состояние основных несущих и ограждающих конструкций в полное соответствие с требованиями современных норм строительства и надежной безопасной эксплуатации.

В качестве рекомендации предлагаем усиления несущей стене рис.-1 и оконных проемов в кладке несущих стен обрамлением металлическими рамами рис.-2.

При этих сначала оконные проемы необходимо обрамлять металлическими рамами из уголковых профилей и соединительных планок из полосовой стали. После этого устанавливают арматурные сетки усиления наружных стен, производят их крепление к штырям и рамам проемов посредством электросварки, затем производят оштукатуривание.

Металлические штыри для крепления арматурных сеток усиления стен должны быть заделаны цементным раствором в углублениях швов кладки.

Схема усиления оконных проемов в кладке несущих стен обрамлением металлическими рамами приведена на рис.2.

**Список литературы**


[1]. КМК 1.03.03-97. Инструкция о составе, порядке разработки, согласования и утверждения проектно-сметной документации на капитальный ремонт жилых и общественных зданий и сооружений. – Т: 1996, - 30 с.

[2]. КМК 2.01.15-97. Положение по техническому обследованию жилых зданий. – Т: 1997, - 125 с.

[3]. КМК 2.02.01-98. Основания зданий и сооружений. - Т.1999, -144 с.

[4]. КМК 2.03.01-96. Бетонные и железобетонные конструкции.-Т.,1999,-215 с.

[5]. Кутуков В.Н. Реконструкция зданий. - М.: Высшая школа, 1981, - 263 с.

[6]. Коновалов П.А. Основания и фундаменты реконструируемых зданий. - М.: Стройиздат, 1988.


# HOT AND WARM FORMING METHODS


Z.T. Zokirova

*Ferghana polytechnic institute*



*(Received 10.10.2018 y.)*



*Мақола ҳар бир ишлаб чиқариш жараёнининг қандай ишлашини тушунтиради, бу эса ишлов берилаётган материалларга ёки иш қисмларига қандай таъсир қилишини батафсил тушунтиради. Одатда, бу тушунтиришлар умумий маънода келтирилган, чунки улар маълум бир компонент ёки материал билан чегараланмайди. Шу билан бирга, бу таъриф шунингдек, амалиётга татбиқ этиладиган, оддий таркибий қисмларни ёки материалларни ҳам аниқлайди.*



***Таянч сузлар:*** *ишлов бериш жараёнида, ишлаб чиқаришда, қолипларда, чуқурликда, қалинли найчаларда, чоксиз қувурлар, шилинг, текис пластинада, операция вақтида, қалинлашувда, қувурли қисмларда, қайта иситишда, қайта ишланишида, диаметрини пасайтиришда, узунлиги узайтиришда, қайта ишлашда, тайёрлашда, совуқ металларни тайёрлаш, олдиндан қиздириш.*



*Эта статья объясняет, как работает каждый процесс производства, подробно описывая, что происходит с обрабатываемыми материалами или обрабатываемыми деталями. Обычно эти объяснения имеют общие термины, поскольку они не ограничиваются конкретным компонентом или материалом. Однако в описании также указаны обычные компоненты или материалы, к которым применяется этот процесс.*



***Ключевые слова:*** *процесс, изготовление, формы, некоторая глубина, толстые трубы, бесшовные трубы, цилиндры, плоская пластина, листовой металл, материал, во время операции, склонны к утолщению, трубчатые детали, повторно нагреваются, перерисовываются, уменьшают диаметр, расширяют длину, перерисовка операции, производить, холодные металлы, для предварительного нагрева.*



*This article explains how each manufacturing process works, detailing what happens to the materials or work pieces that are being processed. Usually, these explanations are in general terms as they are not limited to a particular component or material. However, the description also identifies the normal components or materials to which the process applies.*



***Key words:*** *process, making, shapes, some depth, thick tubes , seamless tubes, cylinders, flat plate, sheet metal, material, during the operation, tends to thicken ,tubular parts, reheated, redrawn, reduce diameter, extend length, redrawing operations, produces, cold metals, to preheat.*


Article deals with specific products, components, and materials, outlining the manufacturing

sequence and processes used for making each. It often refers the reader, using the designation of any applicable text entry, to where more detailed descriptions of the operations mentioned can be found in the article.

Many metal forming operations can be performed with the work piece metal either hot or cold. The operations discussed in this article are normally - but not always - performed on work piece material that has been heated to make it more malleable for the operation involved. Metals that are to be hot formed are heated above their recrystallization temperature, one that varies with each material but is normally about 0.6 times the melting temperature on the Kelvin (absolute temperature) scale. For example, steels require a temperature above about 1800°F (980°C). Warm forming involves heating to a temperature 30 to 60 percent of the melting point, while cold forming takes place when the metal temperature is below 30% of the melting temperature.)

*Hot rolling* - is commonly applied to convert steel ingots to blooms, billets, or slabs, and to make these shapes into salable forms. In the process, heated metal is passed between two rollers whose spacing is less than the thickness of the metal. The rotation of the rollers moves the metal forward, squeezing and elongating it. Fig.1. illustrates the process. The process extends and refines the grain structure of the rolled material. A number of passes may be required, depending on the thickness desired and the thickness of the entering material. Reversing rollers are often used to facilitate multiple passes. Thin sheet or foil is best rolled with small-diameter rollers that are backed up with larger rollers to provide the necessary rolling force. As many as twelve rollers in a cluster may be used. Shaped rollers can produce material with various cross sections including those of structural shapes or special cross sections. Low-alloy or plain-carbon steel is heated to about 2200°F. (1200°C) before rolling and after being preheated in a soaking pit. In addition to ferrous metals, aluminum, copper and copper alloys, magnesium, nickel, titanium, and zinc alloys are hot rolled.



Fig.1. The hot rolling process. The grain structure of the metal is deformed and then recrystallized.

*Hot drawing or cupping* - is a process for making cup shapes of some depth (more than several times stock thickness) and thick and seamless tubes and cylinders from blooms, flat plate, or sheet. The process is similar to cold deep drawing of sheet metal (except that the material may be thinned during the operation whereas in deep drawing the material flows into the die and tends to thicken). Tubular parts can be made when the cup formed in one such operation is reheated and redrawn to a narrower diameter; then reheated and pushed through a series of draw bench dies that further reduce its diameter and extend its length. Fig. 2 b) c) illustrates both the cup-forming and redrawing operations. In addition to the redrawing that produces cylinders and seamless tubing, the process is used for forming relatively simple shapes, usually cylindrical, in thick material.




Fig. 2 Hot drawing or cupping, a) first draw, b) redraw, c) multiple die redrawing on draw bench.

*Extrusion.* In this process, metal is forced through a die opening that gives it a uniform cross-sectional shape. Although the operation can be performed with many cold metals, the usual procedure is to preheat the metal to the plastic range to ease the transition. A heated ingot or billet is

inserted in a chamber called a “container”. A ram, normally hydraulically powered, forces the material through the die opening. As it flows through the die, the metal takes the shape of the die opening and closely conforms to its dimensions. It is quickly cooled as the metal exits the die so that the shape is maintained. Fig. 3 illustrates the process.

Aluminum, copper, magnesium, tin, lead, and their alloys are commonly extruded. Steel, including alloy and stainless varieties, and nickel alloys, are more difficult to extrude but can be processed by the Sejournet and related processes (See Fig. 3b below.) After extrusion, sections may be stretch-straightened to remove twist and camber that may exist. Extrusion is suitable for almost any part that has a constant cross section and is made from the above materials. A wide variety of complex shapes such as tubing and other hollow objects, door and window frame elements, ladder members, and structural sections can be extruded. A similar process is used to make like-shaped components in plastics or other materials.



Fig. 3.Direct extrusion Heated Redrawn Cup.



Fig. 3a Indirect extrusion.

*Indirect extrusion* - In this process variation, the ram is hollow and the metal is forced backward through a die and into the ram. Friction is reduced because the metal does not have to flow along the extrusion chamber walls, but the difficulty in supporting and removing the extrusion makes the process awkward. (See Fig. 3a.)

*Sejournet process* - is used for the extrusion of ferrous metals. The operation is the same as that for other metals except that the steel billet to be extruded is heated to the recrystallization temperature range and then coated with molten glass that lubricates and insulates the metal as it is pushed through the die. (See Fig. 3b). The work piece is usually stretch-straightened afterwards to remove camber and twist that may result from the process.




Fig. 3b The Sejournet process for extruding ferrous metals uses molten glass as a lubricant and insulator.

Summary: This article should use the following: **manufacturing engineers,** those who design, build, plan, execute and maintain the equipment, tools, and processes that make the things that the public buys and uses, **process engineers,** those who plan and engineer the manufacturing steps, equipment and tooling needed in production. **Manufacturing executives, managers, and supervisors** who need to know and understand what their employees are doing and why, and what new processes and equipment should be considered to improve their operations**, students** interested in a career in manufacturing and especially those pursuing a career in manufacturing engineering, who can use this article for current instruction and for future reference, **product design engineers and draftsmen,** who should have this article available for reference so that they understand how the products that they design are made, who are responsible for operational safety (OSHA), environmental conditions, and other regulatory matters. They can gain a better understanding of the factory operations that they regulate, **consultants** who have, or wish to have, manufacturing clients and want to be sure that they understand what is happening in their client’s operations. These consultants should have this article available for reference, **salesmen and sales managers** who deal with customers that are involved in manufacturing, and who need to know more about their operations, **faculty** of engineering schools.

**Literature:**

[1]. Insulating Materials f or Design and Engineering Practices, Clark, John Wiley & Sons, N.Y., **2014.**
[2]. B Kirwan, LK Ainsworth, A Guide to task Analysis. London: Taylor & Francis, 2013.
[3]. A Mital, A Morotwala, M Kulkarni, M Sinclair, C Siemieniuch, Allocation of functions to humans and machines in a manufacturing environment: Part II— The scientific basis (knowledge base) for the guide. Int J Ind Ergon 14: 33-49, 2014.
[4]. D Meister, Human Factors Testing and Evaluation. New York: Elsevier Science Publishers, 2012.
[5]. A Chapanis, Research Techniques in Human Engineering. Baltimore: John Hopkins, 2013.

## АВТОУЮШМА ВА АВТОСЕРВИС ҲАМКОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

А.М. Саримсақов, М. Ғаффоров

*Андижон машинасозлик институти*
*(Қабул қилинди 26.06.2018 й.)*

*Автоуюшма ва автосервислар ўртасида ҳамкорликни бунёд қилишлик, диагностик жиҳозларни модернизация қилиш ва ТХК ва ЖТ хизмат таннархини пасайтириш имконини беради.*
***Таянч сўзлар**: автоуюшма, автосервис, ҳамкорлик, идеаллаш, назорат.*
*В пути создания содружества между автосоветах и авто сервиса даёт возможности модернизации диогнастических оборудование и снизить себестоимости на ТО и ТР и расширить объём и качества услуги.*
***Ключевые слова:** автосовет, автосервис, автомобили, идеалности, контроль.*
*In the way of creating a commonwealth between car councils and auto service, it gives the opportunity to modernize diagnostic equipment and reduce the cost of maintenance and TR and expand the scope and quality of services.*
***Key words:** autocouncil, car-care centre, cars, idealities, control.*

**Кириш**. Аҳолига транспорт хизмат кўрсатиш ва шаҳар ва қишлоқларда автотранспорт билан йўловчи ташишни янада такомиллаштириш тўғрисидаги 10 январь 2017 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентини ПК 2724 сонли қарори ва 2018 йил 6 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ПҚ-3589-сонли «Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида:

биринчи – Агентликнинг кемачилик Регистри томонидан дарё транспортининг давлат бошқаруви ва тартибга солиш функциялари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг кичик ҳажмли кемалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат инспекцияси функциялари билан ўхшашлиги инобатга олиниб, Агентликнинг кемачилик Регистри Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқарувига ўтказилмоқда;

иккинчи – автотранспорт соҳасида ваколатли давлат бошқаруви органларининг ортиқча такрорловчи жараёнлари бекор қилинмоқда;

учинчи – 2018-2021 йилларда 437 та янги йўловчи йўналишларини ташкил этиш ҳамда 84 та автовокзал ва автостанцияни қуриш ва реконструкция қилишнинг, иқтисодиёт соҳалари ва аҳолининг республика чекка минтақаларида ташишларга бўлган эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда янгиланган мақсадли кўрсаткичлари, шунингдек, юкларни халқаро автомобилда ташишларни амалга оширувчи миллий ташувчиларнинг оғир юк ташувчи 3824 та автотранспорт воситалари паркини янгилашнинг прогноз кўрсаткичлари тасдиқланмоқда;

тўртинчи – автомобиль ташувлари билан боғлиқ масалаларни тезкор ҳал этиш учун шаҳарлар ва туманларда автомобиль ташувларини мувофиқлаштириш шуъбалари ташкил этилмоқда;

бешинчи – автомобиль транспортини бошқариш тизимига интеллектуал транспорт тизими инновация лойиҳаларининг зарур элементларини жорий этишни назарда тутувчи, умумий қиймати тахминан 90 миллиард сўмни ташкил этувчи ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш Дастури тасдиқланмоқда, жумладан:

умумий фойдаланишдаги йўловчилар ташишларни амалга оширишни онлайн тарзда автоматлаштирилган мониторинг қилиш тизимини тезкор хизматлар тизимлари билан интеграллашган ҳолда яратиш ва жорий этиш;

умумий фойдаланишдаги шаҳар йўловчилар транспортида ягона автоматлаштирилган йўл ҳақи тўлови тизимини жорий этиш;

белгиланган вазифалар ва функциялар бажарилишининг тезкорлиги ва сифатини оширишга ҳамда кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари рўйхатини кенгайтиришга имкон яратувчи “Ўзавтотранс” агентлиги фаолиятининг автоматлаштирилган ахборот тизимларини яратиш;

олтинчи – ташишлар жараёни, автовокзаллар ва автостанциялар фаолиятининг марказлашган нозимлик назорати ва бошқаруви тизимини яратиш ва жорий этиш назарда тутилмоқда;

еттинчи – жойлардаги маҳаллий давлат органлари қарамоғида бўлган умумий фойдаланиш йўловчи йўналишларидаги тўхташ бекатларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш назарда тутилмоқда;

саккизинчи – соҳани янада ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни молиялаштириш мақсадлари учун Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг Автомобиль транспортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилмоқда;

тўққизинчи – Автомобиль транспорти соҳасини ёш мутахассислар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таркибидаги 3 та (Нукус автомобиль йўл хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи, Андижон транспорт ва хизматлар кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ҳамда Самарқанд автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи) “Ўзавтотранс” агентлиги таркибига ўтказилмоқда. Ушбу қарорлардан келиб чиқиб автоуюшмаларда автомобилларни фаолиятини назорат қилишни яхшилаш автомобилларни бекор туришини камайтириш масаласи шу кундаги муҳим масалалардан ҳисобланади.

***Ишнинг долизарблиги.*** Автоуюшмада фаолият кўрсатадиган автомобилларга ТХК ва ЖТ ишларини ташкил қилишда бир қатор муаммолар вужудга келмоқда. Жумладан улар учун керакли автосервисларни уюшмада узоқда жойлашуви уларни бирор ишни хал қилиш учун вақтни кўп кетиши, ТХК ва ЖТ ишлари нархини баландлиги, уларга қимматга тушаётгани шу автоуюшма ва автосервисни бир-бирига яқинлашишни тақазо этади. Бу иккала объектни бир-бирига ҳамкорлигини ортиши йўловчи ташиш жараёнини яхшилайди. Лекин улар орасида алоқани ёмонлиги ташиш билаш шуғулланувчи ташувчиларни автоуюшмалардан чиқиб бошқа уларга амалий ёрдам берадиган автоуюшмаларни излаб топишга мажбур қилмоқда.

***Муаммолар ва уларнинг ечими (масалани қўйилиши).*** Автоуюшмадаги ташувчи мулкдор автотранспорт эгалари учун арзон ТХК ва ЖТ ишларини ташкил қилиш масаласи муаммо ҳисобланади. Автосервислар учун эса ишончли мижозларни камлиги уларни йиллик техник хизмат кўрсатиш ҳажмларига таъсир этади. Автоташувчи ҳайдовчилар ўзларига керакли таъмирлашни амалга ошириш учун автосервисни ва моддий ресурсларни излашга кўп вақтлари кетади. Баъзида улар ютади, кўпинча улар ўз автомобилини эксплуатацияга тайёрлаш учун кўп маблағи ва вақти кетади. Шунинг учун ташиш жараёнидаги уч объектни алоқасини идеаллаштиришни тақазо этмоқда. Бу ташкилотларни ҳамкорлигини ташкил қилишни идеаллаштириш автотранспорт тизими олдида турган муҳим масала ҳисобланади. Ташувчилар учун уларга ТХК ва ЖТ ишларини тезкор арзон хал қилиниши керак, уларга тўловни ташувчи ва автосервисни шароитидан келиб чиқиб тўлашни амалга ошириш билан уларни маблағи ва вақтини тежайди. Бундан ташқари автосервисларни ривожланиши учун уларга ишончли ҳамкор мижоз, кафолатли тўлов зарур. Бу уч объектни бир-бирига яқинлаштириш айни ҳамкорларни биргаликдаги манфаатли муаммоси ҳисобланиб келмоқда ва масалани ҳал қилишлик тизимдаги боғланиш жараёнларни техник назоратни идеаллаштириш имконини беради. Бу ҳолатни яхшилаш учун автоуюшма қўл остидаги автоташувчиларни ТХК ва ЖТ ишларига талабини аниқлаш, улар учун кафолатли ташкилот

вазифасини ўташни кулай автосервисларни аниқлаб ёрдам кўрсатишни тақазо қилади. Агар уюшмага керак бўлса автосервисдаги замонавий дастгоҳ ва жиҳозларни вақтинча олиб келиш ёки олиб кетиш уларни автосервис балансида ушлаб туриб ундан уюшма автомобиллари учун арзон тўлов эвазига фойдаланишни ташкил қилиш мумкин бўлади. Баъзи бир дастгоҳ ва жиҳозларни стационар ҳолатдан мобил ҳолатга айлантириш имкони пайдо бўлади. Автомобиль эҳтиёт қисмларга бўлган талабни ўз вақтида аниқлаш ва кам сарф билан уларни таъминлаш имкони пайдо бўлади. Ҳайдовчилар учун ТХК ва ЖТ ва моддий ресурсларни тўловини бўлиб-бўлиб тўлаш имкони мавжуд бўлади. Бу вазиат манфаатдор тизим томонларини боғланишини таъминлайди ва боғланишларни идеаллаштириш имконини беради.

Хулоса таклиф ва тавсиялар

Автоуюшмадаги техник назоратни идеаллаштириш ва манфаатли келишувни амалга ошириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш ва ундан натижа олиш имконига эга бўлинади:

1. Автоуюшма маъмурияти қуйидаги ишларни амалга оширади:

-навбатчи механик қиладиган ишлар автомобиллар созлигини аниқлаш учун сарфланадиган иш хақи фонди ҳажмида дастлабки шартнома ҳажми тузилади;

-эҳтиёт қисимга талабни шакллантириш автомобилларни чуқур текширув ўтказиш учун ойни маълум кунларини белгилаш;

2. Автосервис маъмурияти ҳамкорлик шартномаси бўйича қуйидаги ишларни амалга оширади:

-автомобилларни техник назоратини амалга оширувчи диагностик аппаратларни мобил вариантлари сотиб олиш билан автоуюшмаларда текширувларни амалга ошириш;

-арзон нархларда талабга қараб керакли эҳтиёт қисмлар ва автошиналар билан таъминлаш;

-малакали кадрларни тайёрлаш ва уларни зарур иш юкламалари билан таъминлаш, автосервис иш ҳажмларини ошириш;

3. Автоташувчи ҳайдовчилар ҳамкорлик шартномаси бўйича қуйидаги ишларни амалга оширади:

-автомобилларни техник соз ҳолда ушлашга рахна солувчи бузуқликларни эксплуатация жараёнида аниқлаш;

-керакли эҳтиёт қисмларга олдиндан буюртма беришга ўрганиш, олган моддий ресурсларини пулини (қисман ёки улгуржи) тўлашни келишиш;

-эҳтиёт қисм ва моддий ресурс сотиб олишни фақат шартнома тузган автоуюшма ёки автосервисдан харид қилиш;

-автоташувчилар учун вақтни тежаш, автомобилларни ишлатиш ҳаражатларини иқтисод қилиш.

**Адабиётлар**

[1]. Аҳолига транспорт хизмат кўрсатиш ва шаҳар ва қишлоқларда автотранспорт билан йўловчи ташишни янада такомиллаштириш тўғрисидаги 10 январь 2017 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентини ПК 2724 сонли қарори

[2]. Мирзиёев Ш.М. «Автомобил транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 6 март куни ПК-3589-сонли қарори.

[3]. Jean-Paul Rodrigue « The Geography of Transport Systems » New York: Routledge, 144-171 pages.2014 ISBN 978-0-415-82254-1

[4]. Конспект лекций к курсу "«Модели и методы инженерного творчества» . Гасанов А.И. - М.: МИИТ, 2012. - 91 с. стр.

## ИБН СИНО ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ҚИММАТИ

А. Ҳакимов

*Фарғона политехника институти*

*(Қабул қилинди 23.10.2018 й.)*

*Ушбу мақолада Ибн Синонинг ижоди ҳамда фалсафий дунёқарашининг ўзига хос хусусиятлари илмий – назарий жиҳатдан таҳлил этилган.*

***Таянч сўзлар**: ижтимоий фикр, Идеалистик, система, материя, ижтимоий онг, шахс ва жамият.*

*В этой статье анализируются некоторые жизнедсетельности и особенности философских взглядов Ибн Сины.*

***Ключевые слова**: социальная мысль, идеалист, система, материя, общественное сознание, личность и общество.*

*This article analyzes the features of the work of IbnSina and philosophical views.*

***Keywords**: social thought, idealist, system, matter, social consciousness, personality and society.*

“Биз мустақилликка эришганимиздан сўнг Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд сингари азиз авлиёларимиз, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Ахмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек сингари алломаларимиз асарларини том маънода кашф этдик. Лекин бу улуғ аждодларимизнинг жаҳон маданияти ва цивилизациясига қўшган буюк хиссасини ёшларимиз биладими? Албатта, билади. Аммо, афсуски, аксарият ҳолларда умумий, юзаки тарзда билади” [1].

Илмий-маърифий дунёда ўз қарашлари билан инсониятга буюк маънавий мерос қолдирган алломалардан кўзга кўрингани Шарқнинг буюк файласуф-олимлардан бири Ибн Синодир. Унинг ҳаёти, шахсияти, фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий, аҳлоқий қарашларидан баҳраманд бўлишга қизиқиш тобора ортиб боряпти.

Абу Али Хусайн Ибн Абдулазиз Ибн Сино (Авиценна) (980-1037 й) Ўрта Осиёлик қомусий олим ва машҳур мутафаккир, замондош олимлар томонидан “Шайх ар-Раис” (олимлар йўлбошчиси, устози), ғарбда “Файласуфлар султони” ва ”Шифокорлар подшои” номлари билан шуҳрат қозонган. Ибн Синодан 280 дан зиёдроқ асарлар мерос бўлиб қолган улардан 50 таси табиблик, 40 дан зиёдроғи табиий ва илм соҳаларига , 3 та русум мусиқага, 18 таси фалсафа, мантиқ, психология аҳлоқ - одоб ва ижтимоий- сиёсий муаммоларга тааллуқлидир. Ибн Синонинг табиий –илмий, фалсафий, ижтимоий- сиёсий, аҳлоқий қарашлари ўз даврининг кўзгусидир. Яқин ва Ўрта шарқ фалсафий тафаккури ривожида муҳим ўрин эгаллаган. Ибн Сино фақат буюк табибгина эмас, балки у ўз даврининг улуғ мутафаккири, ўзидан кейинги авлод фани маданиятига салмоқли таъсир кўрсата олган буюк сиймо ҳам эди. Олимнинг медицина, биология, анатомия ва бошқа фан соҳаларидаги асарлари ҳамда фалсафа ва адабиёт бобидаги катта хизматлари хақли равишда унинг жаҳон фани ва маданиятининг буюк сиймоси дейишга ҳуқуқ беради.

Юртимизда Ибн Сино асарларини таржима ва тадқиқ этишда шарқшунос олимлар С. Мирзаев, А. Муродов, У. Икаримов, А. Семёнов, Х. Хикматуллаевлар улкан ишларни амалга оширдилар. Т.Н. Қори Ниёзий, Б. Ахмедов, А. Ирисов, Н. Мажидов, А. Ахмедов, В.К.Жумаевларнинг монография ва мақолаларида Ибн Сино ижодининг турли қирралари тадқиқ этилган.

Ибн Сино ижодидаги асосий жиҳатларидан бири шуки, у ўз асарларида ўзи яшаб ўтган ижод этган даврининг жуда кўп улуғ ғояларни машхур даражада акс эттира олган, у баъзи масалаларда идеалист бўлиб, кўп илғор фикрларини диний қарашларга боғлаган бўлсада, мазкур фикр мақсадлар ўша даврга нисбатан анча илғор бўлган ва уларни кўп ҳолларда материалистик равишда талқин қилган. Ибн Сино медицинани ва қисман фалсафа фанини шеър билан ифодалашга уринган бўлса, ундан бир неча аср кейин ўтгач Гегел унинг традициясини ривожлантириб, у ўз фалсафасини асосий қисмларини шеър билан баён қилишга муваффақ бўлади. У хақиқий чин олим сифатида инсон ақлини ҳар томонлама ривожлантиришига, табиат сирлари ва хақиқатини билиши мумкинлигига қатъий ишонган. Ибн Сино ўз фаолиятида қотиб қолган диний ақидаларга, жоҳиллиги ҳаддан ошиб, ўзини олим деб, тоат – ибодатдан нари бормайдиган ва ким билим билан шуғулланса уни қоралайдиган, худосиз - дахрийликда айблайдиган шахсларга қарши муросасиз кураш олиб боради. Ибн Сино оддий мусулмон сифатида худо борлигига ишонсада, лекин унинг мусулмонлиги бу дунёда одамларни ишини фақат тоат ибодатда қўллашни, рўза тутишни ва

қуръон ўқишдан иборат деб биладиган хурофотчиларга зид эди.

Уларга қарши шундай дейди :

Куфри чу мани гозоф ва осион набувад, Маҳкамтар аз имони ман имон набувад ,
Дар дахр чу ман якин ва он ҳам кофир, Пас дар ҳама дахр як мусулмон набувад.

(Мени бекордан бекорга кофир деб айблаш осон эмас. Дунёда менинг имонимдан қаттиқроқ имоннинг ўзи топилмайди. Дунёда маҳкам имонли битта бўлсаю, у ҳам кофир бўлса, демак энди бутун дунёда битта ҳам мусулмон йўқ экан-да). Ибн Синонинг фалсафий системаси материалистик назарияси ҳисобланган турли элемент (аносири арбоа) таълимотига асосланади. Хиндистонда пайдо бўлган ва у ерда ҳам ҳурматга эга бўлган, бу таълимот мусулмон оламининг ўрта аср фалсафасида янги материалистик қараши эди.
Ибн Сино материянинг йўқолмаслиги хақида шундай ёзади:

Ҳар хайхату ҳар нақш, ки шуд махв кунун, Дар махзан рўзгор гардад махзун.
Чун боз ҳамин вазх шавад вазхи фалак, Аз пардаи ғайбаш оварад хақ берун.

(Ҳозир йўқ бўлиб кетган ҳар бир форма, ҳар бир нақш давр хазинасида (йўқ бўлиб кетмай) сақланиб қолади; фалак ахволи шу тахлитда бораверса, йўқлик пардаси ортидан ҳақиқат уларни яна юзага чиқаради).

У ўзининг бу хулосаларида моддий дунёни диққат билан ўрганиши натижасида келган. Ибн Сино табиат қонунларини очиш фанининг сирларини эгаллашда ҳеч тинмай иш кўради ва бошқаларни ҳам шундай бўлишга чақиради.

Унинг кўп қиррали ижодида фаолиятининг турли жабҳаларини қамраб олганлигини инсонга ва унинг табиатга яна ҳам чуқурроқ кириб боришига салмоқли соҳаларга бағишланган асарлари орқали, Умар Хайём, Жалолиддин Румий, Р. Бекон, Носир Хисрав сингари файласуфлар ижодига самарали таъсир кўрсатади. У борлиқни билиш, одоб– аҳлоқ, ижтимоий сиёсий муаммоларга, мантиқий масалаларга катта қизиқиш билан қараган.

Албатта, фанларнинг моҳиятини чуқур ўрганиш ва билим чўққиларини эгаллаш осон иш эмас эди, буни Ибн Сино ўз тажрибасида эътироф этади. У Аристотелнинг “Метафизика” китобини ёд олган бўлса-да, лекин моҳиятини тушунмаган. Фақат Абу Наср Форобийнинг Аристотелнинг “Метафизика” асарига ёзган шархини ўқигандан кейингина унга тушунган. Ибн Сино таълимотига кўра, барча мавжудотнинг асоси ва ибтидоси «вужуди вожиб» дир, яъни Тангридир. Вужуди вожиб-биринчи моҳият, жавҳар. Унинг мавжудлиги сабабини бошқа нарсалардан ахтариш ўринсиздир, чунки биринчи сабаб унинг натижаси, оқибати бўлган хилма-хил жараёнларнинг моҳиятига боғлиқ бўла олмайди. Вужуди вожибнинг мавжудлиги унинг ўзига боғлиқ. Вужуди вожиб одатий бўлганлиги сабабли, унинг оқибати бўлмиш вужуди мумкинлигининг мавжудлик усуллари ҳаракат, вақт, макон ҳам абадийдир деб таъкидлайди. У – мустақил моҳият. Бу – моҳият ягона. Вужуди вожибнинг оқибати вужуди мумкиндир. Вужуди вожиб ва вужуди мумкин бир-биридан вақт нуқтаи назаридан фарқланмайди. Улар ўртасидаги фарқ аслида нафислик даражаси билан белгиланади. Бундан ташқари, барча нарса, жараёнлар ифодаси бўлган вужуди мумкиннинг вужуди вожиб томонидан яратилиши ихтиёрий эмас, балки зарурий, мантиққа зид келмайдиган жараёндир.

Промысловые нефтешламы по составу и свойствам намного отличаются от других их разновидностей, они являются на много чистыми. Другие разновидности образуются в результате отрицательного действия человека, имеющего дело с неправильными обращениями с нефтепродуктами. По результатам исследований многих разновидностей нефтешламов резервуарного типа установлено, что соотношение в них нефтепродуктов, воды и механических примесей (частицы песка, глины, ржавчины и т.д.) колеблется в очень широких пределах. Углеводороды составляют 5-90 %, вода 1-52 % и твердые примеси 0,8-65 %. Как следствие, столь значительное изменение состава нефтешламов, также определяют диапазон изменения их физико-химических характеристик, которые являются очень широкими [3]

Приведенные составы для разновидных нефтешламов подтверждены данными их анализов и представлены усредненные интервалы содержания их углеводородов (табл.4).

Таблица 4

Групповой состав нефтешламов

| Наименование группового углеводородного состава | Разновидности нефтешламов, % | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Грунто-вые | Придон-ные | Резерву-арные | Промыс-ловые |
| Высокомолекулярные парафинистые | 42-50 | 32-35 | 30-35 | 25-40 |
| Конденсированные ароматические | 8-10 | 20-25 | 10-12 | 20-25 |
| Нафтено-ароматические | 15-17 | 20-22 | 25-35 | 15-17 |
| Асфальтено-смолистые | 13-15 | 10-15 | 15-20 | 30-35 |

Плотность нефтешламов колеблется в пределах 930-1300 кг/м$^3$, а температура застывания от -3$^o$C до +80$^o$C. Температура вспышки лежит в диапазоне от 35 до 120$^o$C. Верхний слой нефтешлама представляет собой обводненный нефтепродукт с содержанием до 5 % тонкодисперсных примесей и относящихся к классу эмульсий «вода в масле». В состав этого слоя входят 70-80 % масла, 6-25 % асфальтенов, 7-20 % смол, 1-4 % парафинов. Содержание воды не превышает 5-8 %. По выше приведенным результатам изучения состава и свойств нефтешламов и с учетом в них содержания сернистых (-тио) соединений и хлористых солей в дисперсии гидратированной воды, представляется возможность их классифицировать следующим образом:

| | | |
|---|---|---|
| Плотность, г/см$^3$ | 0,95 – 1,35 | «Тяжелая нефть» |
| Содержание –тио соединений, % | 0,9 - 1,0 | «Сернистая нефть» |
| Содержание –тио соединений, % | 1,5 – 3,1 | «Высокосернистая нефть» |

Для наработки методов анализа промысловых нефтешламов неоднократно были доставлены их образцы в ИОНХ АН РУз. Для утилизации промысловых нефтешламов по месту их накопления в асфальтобитум разработана технологическая схема и стенд мобильной установки оксиления. На лабораторном стенде окисления нефтешлама кислородом воздуха отработаны параметры процесса получения асфальтобитума. Была разработана более совершенная конструкция реактора окисления субстанции. Окисление промыслового нефтешлама кислородом воздуха по интенсивной технологии в реакторе барботажного типа проводится впервые, что требует установления оптимальных параметров реакции. На окисление использован 1200 г промыслового нефтешлама. Получены следующие оптимальные условия получения покрытия для промысловых дорог из нефтешлама:

| | |
|---|---|
| Температура окисления | 250 - 260$^0$C |
| Продолжительность окисления | 40-45 ч. |

Расход воздуха на сред.мол.массу
нефтешлама равным 420 г/моль 150-200 л/ч.

При этом полученный продукт для покрытия дорог соответственно имел следующие показатели:

| | |
|---|---|
| Вязкость по ВЗ-4 при 100$^0$С, | 35 сек. |
| Размягчения, | 56$^0$С |
| Растяжимость при 60$^0$С | >100 |
| Водопоглощаемость | в пред. нормы |
| Хрупкость | 15 |

Таким образом, установлены состав и свойства промысловых нефтешламов, которые содержат до 10-12 % высших парафинов, 25-30 % конденсированных нафтенов, до 40 % конденсированных ароматических углеводородов, до 10 % высших масленых фракции, до 15 % асфальтенов и до 5 % нефтяных смол [4].

Согласно хроматограмме, в топливной фракции резервуарного нефтешлама выявлены фракции резервуарного нефтешлама в светлых фракциях, содержание которых составляет в %: гептана – 1,04, циклопропана 2,05, диметилгексана – 0,9, нонана – 1,69, декана 3,15, циклогептатриена – 1,86, диметилоктана – 2,41, ундекана – 3,69, диметилбензола – 3,05, метилдекана – 1,73, генэйкозана – 3,55, додекана – 14,62, метилундекана – 11,31, тридекана – 48,60. Сумма обнаруженных компонентов составляет 99,99%.




Рис.1. Хроматограмма топливной фракции нефтешлама.

Из приведенных выше результатов разработки технологии получения асфальтобитума можно сделать вывод о том, что о приемлемости промыслового нефтешлама как углеводородного сырья требующий глубокой переработки как в жидкое топливо, так и в ценные полупродукты для нефтехимии.

**Литература**


[1]. Переработка нефтешламов. Современное состояние и возможности совершенствования. — М.: ЦНИИТЭнефтехим, (Тем. обзор).2004. 168 с.

[2]. Баширов В.В., Бриль Д.М. и др. Способы переработки нефтешламов //Защита от коррозии и охрана окружающей среды. — 1994. — № 10. — С. 7-14.

[3]. Баширов В.В. Техника и технология поэтапного удаления и переработки амбарных шламов. М.: ВНИИОЭНГ, Тем. обзор. 1992.

[4]. Байматова Г.А., Шукуруллаев Б.А., Алимов А.А. Хамраев С.С. Состав и свойства промысловых нефтешламов. Аналитик кимё фанининг долзарб муаммолари. IV республика илмий-амалий анжумани. Термиз 2014 й. 161-162 с.

УДК 66.061.5(088.8)

# ОҒИР СУЮҚЛИКНИ ОҚИБ ЧИҚИШ ТЕЗЛИГИНИ АНИҚЛАШДА ЎТКАЗИЛГАН ТАЖРИБАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ

И.Т. Каримов[1], Б.А. Алиматов[2]

*[1]Фарғона политехника институти, [2]Белгород технология университети*

*(Қабул қилинди 2.02.2019 й.)*

*Мақолада барботажли экстрактор лаборатория моделининг аралаштириш зоналарига “оғир суюқлик”нинг оқиб чиқиш тезлигини аниқлаш мақсадида ўтказилган тажрибавий тадқиқотлар натижалари таҳлили келтирилган. Таҳлиллар оғир суюқликнинг оқиш тезлигини ҳисоблаш учун тавсия этилган назарий тенгламанинг тўғрилигини тасдиқлайди.*

***Таянч сўзлар:*** *оғир суюқлик, оқиш, тезлик, босим, газ миқдори,газ тезлиги, қаршилик коэффициенти, сарф, зичлик, суюқлик тезлиги.* .

*В статье приведень анализ результатов экспериментальных исследований по определению скорости истечения «тяжелой жидкости» в зоны смешения лабораторной модели барботажного экстрактора. Анализ подтверждает правильность предложенного теоретического уравнения для расчета скорости истечения тяжелой жидкости.*

***Ключевые слова:*** *тяжёлая фаза, течения, скорость, давления, газосодержания, скорость газа, коэффициент сопротивления, расход, плотность,скорость жидкости*

*The article provides an analysis of the results of experimental studies to determine the flow rate of "heavy fluid" in the mixing zone of a laboratory model of a bubbling extractor. The analysis confirms the correctness of the proposed theoretical equation for calculating the flow rate of a heavy fluid.*

***Keywords:*** *heavy phase, flow, velocity, pressure, gas content, gas velocity, drag coefficient, flow rate, density, fluid velocity.*

Суюқлик-суюқлик тизимларида ишловчи экстракторларда суюқлик фазаларини аралаштириш учун энергия беришнинг турли хил усуллари мавжуд бўлиб, улар ичида экстракция жараёнини жадаллаштиришнинг истиқболли усулларидан бири бу аралаштириш жараёнига инерт газ оқимини қўллашдир.

Юқоридаги талаблардан келиб чиқиб, биз томонимиздан инерт газ ёрдамида аралаштирувчи барботажли экстракторнинг конструкцияси яратилган [1].

Бу яратилган кўп поғонали барботажли экстракторнинг поғоналарида жойлашган бир неча аралаштирувчи ва тиндирувчи контакт элементларига енгил суюқлик, аппаратнинг иш унумдорлигига боғлиқ ҳолда , энг остки қисмидан насослар ёрдамида узатилади. Оғир суюқлик эса, аппаратнинг юқори қисмидан махсус патрубкаларда очилган тешиклар орқали берилади. Бу суюқликни тешикдан оқиб чиқиш тезлиги тешик ўлчамига, тешикнинг қаршилик коэффициентига, суюқликлар зичликлари фарқига, сирт тарангликка, берилаётган газ сарфида аралаштириш зоналаридаги газ миқдори қийматларига боғлиқ бўлади [2].

Экстракторни ўлчамлари, экстракцияланаётган суюқлик ва экстрагент сарфи орқали лойихаланади. Шунинг учун оғир суюқликни оқизувчи қувур тешиги ўлчами ва оғир суюқликни тешикдан оқиб чиқиш тезлигини аниқлаш муҳимдир. Бу масалани ечиш учун назарий тадқиқотлар олиб борилиб, оғир суюқликни оқиш тезлигини ҳисобловчи тенглама тавсия этилган [2]. Мазкур мақолада тавсия этилган тенгламани текшириш учун ўтказилган тажрибавий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тадқиқот объекти сифатида Фарғона политехника институти “Технологик машиналар ва жиҳозлар” кафедрасида яратилган ва кафедранинг лаборатория стендига ўрнатилган барботажли экстракторнинг тажриба қурилмасидан фойдаланилди (2-расм).

Тавсия этилган ва текширилаётган тенгламани кўриниши қуйидагича;

$$\omega_o=\sqrt{\frac{2g\{\rho_0 H_2-\rho_{ap}\cdot(1-\varphi)\,H_0\}}{\xi\cdot\rho_0}} \qquad (1)$$

бу ерда: $H_0$ – аралаштириш зонаси баландлиги бўлиб, тажриба қурилмасида H=0,45 м.

$H_1$- ички аралаштириш зонасидаги суюқлик аралашмаси сатҳи баландлиги, м;

$H_2$- оғир суюқликни тешик марказигача бўлган сатҳ баландлиги, лаборатория қурилмасида бу баландлик $H_2$=0,6 м га тенг.

h- тинган оғир суюқлик сатҳи баландлиги, м;

$\varphi$ - ички аралаштириш зонасидаги газ миқдори,

$\xi$ - оғир суюқликни тешикдан оқиб чиқишидаги қаршилик коэффициенти, (3 расм).

$\rho_0$ – оғир суюқлик зичлиги, кг/м$^3$;

$\rho_{ар}$ – аралашма зичлиги, кг/м$^3$;

Бу тезликка боғлиқ ҳолда битта тешикдан оқиб чиқаётган оғир суюқлик сарфини топиш мумкин.

$$Q_c' = \pi R^2 \omega_o 3600, \quad м^3 / соат; \qquad (2)$$

Тавсия этилган 1-тенгламани текшириш учун тажриба қурилмасининг ички аралаштириш зонасидаги газ миқдори $\varphi$ нинг ва оғир суюқлик зичлиги $\rho_o$, аралашма зичлиги $\rho_{ар}$ ларнинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда оғир суюқликни ўрнатилган вақтга боғлиқ ҳолда тешикдан оқиб чиқишидаги сарфи аниқланди.

Оғир суюқликни оқизувчи тешик ўлчами d = 1 ÷ 2 мм ни ташкил этди. Енгил суюқлик сифатида сув, оғир суюқлик сифатида тўрт хлорли углероднинг бензол билан аралашмаси олинди. Енгил ва оғир суюқликлар аралашмаси зичликларини қуйидаги формула ёрдамида аниқланди.

$$\rho_{ар} = \rho_0 \cdot a + \rho_{сув} (1- a), \quad кг/ м3; \qquad (3)$$

бу ерда: $\rho_{ар}$ – аралашма зичлиги, кг/м$^3$; $\rho_0$ – оғир суюқлик зичлиги, кг/м$^3$; $\rho_{сув}$ – сув зичлиги, кг/м$^3$;

а –суюқлик зичликлари улуши, %;

Ўтказилган тажрибаларда оғир суюқлик улушини 33%, енгил суюқлик улушини 67% олинди. Бунинг натижасида аралашма зичликлари аниқланди.

1. $\rho_{ар}$ = 1200 · 0,33 + 1000 (1 – 0,33) =1066 , кг / м$^3$;
2. $\rho_{ар}$ = 1100 · 0,33 + 1000 (1 – 0,33) =1033 , кг / м$^3$;

Тажрибалар қуйидаги тартибда олиб борилди. Оғир суюқликни тешикдан оқиб чиқишидаги қаршилик коэффициенти $\xi$ ни аниқлаш учун тажрибалар ўтказилди. Бунда 1 литр хажмдаги суюқлик олиниб, оқизувчи қувурда ҳосил қилинган 1 ва 2 мм ли тешикларидан, оқиб чиқиш вақти аниқланди ва вақтлар қийматига боғлиқ ҳолда қаршилик коэффициенти аниқланди. Тешик девори қалинлигини тешик диаметрига нисбатини $\delta$ / d ўзгаришига боғлиқ ҳолда график қурилди (3-расм). Дастлаб аппаратнинг ички аралаштириш зонасига оғир суюқликни оқизувчи қувуридаги 2 мм ли тешиги очилиб, оғир суюқлик берилди. Аппаратнинг аралаштириш зонасига берилаётган суюқлик аралашмаси тезлигини $w_0$ = 0,07 м/с қийматда ўзгартирилмаган ҳолатда узатилди. Ўзгармас суюқлик тезликларида газ тезликларини $w_г$ =0.051; 0,086; 0,012 м/с қийматларга ўзгартирилиб, қурилманинг ички аралаштириш зоналарида газ миқдорларининг тажрибавий қийматлари аниқланди. Бу қийматни аниқлаш учун аппаратнинг ички аралаштириш зонаси туташ идиш шаклида шиша патрубка билан боғланиб, суюқлик аралашмаси сатҳи баландлиги $H_1$ нинг ўзгариши аниқланди (1-расм).

Бу газ тезликларига мос ҳолда газ миқдорининг тажрибавий қийматлари $\varphi$ = 0,1; 0,2; 0,3 га ўзгарди. Ўрнатилган режимлар асосида аппаратнинг аралаштириш зонасига оқиб чиқаётган оғир суюқлик сарфи тажрибавий аниқланди. Бунинг учун аппаратнинг чўктириш зонасида вақтга боғлиқ ҳолда чўкиш натижасида ҳосил бўлган оғир суюқлик қатлами хажми, h баланликка боғлиқ ҳолда аниқланди (1-расм).Тажрибада ўрнатилган вақт 0,25 соатни ташкил этди. Ўтказилган тажрибалар кетма-кетлиги газ миқдорининг $\varphi$ = 0,1; 0,2; 0,3 қийматларида оқизувчи қувурда ҳосил қилинган $d_1$=1 ва 2 мм тешик ўлчамларинng ҳар бири учун алоҳида ўтказилди.




1-расм.Оғир суюқликнинг оқиш тезлигини ҳисоблаш схемаси.



2-расм. Лаборатория қурилмасининг умумий кўриниши.

Газ миқдорининг назарий қийматини қуйидаги тенглама орқали аниқланди [3,4].

$$\varphi_0 = \left(1 - 0{,}04 w_c\right)\varphi' \qquad (4)$$

Бу ерда $w'_c$ –аралаштириш зонасидаги суюқликнинг келтирилган тезлиги, м/с;
φ' – суюқликни тинч ҳолатидаги газ миқдори бўлиб қуйидагича аниқланади.

$$\varphi' = 2{,}47 \cdot w_г^{0{,}97} \qquad (5)$$

Бу ерда: $w_г$ – аралаштириш зонасидаги газнинг келтирилган тезлиги, м/с;

1-тенглама ёрдамида оғир суюқликни оқиш тезликларининг назарий қийматлари аниқланди. Оғир суюқлик сарфи эса 2-тенглама ёрдамида аниқланди. Назарий ва тажрибавий қийматлар таққосланиб таҳлил қилинди. Таҳлиллар оғир суюқликнинг оқиш тезлигини ҳисоблаш учун тавсия этилган назарий тенгламанинг тўғрилигини тасдиқлади. Назарий ва тажрибавий қийматлари орасидаги энг катта фарқ ± 10% ни ташкил этди. Газ миқдорининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда оғир суюқлик сарфини ўзгариш графиклари қурилди (4 -ва 5-расмлар).




3-расм. Тешик девори қалинлиги ва тешик диаметирини ўзгаришига боғлиқ ҳолда қаршилик коэффициентини ўзгариш графиги.




4- расм. Q = *f* (φ) Газ миқдорини ўзгаришига боғлиқ ҳолда оғир суюқлик сарфини ўзгариш графиги (таққословчи график). Тешикнинг қаршилик коэфициенти ξ = 2,7; суюқлик тезлиги $w_c$=0.07 м/с, (const). 1,2 – оғир суюқлик зичлиги $\rho_0$ = 1200 кг/м$^3$, аралашма зичлиги $\rho_{ар}$ = 1066 кг/м$^3$; 3, 4 – оғир суюқлик зичлиги $\rho_0$ = 1100 кг/м$^3$, аралашма зичлиги $\rho_{ар}$ = 1033 кг/м$^3$;




5- расм. Q = *f* (φ) Газ миқдорини ўзгаришига боғлиқ ҳолда оғир суюқлик сарфини ўзгариш графиги (таққословчи график). Тешикнинг қаршилик коэфициенти ξ = 3,7; суюқлик тезлиги $w_c$=0.07 м/с, (const).
1,2 – оғир суюқлик зичлиги $\rho_0$ = 1200 кг/м$^3$, аралашма зичлиги $\rho_{ар}$ = 1066 кг/м$^3$;
3,4 – оғир суюқлик зичлиги $\rho_0$ = 1100 кг/м$^3$, аралашма зичлиги $\rho_{ар}$ = 1033 кг/м$^3$;

Юқорида олиб борилган тажрибавий тадқиқотлар натижасида аппаратнинг аралаштириш зонасига оқизувчи қувур тешигидан оқиб чиқаётган оғир суюқлик тезлигини ҳисобловчи тавсия этилган тенглама ўз тасдиғини топди. Аппаратни лойиҳалашда экстракцияланаётган суюқликлар инверсияцион тўғри танланиши учун оғир суюқликни сарфини ҳисоблаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўтказилган назарий ва тажрибавий тадқиқотлар натижасида оғир суюқлик сарфини аниқлаш учун имконият яратилди.

**Адабиётлар**


[1]. 1.Алиматов Б.А., Соколов В.Н., Саъдуллаев Х.М., Каримов И.Т. Многоступенчатый барботажный экстрактор. А.С. №1607859 (СССР) , БИ №43, 1990.

[2]. 2.И.Т.Каримов, Б.А.Алиматов, Б.Ж.Хурсанов. Барботажли экстракторда оғир суюқликни оқиш тезлиги ва сарфи. Фарғона политехника институти. Илмий-техника журнали. 2018 йил. том 22. №3. 217 бет.

[3]. 3.Соколов В.Н., Доманский И.В. Газожидкостные реакторы Л.:«Машиностроение», 1976. -216 с.

[4]. 4.Каримов И.Т. Барботажли экстракторнинг аралаштириш зоналаридаги гидродинамик жараёнларини тадқиқ қилиш.Т.ф.н. дисс.Т.ТДТУ,2001-131б.


# ҒЎЗА БАРГЛАРИГА ЮМШОҚ ТАЪСИР ЭТИБ ТЎКТИРУВЧИ ДЕФОЛИАНТЛАР САМАРАДОРЛИГИ


М.М. Убайдуллаев, Ф.Э. Тўхташев, М.А. Розиқова

*Фарғона политехника институти*



*(Қабул қилинди 14.12.2018 й.)*



*Ғўза дефолиацияси шундай муҳим тадбирки, сифатли дефолиация қилингандан сўнг, ғўза барглари тўкилиши юз беради, бунда кўсаклар очилиши тезлашади, пишмаган кўсаклар етилади, ғўза шохлари ғовлаган баланд ўсган жойлардаги кўсакларни моғорланишини олди олинади.Ўз вақтида ўтказилган терим олди химиявий баргсизлантириш кўсакларнинг очилишидан ташқари, юқори сифатли тола миқдорини оширади, тола чиришини бартараф қилиб, ҳосилни ўз вақтида териб олинишини таъмин этади.*



***Таянч сўзлар:*** *дефолиация, ғўза барглари,химиявий баргсизлантириш.*



*Дефолиация хлопчатника такое важное мероприятие, при этом после качественного проведения дефолиации опадают листья хлопчатника, также ускоряется раскрытие коробочек, созревают недозревщие коробочки, предотвращается заплеснение коробочек размещенных в верхней части растений. Кроме ускорения раскрытия коробочек при своевременном проведении химического*

*обезлиствления перед сбором урожая повышается вес высококачественного волокна и устраняется гниение волокна, обеспечивается своевременный сбор урожая хлопка-сырца.*

***Ключевые слова:*** *дефолиация, листья хлопчатника, химическое обезлиствление.*

*Cotton defoliation is such an important event, while after a good defoliation, cotton leaves fall, opening of bolls also accelerates, unripe bolls ripen, and molds on the bolls located in the upper part of the plant are prevented from moldy. In addition to accelerating the opening of boxes with timely chemical deoxidation before harvesting, the weight of high-quality fiber is increased and rotting of the fiber is eliminated, timely harvesting of raw cotton is ensured.*

***Keywords:*** *defoliation, leaves of plants, chemical deprivation.*

Ўсимликларда модда алмашинувга таъсир этувчи сунъий ингибиторларга, гербицидлардан ташқари, ўсимликлар баргининг тўкилишини тезлаштирувчи моддалар - дефолиантлар (folium - барг) ва ўсимликларни тезда қуритувчи десикантлар ҳам киради.

**Дефолиация** - ғўза барг бандида ажратувчи қатлам ҳосил қилиб, ўсимликлар баргини тўкишдир. Ҳосилни йиғиб-териб олишдан олдин ўтказиладиган дефолиация фақат баргларнинг тўкилишини таъминлаб қолмасдан, балки кўсакларнинг пишиб етилишини ва очилишини тезлаштиради, сифатли пахта толалари олишга имкон беради, кўсак ва толанинг чириб кетишидан сақлайди ва ғўза касалликлари ҳамда зараркунандаларига қарши курашишни енгиллаштиради.

Авваламбор, ғўза майдонларини дефолиация тадбирига тайёрлашда дала ва унинг атрофидаги ўқариқларни кўмиш зарур. Сўнгра ғўза майдонларини кўздан кечириш керак, яъни ғўза ўсимлигининг навига, барг пластинкасининг катта-кичиклиги, юпқа-қалинлигига қараб дефолиант миқдорини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо айрим агротехник тадбирларнинг бузилиши оқибатида, яъни ўғит солишда мутаносиблик бузилганда, сув қўйишда хатоликка йўл қўйилганда, бунда сув кўллатиб, ёппасига қўйилган майдонларда ғовлаш юзага келади, шундай майдонларда дефолиант миқдори белгиланган меъёрдан 10-15 % га оширилиб сепиш, аксинча бўлган майдонларда шунча меъёрда камроқ сепиш тавсия этилади (Ф.Тешаев).

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, дефолиант миқдорини белгилашда нафақат барг юзасига, балки ғўза навига, кўчат қалинлигига, ҳаво ҳароратига, шамол тезлигига, тупроқдаги ЧДНС ни ҳам ҳисобга олиниши керак бўлади. Ҳаво ҳарорати дефолиация сифатига катта таъсир қилади. Ф.Тешаевнинг (2016) таъкидлашича, Энто-Дефол, ФанДЕФ-аъло дефолиантлари ҳаво ҳарорати 20-22 $^0$С даражада бўлганда яхши самара беради, 22 $^0$С даражадан пасайганда таъсири сезиларли даражада камаяди, аммо 17 $^0$С даражадан тушиб кетса ғўза баргларини етарлича тўкмайди. С-8290 ғўза навининг бир гектаридан 90-95 минг туп кўчат қалинлиги бўлса ундан ўртача 30-33 минг м$^2$ барг сатҳи шакилланади, демак юқоридаги тавсияга асосан дефолиантларни қўллашда биринчи навбатда, шамол тезлиги 5 м/секдан паст бўлганда, хаво харорати 20 $^0$С дан паст бўлмаганда, тупроқ намлиги эса 60-65% атрофида бўлганда дефолиантларни аниқ меъёрида қўллаш яхши самара беради. Бундан бошқа ҳолатларда ҳаво паст, кўчат қалинлиги кўп, ғўза ғовлаган майдонларда 15-25 % гача дефолиант миқдори қўшилади, аксинча бўлган ҳолатларда эса, дефолиант миқдори камайтириб сепилади.

Ҳозирги вақтда ғўзани баргсизлантиришда янги Энто-Дефол,ФанДЕФ-аъло СуюқХМД дефолиантлардан кенг қўлланилмоқда. Шунингдек Биз 2017-2018 йилларда олиб борган тажрибамизда янги дефолиантларни ўрта толали ғўза навларида қўллаб, уларнинг мақбул меъёри ва муддатини аниқладик.

Демак, С-8290 ғўза нави кўсаклари 30-40% очилган муддатда дефолиация ўтказилганда фоннинг дефолиация ўтказилмаган, яъни назорат вариантида дефолиациядан 7 кундан сўнг баргларнинг табиий тўкилиши 2,4% ни, қолган 94,9% барглар ғўза тупида яшил ҳолатда турган бўлса, дефолиациядан 14 кун ўтгач баргларнинг табиий тўкилиши 4,0% ни, яшил барглар эса 92,6% ни ташкил этганлиги қайд этилди.

Суюқ хлорат-магний дефолиантининг 8,0 л/га меъёрда эталон сифатида қўлланилган вариантда дефолиациядан 7 кундан сўнг ғўза тупида 18,9% қуриган барглар, 30,5% ярим қуриган ва 35,4% тўкилган баргларни ташкил этган бўлса, дефолиациядан 14 кундан сўнг

77,2% ғўза барглари тўкилиб, дефолиант таъсирида 11,9% барглар қуриган, 9,3% ярим қуриган ҳолда ғўза тупида сақланиб қолганлиги аниқланди.Энто-Дефол дефолиантида энг юқори натижалар 0,15 л/га меъёрда қўлланилган вариантда, дефолиациядан 7 кундан сўнг ғўза тупида 33,3% яшил барглар, 1,7 % қуриган барглар, 7,8 % ярим қуриган ва 57,2% тўкилган баргларни қайд этган бўлса, дефолиациядан 14 кундан сўнг 92,8% ғўза барглари тўкилиб, дефолиант таъсирида 0,8% барглар қуриган, 5,1% ярим қуриган ҳолда ғўза тупида сақланиб қолганлиги кузатилди. Қайд этиш керакки, С-8290 ғўза навининг кўсаклари 30-40% очилган муддатда, ушбу янги Энто-Дефол дефолиантнинг 0,15 л/га меъёрда қўлланилган вариантларда дефолиация самарадорлиги дефолиациядан 7 кундан сўнг Назорат вариантига нисбатан барглар тўкилиши 54,8% га юқори бўлганлигини кўришимиз мумкин, бундан ташқари эталон сифатида СуюқХМД дефолианти (8,0 л/га)га нисбатан юқорироқ, яъни 21,8 % кўпроқ барг тўкилганлиги аён бўлди.




| | Яшил барглар % | Қуриган барглар, % | Ярим қуриган барглар, % | Тўкилган барглар, % | Яшил барглар % | Қуриган барглар, % | Ярим қуриган барглар, % | Тўкилган барглар, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | дефолиациядан 7 кундан сўнг | | | | дефолиациядан 14 кундан сўнг | | | |
| 1 Назорат- | 94,9 | 1,5 | 1,2 | 2,4 | 92,6 | 2,2 | 1,2 | 4 |
| 2 СуюқХМД-8,0 л/га | 15,3 | 18,9 | 30,5 | 35,4 | 1,6 | 11,9 | 9,3 | 77,2 |
| 3 Энто-Дефол-0,10 л/га | 36,9 | 1,4 | 19,1 | 42,6 | 15,7 | 0,2 | 11,8 | 72,3 |
| 4 Энто-Дефол-0,15 л/га | 33,3 | 1,7 | 7,8 | 57,2 | 1,3 | 0,8 | 5,1 | 92,8 |
| 5 Энто-Дефол-0,20л/га | 31,5 | 1,8 | 18,3 | 48,4 | 1,1 | 0,5 | 12,8 | 85,6 |
| 6 ФанДЕФ-аъло-5,0 л/га | 7,7 | 18,1 | 43,7 | 30,5 | 2 | 11,4 | 4,3 | 82,3 |
| 7 ФанДЕФ-аъло-6,0 л/га | 6,7 | 26,5 | 30,9 | 35,9 | 1,2 | 12,3 | 2,2 | 84,3 |
| 8 ФанДЕФ-аъло-7,0 л/га | 6,4 | 32,7 | 23,4 | 37,5 | 0,7 | 15,6 | 0,1 | 83,6 |

Тадқиқотларда энг юқори натижалар ФанДеф-аъло дефолиантининг 7,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда дефолиациядан 7 кундан сўнг ғўза тупида 6,4 % яшил барглар, 32,7 % қуриган барглар, 23,4 % ярим қуриган ва 37,5% тўкилган баргларни қайд этган бўлса, дефолиациядан 14 кундан сўнг 83,6% ғўза барглари тўкилиб, дефолиант таъсирида 15,6% барглар қуриган, 0,1% ярим қуриган ҳолда ғўза тупида сақланиб қолганлиги аниқланди.

Олиб борилган изланишлар шуни кўрсатадики, С-8290 ғўза навининг кўсаклари 30-40% очилганда Энто-Дефол дефолиантининг 0,15 л/га қўлланилган вариантида кўпроқ баргларнинг тўкилишига таъсир этди. Шунингдек, Фан Деф-аъло дефолианти 7,0 л/га меъёрида қўлланилган вариантда ҳам барглар тўкилиши юқори эканлиги маълум бўлди.

Демак, хулоса қилиб айтиш мумкинки, ғўзани сунъий баргсизлантириш, илмий қўлланмалар асосида ўтказилса ҳамда юқоридаги тавсияларга амал қилинган ҳолда дефолиантлар қўлланилса, дефолиация самарадорлиги бир мунча ортади, кўсаклар очилиши тезлашади, пировордида биринчи терим салмоғи сезиларли даражада ошади. Шунда фермер хўжаликлари ҳосилнинг асосий қисмини олий навларга топшириб, иқтисодий манфаатдорлиги ҳам бир мунча ортади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

[1]. Ф.Ж.Тешаев Ғўза дефолиацияси учун ишлатиладиган янги препаратларидан самарали фойдаланиш. Монография. Т. “Наврўз” нашриёти. 2018 й.

[2]. С.М.Мираҳмедов ва бошқалар. Пахтачилик справочниги. Тошкент-“Меҳнат” нашриёти 1989 й.

# ШИША ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНОАТ ЧАНГЛАРИНИНГ ДИСПЕРС ТАРКИБИНИ АНИҚЛАШ

Н.А. Эргашев[1], Б.А. Алиматов[2], А.А. Ахунбаев[1]

[1]*Фарғона политехника институти,*
[2]*В.Г. Шухов номидаги Белгород давлат технология университети,*
*(Қабул қилинди 25.03.2019 й.)*

*Мақолада "Кувасойкварц" АЖ шиша маҳсулотларини етиштириш жараёнида калцийли техник сода, доломит ва кварц қумига ишлов беришда ҳосил бўладиган саноат чангларининг дисперс таркибини элакли ва микроскопик анализлар ёрдамида аниқлаш натижалари келтирилган.*
***Таянч сўзлар:*** *ҳаво, чангланиш, калцийли техник сода, доломит, кварц куми, заррачар, ўлчамлари, анализ, элакли, микроскопик.*
*В статье представлены результаты определения дисперсного состава промышленных пылей производства стекольной продукции АО «Кувасайкварц» на основе ситовых и микроскопических анализов образцов пылей, образующихся при переработке технической кальцинированной соды, доломита и кварцевого песка.*
***Ключевые слова:*** *воздух, запыление, кальцинированная сода, доломит, кварцевый песок, частицы, размер, анализ, ситовый, микроскопический.*
*The article presents the results of determining the dispersed composition of industrial dust production of glass products of JSC "Kuvasaykvartz" on the basis of sieve and microscopic analysis of dust samples formed during the processing of technical soda ash, dolomite and quartz sand.*
***Key words:*** *air, dust, soda ash, dolomite, quartz sand, particles, size, analysis, sieve, microscopic.*

Саноат ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган турли ҳолатдаги ва зарарли чанг газларнинг хоссаларини аниқ билиш уларни ушлаб қолиш ёки нейтраллаш усулини тўғри танлаш, чанг тозалаш самарадорлигини ошириш ва энергия тежамкор конструкциядаги тозалаш қурилмаларини яратишнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқаётган чангли газларнинг ҳосил бўлиш сабаблари ва уларнинг турларини таҳлил қилишни талаб этади. Биз томонимиздан таклиф этилган ҳўл усулда чангли ва заҳарли газларни тозаловчи аппаратда [1, 2, 3] иш режимлари таҳлилини ўтказиш ҳамда тозалаш самарадорлигини аниқлаш учун модел материали сифатида "Quvasoykvars" AJ нинг цехларидан чиқаётган минерал чанг наъмуналари танланди. Чанг анализи таҳлилини ўтказиш услублари кўриб чиқилди ва асосий услублар таққослаш учун ўрганилди [4, 5, 6].

Қуйидаги асосий услубларни чанглар дисперс таркибини аниқлашда қўллаш мумкин:

-седиментометрия - бу усулда газсимон ёки суюқлик муҳитидаги чанг зарралари чўктириб фракцияларга ажратилади;

-микроскопик таҳлил - бу усулда чанг зарраларининг фракция бўйича оптик ёки электрон микроскоп ёрдамида шакли, ўлчами ва маълум фракциядаги миқдори аниқланади;

-марказдан қочма сепарациялаш усули – бунда чангли газ махсус аппаратда марказдан қочма куч таъсирида фракцияларга ажратилади.

-турли ўлчамдаги лаборатория элаклари ёрдамида кетма-кет элакдан ўтказиш йўли билан чанг зарраларини фракцияга ажратиш усули. Лаборатория элаги ёрдамида таҳлил қилиш усули таркибида 100 мкмдан кичикроқ ўлчамдаги зарранинг миқдори 10% дан ортиқ бўлмаган чангларда қўлланилади.

Чангларни дисперс таркибини аниқлашда юқорида кўриб ўтилган услублардан микроскопик таҳлил ҳамда турли ўлчамдаги лаборатория элаклари ёрдамида кетма-кет элакдан ўтказиш йўли билан чанг зарраларини фракцияга ажратиш усуллари танланди.

**1-Босқич.** Танланган чанглар LM-2E маркали туйиш қурилмасининг лаборатория моделида 7 дақиқа давомида туйилди, ҳамда RETSCH-DIN-ISO 3310/1 маркали сараловчи элак қурилмасининг лаборатория моделида 4 дақиқа давомида 5 босқичли саралашдан ўтказилди. Элак сеткаларининг тешиги ўлчами 5, 20, 40, 63, 100 мкм гача танланди. Олинган натижалар асосида чанглар фоизлар ҳисобида фракцияларга ажратилди. Қуйида

танланган чанг намуналарининг кимёвий ҳоссалари, ишлаб чиқариш шароитидаги кўрсаткичлари ҳамда олинган лаборатория анализи натижалари келтирилган.

**Кальцийли техник сода $Na_2CO_3$ КТС** қурилиш ойнаси ҳамда шиша буюмлари ишлаб чиқариш жараёнида қўшимча маҳсулот сифатида қўлланилади. Унинг А ва Б маркалари ГОСТ 5100-85 бўйича ишлатилади. Маҳсулотнинг массавий улуши маҳсулот турига қараб 1 тонна хом ашёга 261-300 кг гачани ташкил этади. Гранулометрик таркиби 0,25 мм (25мкм) дан ошиб кетмаслиги керак. Асосий чанг манбайи содани шихтага қўшишдан олдинги қуритиш жараёнида ҳосил бўлади.

Лаборатория анализи натижалари шуни кўрсатдики, туйилган калцийли техник сода чанги таркибидаги заррачаларининг 1÷5 мкм гачаси 23%, 5÷20 мкм гачаси 66%, 20÷40 мкм гачаси 9%, 40÷63 мкм гачаси 2%, 63÷100 мкм гача 0% ни ташкил қилмоқда. Калцийли техник сода КТС чангининг гикроскопик хусусиятига кўра суюқлик (сув) да тўлиқ ютилади.

**Доломит** қурилиш ойнаси, шиша буюмлари ҳамда оловбардош ғишт ишлаб чиқариш жараёнида асосий ва қўшимча маҳсулот сифатида қўлланилади. Унинг ДК-19-0.05, ДК-19-0.10, ДК-18-0.25, ДК-18-0.40, ДК-20-0,10 маркалари ГОСТ 23672-79 бўйича ишлатилади. Маҳсулотнинг массавий улуши маҳсулот турига қараб 1 тонна хом ашёга 139-247 кг гачани ташкил этади. Гранулометрик таркиби 0,05 мм (5 мкм) дан ошиб кетмаслиги керак. Асосий чанг манбайи шиша буюмлари ишлаб чиқаришда МВП-1, МВП-2 печларида (шихта таркибида), қурилиш ойнаси ишлаб чиқаришда МВП-3 печида (шихта таркибида), оловбардош ғишт ишлаб чиқаришда тегирмон, сито-бурат ва транспортировка қилишда ҳосил бўлади.

Лаборатория анализи натижалари шуни кўрсатдики, туйилган доломит чанги таркибидаги заррачаларининг 1÷5 мкм гачаси 28%, 5÷20 мкм гачаси 60%, 20÷40 мкм гачаси 10%, 40÷63 мкм гачаси 2%, 63÷100 мкм гачаси 0 % ни ташкил қилмоқда. Доломит чангининг гигроскопик хусусиятига кўра суюқлик (сув) да тўлиқ ютилади.

**Кварц қуми** қурилиш ойнаси ҳамда шиша буюмлари ишлаб чиқариш жараёнида асосий маҳсулот сифатида қўлланилади. Унинг ООВС-010-В, ООВС-010-В, ВС-050-2, С-070-1, С-070-2, Б-100-1, Б-100-2, ПБ-150-1, ПБ-150-2, ПС-250 маркалари ГОСТ 22551-77 (Ўзбекистон, Ғазалкент) ва ГОСТ 22551-77 (ГОК Тожикистон) бўйича ишлатилади. Маҳсулотнинг умумий улуши маҳсулот турига қараб 1 тонна хом ашёга 845-882 кг гачани ташкил этади. Гранулометрик таркиби 0,05÷0,10 мм (5÷10 мкм) дан ошиб кетмаслиги керак. Асосий чанг манбайи кварц қумини ва бошқа муҳсулот шихталарини печга юклаш ва пишириш печида ҳосил бўлади.

Лаборатория анализи натижалари шуни кўрсатдики, туйилган кварц қуми чанги таркибидаги заррачаларининг 1÷5 мкм гачаси 22%, 5÷20 мкм гачаси 55 %, 20÷40 мкм гачаси 12%, 40÷63 мкм гачаси 8%, 63÷100 мкм гачаси 3% ни ташкил қилмоқда. Кварц қуми чанги гигроскопик хусусиятига кўра суюқлик (сув) да тўлиқ ютилади.

1-жадвалда калцийли техник сода КТС, доломит ва кварц қуми чангларининг фракциялар бўйича миқдорлари келтирилган.

1-жадвал

| Фракцияни ўлчами, мкм | Калцийли техник сода (КТС) | Доломит | Кварц қуми |
|---|---|---|---|
| | Фракция улуши, % | Фракция улуши, % | Фракция улуши, % |
| 1÷5 | 23 | 28 | 22 |
| 5÷20 | 66 | 60 | 55 |
| 20÷40 | 9 | 10 | 12 |
| 40÷63 | 2 | 2 | 8 |
| 63÷100 | 0 | 0 | 3 |

**2-Босқич.** Минерал чангларнинг дисперс таркибини аниқлаш учун оптик микроскопия усулидан фойдаланилди, чунки заррачаларнинг биологик микроскопдаги бундай анализи ±1,5% нисбий хато беради, ўлчамларнинг ўртача қийматга келтириш эса ±

3,4 % нисбий хатолик беради. Оптик микроскопия усулида ҳар бир минерал чанг намуналарининг микрофото суратлари олинади. Дисперс чанг ўлчамларини аниқлаш учун соч толасидан фойдаланилади ҳамда фоизларда фракцияларга ажратилади. (Соч толасининг ўртача медиан ўлчами 40÷60 мкм деб қабул қилинди).




1-расм. Намунага танланган чангларнинг CM001-CYANS микроскопида 400 маротаба катталашган ҳолатдаги кўриниши; а- кальцийли техник сода КТС; б- доломит; в- кварц қуми.

Намуна учун танланган чангда агломератлар ҳосил бўлишини олдини олиш учун дисперс муҳит сув билан аралаштирилди. Суратга олиш ДСМ-310 маркали камера ва Langdorpssestengweg - 1603201 маркали CM001-CYANS биологик микроскопда амалга оширилди. Суратларга ишлов бериш ЭХМ да бажарилди. Микроскопнинг катталаштириши 400 баробар бўлганда минерал чангларининг ўлчами 1÷100 мкм оралиғидаги фоизлари соч толаси ўлчамига таққосланган ҳолда аниқланди (1-расм).




2-расм. Намунавий чангларнинг дисперс таркибини таққослаш графиги; 1- калцийли техник сода КТС чанги; 2- доломит чанги; 3- кварц қуми чанги.

Микроскопия усулида аниқланган лаборатория анализи натижалари асосида чангларнинг дисперс таркибини таққослаш графиги қурилди. (2-расм).

Элак анализи ҳамда микроскопия усули орасидаги лаборатория анализи ҳатолиги 7 % ни ташкил этди. Демак, хўл усулда ишловчи аппаратда экспериментал тадқиқотлар олиб боришда майдаланган заррачаларнинг ўртача арифметик қиймати калцийли техник сода чанги учун $\delta_{50} = 9$ мкм, доломит чанги учун $\delta_{50} = 8{,}5$ мкм ва кварц қуми чанги учун эса $\delta_{50} = 15$ мкм деб қабул қилиш мумкин бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

[1]. Алиматов Б.А., Эргашев Н.А., Каримов И.Т. Контакт элементи буралган йўлдош қуюнли режимда ишловчи хўл усулда чанг тозаловчи аппарат. ФарПИ Илмий-техника журнали, 2019, № 2, 149-152-бетлар.

[2]. Эргашев Н.А., Алиматов Б.А., Дикевич А.В. Повышение эффективности пылеулавливания в производстве дорожно-строительных материалов. Материалы научно-практической конференции “Энерго-ресурсосберегающие машины, оборудование и экологически чистые технологии в дорожной и строительной отраслях”. Белгород, 21-22 сентября 2018. Белгород: Изд.-во БГТУ, 2018. С.229-232.

[3]. Эргашев Н.А., Алиматов Б.А., Дикевич А.В. Затраты энергии в мокром пылеуловителе при производстве дорожно-строительных материалов. Материалы научно-практической конференции “Энерго-ресурсосберегающие машины, оборудование и экологически чистые технологии в дорожной и строительной отраслях”. Белгород, 21-22 сентября 2018. Белгород: Изд.-во БГТУ, 2018. С.232-238.

[4]. Шиляев М.И., Шиляев А.М., Грищенко Е.П. Методы расчета пылеуловителей. Учебное пособие. Томск: ТГАСУ, 2006.-385 с.

[5] Швыдкий В.С., Ладыгичев М.Г. Очистка газов. Справочное издание -М.:Теплоэнергетик, 2005.-640 с.

[6] Коузов П.А. и др. Очистка от пыли газов и воздуха в химической промышленности. Л.: Химия, 1982. - 256 с.

УДК 332.21.

# ЭНЕРГЕТИЧЕСКИЙ МЕНДЖМЕНТ И ЭНЕРГЕТИЧЕСКИЙ МОНИТОРИНГ ЭЛЕКТРОПОТРЕБЛЕНИЯ ЭНЕРГОЁМКИХ ПРОИЗВОДСТВ

Ш.Усмонов, Д.Кучкарова

*Ферганский политехнический институт*

*(Получена 08.04.2019 г)*

*Мақолада энергия хажмдор корхоналарнинг энергетик менежменти ва электр истеъмоли мониторингини ташкил этиш масалалари ёритилган. Энергия самарадорликни яхшилашга хамда халқаро ISO 50001 стандартнинг энергия самарадорлик бошқаришни оптималлаштиришни амалга оширишдаги ролига тизимли ёндошилган.*

***Таянч сўзлар:*** *Энергетик менеджмент, энергетик аудит, мониторинг, электр истеъмоли, энергия самарадорлик, энергия харажатлар, ISO 50001 стандарти.*

*В статье рассмотрены вопросы организации энергетического менеджмента и энергетического мониторинга электропотребления энергоёмких производств. Предпринять системный подход к улучшению энергоэффективности, а также роли международного стандарта ISO 50001 для реализации оптимизации управления энергетической эффективностью.*

***Ключевые слова:*** *энергетический менеджмент, энергетический аудит, мониторинг, электропотребления, энергетической эффективности, энергозатрат, Стандарт ISO 50001.*

*The article deals with the organization of energy management and energy monitoring of energy-consuming energy-intensive industries. Take a systematic approach to improving energy efficiency, as well as the role of the international standard ISO 50001 to implement energy efficiency management optimization.*

***Keywords:****energy management, energy audit, monitoring, power consumption, energy efficiency, energy consumption, ISO 50001 Standard.*

В настоящее время в современном производстве энерго- и ресурсосбережение является одной из основных задач. Преобразование и потребление энергии является важнейшим условием развития человечества и экономики страны, включая создание благоприятных и комфортных условий жизнедеятельности. Повышение конкурентоспособности предприятий и обеспечения их экономической и энергетической безопасности невозможно без реализации крупномасштабных проектов в области энергосбережения и повышения энергетической эффективности. Данная задача отражена в постановлениях, указах Президента Республики Узбекистан, а также правовых нормативных документах, принятых в этой сфере, в том числе ПП-3379 «О мерах по обеспечению рационального использования энергоресурсов» от 8 ноября 2017 года.

Достижение этих цели и улучшение энергетической эффективности должно основываться на технических решениях, и на более совершенном принципе управления. Отечественные энергоемкие предприятия обращают большее внимание на удовлетворение потребностей производственного процесса в энергии и не придают особого значения эффективности ее передачи и использования. Признание важности энергии как одного из видов ресурсов, который требует такого же менеджмента как любой другой дорогостоящий ресурс, а не как накладных расходов предприятия, является главным первым шагом к улучшению энергоэффективности и снижению энергозатрат [1].

Реализовать цели оптимизации управления энергетической эффективностью призван принятый новый международный стандарт ISO 50001:2011 Energy management systems - Requirements with guidance for use [2]. Стандарт определяет требования для системы энергоменеджмента, позволяющей организации предпринять системный подход к непрерывному улучшению энергоэффективности (energy efficiency) и энергопараметров (energy performance). Стандарт применим ко всем типам организаций независимо от их

размера и отраслевой принадлежности, поэтому он не содержит заранее установленных критериев энергоэффективности [3].

Энергетический менеджмент - часть общей системы управления предприятием, которая обладает четкой организационной структурой и направлена на извлечение прибыли методом эффективного управления энергосбережением. Энергетический менеджмент представляет собой менеджмент (управление) энергии как любого другого производственного ресурса с целью снижения затрат путем улучшения энергоэффективности.

Система энергетического менеджмента (СЭнМ) - совокупность взаимосвязанных или взаимодействующих элементов, используемая для: 1) установления энергетической политики и целей и 2) применения процессов и процедур для достижения этих целей.

Стандарт ISO 50001 разработан и построен на основе цикла непрерывного улучшения **«Plan-Do-Check-Act»** («Планировать - Выполнять - Проверять - Действовать») и включает энергоменеджмент в ежедневную практическую деятельность организаций (рис.1.) [4].




Рис. 1. Модель системы энергетического менеджмента в стандарте ISO 50001.

Энергетическая политика (energy policy) - всеобъемлющие намерения и направления деятельности организации, относящиеся к энергетической деятельности, официально заявленные высшим руководством.

Энергетическая базовая линия (energy baseline) - система количественных энергетических показателей, составляющих основу для сравнения с показателями энергетической эффективности. Создается на основе информации о фактическом использовании энергии (при первоначальном рассмотрении) на текущий момент времени.

Энергетическая результативность - измеримые результаты, относящиеся к энергоэффективности, типам энергопотребления и расходу энергии. Могут измеряться по отношению к энергетической политике, целям, задачам и другим требованиям к энергорезультативности (по отношению к базовой линии).

Организация должна определять энергетические показатели деятельности (EnPIs - energy performance indicator), которые будут использоваться для оценки энергетической эффективности и впоследствии для оценки прогресса в достижении целей и задач. Поэтому требуется как административная работа по внедрению и поддержанию системы учета и контроля, так и материальное и моральное стимулирование, а также обучение персонала экономичным методам работы, использование развитого Целевого энергетического мониторинга (ЦЭМ), который дает возможность предприятию осуществлять контроль над потреблением электроэнергии и любым другим производственным ресурсом.

Энергоаудиты показали, что существует серьезный барьер в осуществлении проектов и поддержании правильных административно- хозяйственных мероприятий по экономии энергии. Проблема состоит в том, что аудит представляет «фотографическую» картину того, что было неправильно и что может быть улучшено. Однако постоянная система мониторинга может быть реализована так, чтобы она представляла «активный аудит», посредством которого структуры управления предприятием постоянно получают информацию и напоминания, когда они действуют неэффективно [5].

Энергетический мониторинг можно применять на всех уровнях системы электроснабжения, начиная с отдельного электроприемника и заканчивая границей раздела предприятия и энергосистемы. Основное внимание должно быть сосредоточено на нескольких самых энергоемких объектах (цех, основные производственные участки, энергоемкие агрегаты), на чью долю приходится до 80% общего электропотребления предприятия при их количестве 10-20% общего числа подразделений предприятия. Организация учета электроэнергии на каждом выделенном объекте является обязательным условием внедрения мониторинга.

На каждом выделенном объекте учета должны быть люди, несущие административную ответственность за режим электропотребления - технологи или мастера цеха, которые должны контролировать расход электроэнергии, сравнивать его с целевыми показателями, выявлять причины перерасхода и принимать меры к его устранению. Период измерений: производственный цикл, час, смена, сутки.

В ходе работы системы целевого энергетического мониторинга все вновь получаемые данные характерных показателей пополняют базу данных предварительного (базового) этапа анализа, и через 3-4 месяца целевые показатели пересчитываются. Постоянный контроль позволяет снизить количество брака и отступлений от технологии. Устранение случаев работы с завышенным электропотреблением приводит к экономии электроэнергии на каждом выделенном объекте учета и к постепенному снижению расчетных целевых показателей [6].

**Список литературы**


[1]. Андрижиевский А.А. Энергосбережение и энергетический менеджмент: учеб. пособие/А.А. Андрижиевский, В.И. Володин. 2-е изд., испр. Мн.: Выш. шк., 2005. 294 с.

[2]. Стандарт ISO 50001

[3]. Хохлявин С. Особенности стандарта ISO 50001 на энергоменеджмент // Энергоаудит. 2011. № 4(20). С. 26-31.

[4]. Томас Морт. Энергоменеджмент - как процесс // Strategic Planning for Energy and the Environment. 2001. vol.21. № 1.

[5]. Справочник по энергоснабжению и электрооборудованию промышленных предприятий и общественных зданий / под общ. ред. профессоров МЭИ(ТУ) С.И. Гамазина, Б.И. Кудрина, С.А. Цырука. М.: Издательский дом МЭИ, 2010. 745 [7] с.: ил.

[6]. Понаровкин Д.Б., Лоскутов А.В., Матюнина Ю.В. Основы энергетического менеджмента. М.: Издательство МЭИ, 2000.


# БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ


М. Усмонова[1], Д. Рафиқова[2]

*[1]Фарғона политехника институти, [2]Фарғона давлат университети*



*(Қабул қилинди 18.12.2018 й.)*



*Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентликни шакллантиришнинг педагогик жихатлари ҳақида маълумот берилган.*



***Таянч сўзлар:*** *компетенция, касбий компетентлик, диагностик, коммуникативлик, аутокомпетентлик, ижтимоий компетентлик, қобилият, билим, кўникма.*

*В данной статье представлена информация о педагогических аспектах формирования профессиональной компетентности у будущих учителей.*

***Ключевые слова:*** *компетентность, профессиональная компетентность, диагностика, коммуникативность, автокомпетентность, социальная компетентность, способности, знания, умение.*

*This article provides the information on the pedagogical aspects of the formation of professional competence in future teachers.*

***Keywords:*** *competence, professional competence, diagnostic, communicative, autocompetent, social competence, abilities, knowledge, skill.*

Бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлигини шакллантириш педагогларни тайёрлашдаги мураккаб муаммолар қаторида ўзига хос ўрин тутади. Айниқса таълимни модернизатсиялаш билан боғлиқ ислоҳотларнинг жорий босқичида касбий педагогик фаолиятга мослашиш муаммоси янада яққол намоён бўлмоқда. Бўлажак ўқитувчиларни амалий, психологик, методик, тадқиқотчилик турлари билан бир қаторда ўқитувчининг касбий компетентлигини шакллантириш билан бойиб бормоқда.

Касбий компетентлик ташҳиси касбий шаклланишнинг моҳиятли характеристикаларига диагностик, коммуникативлик, бошқарув ва проектив ўқувлар гуруҳларини киритиш лозим. Педагогнинг билиш фаолияти кўп жиҳатдан ўрганилаётган нарсаларнинг мураккаблиги, динамикаси, ностандартлиги, ижтимоий ҳодисаларни ажратиб турадиган чегараларнинг таъсири, уларни излаш, ноаниқлик билан белгиланади, бу эса кузатувчанлик, суҳбатдошнинг ички дунёсини моделлаштириш малакасини назарда тутади. Мазкур ҳолда ўз-ўзини тартибга солиш хусусиятлари ўз билим ва малакаларини доимо такомиллаштириш зарурати, бошқа одамларга қаратилган ўз ҳатти-ҳаракатини қатъий мувофиқлаштириш укуви билан тавсифланади [1].

Педагогнинг касбий тарбияланганлик лаёқатлилигини тадқиқ қилишга бағишланган асарларда унинг қуйидаги турлари билан фарқ қилинади:

- махсус тарбияланганлик лаёқатлилиги – касбий фаолиятини етарлича юқори даражада эгаллаганлик, ўзининг келгуси касбий ривожланишини лойиҳалаш қобилияти;
- ижтимоий тарбияланганлик лаёқатлилиги – биргаликдаги касбий фаолиятни, ҳамкорликни ва шунингдек, мазкур китобда қабул қилинган касбий мулоқат услубларини эгаллаганлик, ўз касбий касби натижалари учун ижтимоий масъуллик.

Бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлиги, иродавий сифатлар, интеллектуал салоҳият, ҳиссий сифатлар, амалий кўникмалар, ўз-ўзини бошқара олиш лаёқатларининг ўзаро боғлиқлиги ва шахснинг ижтимоий-маданий фаоллик даражасини акс эттирувчи индивидуал сифатлар асосида шакллантирилади.

Европа давлатларида шаклланган анъанага мувофиқ касбий малака мутахассиснинг компетентлиги, уни шакллантиришга қаратилган таълим тизими эса-билим, кўникма ва малакалар даражаси билан ўлчанади.

Бўлажак ўқитувчини тайёрлашда муҳим педагогик шарт-шароитлар сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

- замонавий талабларга жавоб бера оладиган меъёрий ва ўқув-методик ҳужжатлар (давлат таълим стандарти, намунавий ўқув режалари, ишчи ўқув режалари, намунавий ўқув дастурлари, ишчи дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, методик тавсияномалар, қўшимча махсус адабиётлар, кўрсатмали воситалар, дарс ишланмалари, лойиҳалар ва бошқалар)нинг мавжудлиги;
- илмий педагогик ходимлар (профессор, дотсент, ўқитувчи, малакали ўқув усталари, техник ходимлар)нинг билим, кўникма ва малакаларининг юксаклиги, касбий компетентлик даражасининг етарлича шаклланганлиги ҳамда илмий салоҳиятга эга бўлиши;
- ўқув жараёнининг моддий-техник (ўқув бинолари, ўқув аудиториялари, ўқув устахоналари, амалий-лаборатория жиҳозлари), ахборот технологиялари (радио, телевидение, компғютер, нусха кўчириш қурилмалари, лаборатория асбоб-ускуналари, аудио, видео, мультимедия, тренажёрлар, кинопроекторлар, диапроекторлар,

видеопроекторлар, техник воситалар мажмуининг мавжудлиги ва ҳоказолар) жиҳатдан етарлича таъминланганлиги;

- ижтимоий ва ўқув-технологик жиҳатдан қулай муҳит (ўқитувчилар, талабалар, раҳбарлар ҳамда талабалар, шунингдек, талабаларнинг ўзаро муносабатлари мазмуни, йўналиши, мақсадлар бирлиги ва бошқалар) яратилганлиги;

- ташкилий ҳамда ўқув-амалий фаолиятнинг изчил, узлуксиз ҳамда тизимли йўлга қўйилганлиги [1].

«Ўқитувчининг касбий компетентлиги» тушунчасига берилган таъриф ва тавсифларни умумлаштириб, уни қуйидагича талқин этиш мумкин: Ўқитувчининг касбий компетентлиги – педагог фаолиятида касбий компетентлик муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, педагогнинг фақатгина касб ва касбий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ барча эҳтиёж, қобилият, маҳорат, билиш ва қизиқишларини ифодалайди.

Касбий компетентликни шакллантиришда тўла касбий шаклланишга интилиши, педагогик технологик вазиятларни идрок этиши, шу жумладан касбий қизиқишлари доираси кенгайтира олиши ўзини такомиллаштиришида талаб пайдо бўлади. Касбий билимлар, кўникмалар, малака ва қобилиятларга, уларни намоён этишга кўпчилик талабаларда чуқур ва доимий қизиқиш пайдо бўлади. Ушбу тадқиқотларда доимий педагогик тажрибага эга бўлган алоҳида талабалар қобилиятларини ҳисобга олиш керак.

Бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентликни шакллантиришда малака компетентликнинг муҳим мезони бўлиб, у турли ҳолатларда, шу қатори муаммоли вазиятларда ҳам бир неча бор қўллаш натижасида намоён бўлади. Ҳозирги пайтда бўлажак ўқитувчидан талаб қилинадиган компетентлик қуйидаги турларга ажратилади:

-бўлажак ўқитувчи томонидан ўз билимини мунтазам равишда бойитиб бориш, эгаллаган малакаларини такомиллаштиришга тайёр бўлиш, замон янгиликларидан бохабар бўлиш;

-таълим жараёнида ахборот коммуникация, информацион технологиялари ва ўқитиш воситаларининг барча турини қўллай олиш кўникма ва малакасига эга бўлиш;

-англанган ва мустақил фаолият (мустакил фикр, мақсад қўйиш, ўқув адабиёти ва қўшимча манбалардан тўғри фойдалана олиш);

-ташаббускорликда ўз ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳис қила олиш;

-танқидий фикр юрита олиш ва дарс жараёнида юзага келган муаммоли вазиятларни ижобий ҳал эта олиш;

-ҳамкорлик, ўзаро бир-бирини тушуниш, эмпатия билдириш, ўзаро хурмат ва ишончга асосланган педагогик мулоқотни ўрната олиш;

- чуқур касбий билимдонликка эга бўлиш.

Бўлажак ўқитувчи компетенцияси – унинг назарий ва амалий билим, кўникма ва малакаси, дунёқараши, эътиқоди ва барча шахсий индивидуал ижтимоий психологик сифатларининг намоён бўлишидир. Таълимнинг сифат ва самарадорлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири, бу – ўқитувчининг ўз фани бўйича компетенцияга эга бўлишидир. У педагогик мослашув тизими асосида намоён бўлади.

Шундай қилиб компетенция шахснинг юксак сифатий хислати бўлиб, унинг шаклланиши таълимнинг ҳал қилувчи оқибат, натижаси ҳисобланади.

Бўлғуси ўқитувчининг касбий сифатларининг шаклланишига кўп жиҳатдан психология-педагогик фанларни ўрганиш таъсир кўрсатади. Бу фанлар талабалар, педагогик ходимлар, педагогик фаолиятининг методик ассослари ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини, таълим ва педагогик фаолият, психология ҳақидаги билимлар дунёсига етаклайди.

**Адабиётлар:**

[1]. Ш.Шарипов, Н.Муслимов, М.Исмоилова: “Касбий таълим педагогикаси”.Методик қўлланма. – Т. 2005.
[2]. Қосимов.У.А “Педагог компетентлиги”. Бухоро. 2014.

# ҚАДРИЯТЛАР: ЁШЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ОНГИНИ ЎСИШИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

У.А. Азимов

*Фарғона политехника институти*

*(Қабул қилинди 25.12.2018 й.)*

*Ушбу мақолада оксилолгик онг, унинг ёшлар ҳаётидаги аҳамияти, шакллантириш меҳанизмлари, мазмун-моҳияти кенг ёритиб берилган.*

***Таянч сўзлар:** қадриятлар, онг қадриятлари, аксиологик хиссиёт, аксиологик идрок, қадрлаш туйғуси, аксиологик кечинмалар.*

*В этой статье широко освещается аксиологическое сознание, его значение в жизни молодежи, механизмы её формирования и её значение.*

***Ключевые слова**: ценности, сознание, аксиологическая эмоция, аксиологическое восприятие, чувство благодарности, аксиологические восприятия, повышение стоимости.*

*This article gives a wide coverage of the axiological consciousness, its importance in the life of the youth, the mechanisms of its formation and its meaning.*

***Key words:** values, consciousness, axiological emotion, axiological perception, sense of appreciation, value appreciation.*

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг турли соҳалари қатори маънавий ҳаётимизда ҳам туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Халқимизнинг миллий онги, миллий ғурури ўсиб, маънавий дунёси кундан-кунга бойиб бормоқда. Бу эса мустақил давлатимизнинг маънавий ва миллий қадриятлари асосини янада мустаҳкамлашга пойдевор яратмоқда.

Ҳар бир миллатнинг қиёфаси, унинг катта ва кичиклигидан қатъий назар, энг аввало ўзининг миллий онги ва психологиясида намоён бўлади. Миллий онг — ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлган этник онгнинг асосий шаклидир. Маълумки, ижтимоий онг жамиятнинг ишлаб чиқариш муносабатларини ўзида акс эттирувчи, унинг маънавий ҳаёт даражасини ифодаловчи ҳис-туйғу, ғоя ва қарашларнинг мажмуидир. У жамиятдаги, сиёсий, ҳуқуқий, аҳлоқий, фалсафий, диний, эстетик қарашлар, кечинмалар шаклида намоён бўлади.

Ҳар хил ижтимоий-иқтисодий тузумга ҳар хил онг ва тафаккур услуби мос келади. Масалан, ижтимоий мулкка асосланган ижтимоий жамоа тузумининг оддий ишлаб чиқариш услуби ривожланмаган ижтимоий онг ва коллектив тасаввурлар асосида фикрлаш усулини вужудга келтиради. «Ибтидоий одамлар тафаккури, - дейди Л. Леви Брюл, - ўз асосига кўра мистикдир, «илоҳийдир», бунинг сабаби ибтидоий инсон идрокининг зарур элементини ташкил этувчи моҳият эътибори билан мистик бўлган коллектив тасаввурларидир» [3].

Ижтимоий онг таркибида этник онг билан бир қаторда ижтимоий руҳият ва ижтимоий мафкура катта ўрин тутади.

Ижтимоий руҳият, психология — кишилар, айрим ижтимоий гуруҳлар ва синфлар ҳаётининг бевосита меҳнат, мавжуд ишлаб чиқариш восита ва қуроллари, турмуш тарзи таъсирида вужудга келган маънавий қиёфаси, урф-одат, анъаналари, ҳиссиётлар, кайфиятлар, кечинмалар, одатлар, фикрлар, ҳаёллар кабиларнинг тартибга тушмаган назарий жиҳатдан асосланмаган, системалашмаган тарздаги йиғиндисидир. Унда кишиларнинг мақсадлари, манфаатлари ва муаммолари акс этади.

Ўзбек миллий характер (тийнат) хусусиятларига меҳнатсеварлик, довюраклик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, эрксеварлик, сабр-тоқат, бошқа халқларга ва шу миллат вакилларига нисбатан муносабатлар кабилар киради. Ҳар бир тарихий давр, шу даврдаги ижтимоий муносабатлар йиғиндиси миллий манфаатларга мос келадиган ўз миллий характер идеалини яратади.

Ижтимоий мафкура муайян элат, халқ, миллат ва ижтимоий гуруҳларнинг, синфларнинг аҳлоқий, диний, қиёсий, ҳуқуқий, эстетик қарашлари йиғиндисидир. Мафкура усткурманинг бир қисми бўлиб, жамият оддий ҳаёт шароитларида вужудга келади ва ижтимоий - иқтисодий муносабатларни акс эттиради. У ижтимоий руҳиятдан маълум даражада фарқ қилади. Бу фарқ шундан иборатки, мафкура ижтимоий руҳият сингари

стихияли равишда юзага келмайди, балки инсон онгли фаолиятининг маҳсули сифатида тарихий амалиёт жараёнида вужудга келади. Мафкура воқеликни ижтимоий руҳиятга нисбатан анча кенг ва чуқур акс эттиради ва уни жамиятнинг энг етук зиёлилар, олимлари, сиёсатшунослари ишлаб чиқади.

«Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси, - деган эди мамлакатимиз биринчи президенти И.А. Каримов, - умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиши, уларни Ватанга мухаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаши, ҳалолликли, мардлик ва сабр-бардошликни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим. У давлат фуқароларининг буюк мақсад йўлида маънавий яқинлашувига кўмаклашмоғи керак» [2].

Ўзбек миллатининг тарихий таркиб топиши, миллат маънавияти (тил, маданият, давлат, турмуш тарзи ва ҳ.к.) ички ривожланиши бетакрор ва кўп қиррали жараёндир. Миллат фарзандларини комил инсон қилиб тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Муайян жамиятдаги ҳар бир миллатнинг онги, маънавий қиёфаси ўша жамиятнинг табиий, ижтимоий, тарихий шароитларига қараб ўзгариб боради. Миллатнинг руҳий, маънавий қиёфаси мавжуд ижтимоий онг шаклларида ўз ифодасини топади. Миллий онг ижтимоий онг шакллари сингари маълум даврларда ўзининг нисбий мустақиллиги туфайли жамият асосини ташкил этувчи базис ва устқурманинг моҳиятни тубдан ўзгартириб юборишга фаол таъсир кўрсатиши мумкин.

Миллий онг ва унинг шаклланиши, энг аввало, миллий уйғониш замирида бошланиши табиийдир. Ҳозирги уйғониш давр тақозосига кўра, тараққиётнинг объектив ижтимоий воқелигига айланмоқда. Чунки кишиларнинг дунёқараши, ҳаётий хулосалар, бир-бирларига бўлган муносабатлар, ирода ва хоҳишлар, миллий турмуш тарзлар, миллий расм-русумлар, одат ва анъаналари туфайли шаклланади ва ривожланади. Шундай экан, миллий турмуш тарзи ва маданият ижтимоий воқеликнинг табиий ифодаланиш шаклидир. Миллийликда инсоний ва умуминсоний қадриятлар муайян қиёфа ва шакл касб этган бўлади. Миллий ғурур ҳар бир миллатга хос бўлган хусусиятларни химоя қилиб, уларнинг келажак ҳаётини юксалтиришга қаратилган табиий интилишдир. Миллатчилик эса биттагина миллатнинг муддаосини ҳимоя этиб, бошқа миллатларнинг эҳтиёжларини назар-писанд қилмасдан уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралаб қўйишга қаратилган ҳаракатдир. «Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ота-онасига. бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади» [1].

Маълумки, миллий туйғу табиий туйғулардандир. Айни пайтда миллий маънавий ҳаётнинг жуда ҳам нозик элементларидир. Миллий туйғулар эса миллий ифтихор, миллий характернинг, демакки, миллий психологиянинг белгиларидан бири, унинг ажралмас қисмидир.

Миллий туйғулар ва кайфият миллатнинг жипслашуви ва иродаси намоён бўлишида катта рол ўйнайди. Миллатнинг бирикишида, уларнинг миллий қизиқишлари умумийлиги, тарихий ҳодисалар, ўтмиш маданиятига мухаббат, миллий ифтихор туйғулари сифатида намоён бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, миллий ўз-ўзини англаш миллатнинг ҳозирги аҳволи, унинг олдида ечимини кутиб турган муаммоларини билиш ва уларни хал қилишда фаол ҳаракат этишни талаб қилади. Бунинг учун юксак маданият, узоқни кўра билиш ва донолик, ғоявий-маънавий етуклик ва поклик, янгича фикрлаш имкониятларидан, жамият тараққиётини жадаллаштириб, аҳолининг фаровон ҳаёт кечириши учун замин яратиш йўлида фойдалана билиш керак.

**Адабиётлар**

[1]. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқболи ватараққиёти йўли.-Т.:Ўзбекистон, 1994, 77-бет.
[2]. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.: Ўзбекистон, 1995,152-бет
[3]. Леви-Брюл Нервобитное мыщление- М., 1930, 26-ст.

# ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИНИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ш.А. Дехканов

*Фарғона политехника институти*

*(Қабул қилинди 28.06.2018 й.)*

*This article discusses the prospects for economic cooperation between Uzbekistan and the UAE, analyzes the importance of economic cooperation between the two countries, and shows how to apply the positive experience of the UAE economy in the real sector in the Republic of Uzbekistan.*

***Key words:*** *United Arab Emirates, innovative technologies, cooperation, tourism development, labor migration.*

*Мазкур мақолада Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодий ҳамкорлигини истиқболларини тадқиқот этилган, шу билан биргаликда икки мамлакат иқтисодий ҳамкорлигининг ахамияти таҳлил этилган, Бирлашган Араб Амирликлардаги иқтисодиётнинг реал сектордаги ижобий натижаларини тажрибасини Ўзбекистон Республикасида қўллаш йўллари кўрсатилган.*

***Таянч сўзлари:*** *Бирлашган Араб Амирликлари, инновацион технологиялар, ўзаро ҳамкорлик, туризмни ривожлантириш, меҳнат миграцияси.*

*В данной статье рассматриваются перспективы экономического сотрудничества между Узбекистаном и ОАЭ, анализируется важность экономического сотрудничества между двумя странами, а также показывается, как применить положительный опыт экономики ОАЭ в реальном секторе в Республике Узбекистан.*

***Ключевые слова:*** *Объединенные Арабские Эмираты, инновационные технологии, сотрудничество, развитие туризма, трудовая миграция.*

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 11 апрель куни Бирлашган Араб Амирликларининг ҳукумат ва келажак ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Қарқовий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Қабул маросимида Шавкат Мирзиёев, мамлакатимизда бўлиб турган нуфузли делегацияни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар изчил ривожланиб бораётганига юксак баҳо берди.

2019 йил март ойида Абу-Даби ва Дубай шаҳарларида бўлиб ўтган олий даражадаги самарали учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги шерикликни мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтиришда янги босқични бошлаб бергани қайд этилди.

Ташриф якунида муҳим келишувларга эришилди, жумладан, иқтисодиётнинг турли тармоқларида умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича икки томонлама салмокли ҳужжатлар тўплами имзоланди. Уларни тўлиқ амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда тегишли “Йўл харитаси” қабул қилинди.

Қабул давомида давлат ташкилотлари, илмий марказлар, етакчи компания ва корхоналар, банк-молия институтлари даражасида фаол мулоқот ва алмашинувларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Бирлашган Араб Амирликларининг давлат бошқаруви ва инновацион ривожланиш соҳасидаги илғор тажрибасини жорий этишда ўзаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатларимиз экспертлари ҳамкорлигида устувор йўналишларда ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш юзасидан келишувга эришилди.

Вазир самимий қабул учун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирди ҳамда БАА Президенти Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён, Абу-Даби Амирлиги валиахди, БАА Қуролли Кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён ва БАА Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Муҳаммад ал-Қарқовий Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишлар, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни юксак

баҳолаб, Бирлашган Араб Амирликлари раҳбариятининг мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва шериклик муносабатларини изчил ривожлантириш борасидаги интилиши қатъий эканини таъкидлади.

Юқоридаги келишувларга асосан Ўзбекистон давлат бошқарув тизими самарадорлигини оширишда БАА тажрибасидан фойдаланади, бунинг учун барча шарт шароитлар мавжуддир.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқарув органлари ва таълим муассасалари вакилларидан иборат Ўзбекистон делегацияси "Давлат бошқарув тизими самарадорлигини ошириш" ҳукуматлараро дастурининг ишчи гуруҳларининг иккинчи йиғилишида иштирок этиш учун Бирлашган Араб Амирликларига ташриф буюрди.

Ташрифдан асосий мақсад - БААнинг давлат бошқаруви тизимини яратишга доир тажрибасини ўрганиш ва келгусида Ўзбекистонда муқобил концепция жорий қилиш, ишчи гуруҳларнинг иккинчи йиғилишини ўтказиш, турли йўналишлар бўйича 2019-2020 йиллар учун "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил март ойидаги БААга ташрифи якунларига кўра, Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги икки томонлама муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Ташриф давомида томонлар "Давлат бошқарув тизими самарадорлигини ошириш" қўшма дастури ташаббусини мувофиқлаштиришди, май ойида ўтказилиши режалаштирилган семинар эса Дастурнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Шавкат Мирзиёевнинг сўзларига кўра, ҳукуматни модернизация қилиш мамлакатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади ва халқаро тажриба унинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

2019 йил 5 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳакимов, Адлия вазири Русланбек Давлетов, Инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосари Шухрат Вафоев ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича директори Ш. Жўрабоев Дубайда БААнинг вазирлар маҳкамаси ва келгусидаги ишлари бўйича вазири М. Ал-Гергавий билан учрашишди.

Учрашув давомида Ал-Гергавий соғлиқни сақлаш, таълим, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда амалий натижаларга эришиш учун томонлар бир жамоа бўлиб ишлари муҳим эканини таъкидлади.

Ўзбекистон делегациясининг БААга ташрифи ҳукуматнинг давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришда икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга бўлган интилишидан далолат беради.

БАА вазирининг сўзларига кўра, ҳукумат фаолиятини ривожлантиришда юқори самарадорликни таъминлаш БААнинг ишончли келажакни таъминлашдаги саъй-ҳаракатларининг муҳим қисми ҳисобланади. БАА томон янги иш моделларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишга оид муваффақиятли тажрибаси билан бажонидил бўлишишини маълум қилди.

Тадқиқотларимиз натижалари кўрсатмоқдаким Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳамкорликни кенгайтириш тадбирлари изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Масалан, Тошкентда 2019 йил 10 апрель куни Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳукуматлари делегациялари ўртасида йиғилиш самарали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумат ва келажак ишлари вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Қарқавий раислик қилган йиғилишда икки мамлакатнинг масъул вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирок этди.

Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий мулоқот фаоллашиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 24-26 март кунлари Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик кўламини кенгайтиришда янги босқични бошлаб берди.

Ташриф давомида қатор ҳукуматлараро ва идоралараро келишувлар, шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда умумий қиймати 10 миллиард АҚШ долларидан

ортиқ бўлган ҳужжатлар имзоланди. Мазкур ҳужжатлар сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, инновацион, ҳарбий-техник ва маданий-гуманитар соҳалар бўйича икки томонлама муносабатларни янада фаоллаштиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда барча келишувларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

Йиғилишда Бирлашган Араб Амирликларининг давлат бошқаруви тизимидаги эришган ютуқларини Ўзбекистонда татбиқ этиш масаласи кўриб чиқилди. Икки давлат ўртасида Ўзбекистон давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва мамлакат тараққиётининг миллий стратегиясини яратиш юзасидан ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш масаласи муҳокама қилинди. Мазкур ҳамкорлик дастурида ҳукумат акселератори, инновация, давлат бошқаруви ва хизматлари сифати, миллий стратегия, ҳукумат қарорларининг ижро тизими самарадорлиги, раҳбарлар таркибини шакллантириш ва кадрлар захирасини яратиш каби масалалар бўйича тегишли стратегиялар ишлаб чиқиш режалаштирилган.

– Биз Ўзбекистонга жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшган ва бугунги кунда ҳам жадал ривожланаётган мамлакат сифатида қараймиз, – деди Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Қарқавий. – Юртингиз кейинги йилларда иқтисодиётни либераллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва давлатнинг халқаро миқёсдаги обрўсини мустаҳкамлаш борасида эришаётган ютуқлари бундан далолат беради. Президент Шавкат Мирзиёевнинг яқинда БААга амалга оширган ташрифи мамлакатларимиз муносабатларида тарихий саҳифа очди. Биз Ўзбекистон билан кўплаб соҳаларда ҳамкорлик қилишга аҳд қилдик.

Тадбирда икки мамлакат ўртасидаги истиқболли ҳамкорликни янада кенгайтириш, ишчи гуруҳлар тузиш ва уларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан фикр алмашилди ва икки томонлама ҳамкорлик учун кенг имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Бирлашган Араб Амирликларининг давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш борасидаги ислоҳотларига бағишланган тақдимот ўтказилди.

Куннинг иккинчи ярмида икки томонлама ишчи гуруҳларни белгиланган йўналишлар бўйича G2G форматдаги учрашувлари ташкил этилди.

Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати делегациясининг мамлакатимизга ташрифи иккала давлатнинг кўп тармоқли ҳамкорлигини кенгайтиришга кенг имкон яратишдан иборатдир.

2019 йил 1 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўтган ҳафта бўлиб ўтган Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташриф доирасида эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни амалга оширишни ташкил этиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Аввал хабар қилинганидек, давлатимиз раҳбари Абу-Даби ва Дубай шаҳарларида Абу-Даби Амирлиги валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён, БАА Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амири Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум, ушбу мамлакат ҳукумати аъзолари ва қатор етакчи компаниялари раҳбарлари билан сермаҳсул учрашув ва музокаралар ўтказди.

Икки томонлама тадбирлар якунида Қўшма баёнот ҳамда қатор муҳим келишувлар, жумладан, умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд бўлган истиқболли инвестиция лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш бўйича битимлар имзоланди.

Ушбу келишувлар инновациялар, нефть-газ тармоғи, анъанавий ва муқобил энергетика, замонавий инфратузилмани ривожлантириш, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим каби ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларини қамраб олган.

Таъкидлаш жоизки, ташриф давомида БААнинг олий даражадаги раҳбарияти Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ва янгиланишларни бир неча бор эътироф этиб, уларни тўлиқ қўллаб-қувватлади. Амирликлар ишбилармон доиралари мамлакатимизга тобора катта қизиқиш билдираётгани Ўзбекистонга ишончнинг ортиб бораётганидан далолат беради.

Президентимиз эришилган келишувларнинг ўз вақтида ва сўзсиз ижросини таъминлаш лозимлигини қайд этиб, самарали усул ва механизмларни жорий этган ҳолда қабул қилинган “йўл харитаси”ни амалга оширишни дарҳол бошлаш муҳим эканини таъкидлади.

БААнинг етакчи компания ва ташкилотлари билан биргаликда амалга ошириладиган устувор қўшма лойиҳалар сифатида «Навоий» қуруқлик порти ва эркин иқтисодий зонасини ривожлантириш, мамлакатимизда углеводородлар қазиб олишни кўпайтириш ва уларни чуқур қайта ишлаш, Таллимаржон иссиқлик электр станцияси ва бошқа мавжуд ИЭСларни модернизация қилиш ва кенгайтириш, қуёш ва шамол электр станцияларини, Сирдарё вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш заводини барпо этиш ва бошқалар белгиланди.

Бундан ташқари, агросаноат кластерларини ташкил этиш ва мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг экспорт салоҳиятини юксалтириш, Самарқанд шаҳрида туризм ва коммунал инфратузилмани, ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, тадбиркорлик ташаббусларини, жумладан, Абу-Даби тараққиёт фонди иштирокида таъсис этилаётган низом жамғармаси 1 миллиард доллар бўлган инвестиция компанияси маблағларини жалб этган ҳолда қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги шерикликни кенгайтириш, “Масдар” компанияси ва Ал Халифа университети билан кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида БААда ўз ваколатхонасини очади.

Давлатимиз раҳбари “йўл харитаси”да белгиланган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича аниқ топшириқлар берди.

Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, тармоқ компаниялари раҳбарларига энг қисқа муддатда инвестиция лойиҳаларининг тармоқ жадвалини тасдиқлаш ва лойиҳаларни амалга оширишни бошлаш, олий даражада эришилган Ўзбекистон-БАА келишувларининг сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича самарали механизмларни жорий этиш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 1 апрель куни 2019 йил март ойида Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташриф доирасида эришилган келишув ва битимларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Абу-Даби ва Дубай шаҳарларида Абу-Даби Амирлиги валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён, БАА Вице-президенти, Бош вазир, Дубай амири Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум ҳамда ушбу мамлакат ҳукумати аъзолари ва қатор етакчи компаниялари раҳбарлари билан самарали учрашув ва музокаралар ўтказди.

Икки томонлама тадбирлар якунида Қўшма баёнот ҳамда қатор муҳим келишувлар, жумладан, умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд бўлган истиқболли инвестиция лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш бўйича битимлар имзоланди.

Ушбу келишувлар инновациялар, нефть-газ тармоғи, анъанавий ва муқобил энергетика, замонавий инфратузилмани ривожлантириш, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим каби ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларини қамраб олган.

Таъкидлаш жоизки, ташриф давомида БААнинг олий даражадаги раҳбарияти Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ва янгиланишларни бир неча бор эътироф этиб, уларни тўлиқ қўллаб-қувватлади. Амирликлар ишбилармон доиралари мамлакатимизга тобора катта қизиқиш билдираётгани Ўзбекистонга ишонч ортиб бораётганидан далолат беради.

Йиғилишда Президентимиз эришилган келишувларнинг ўз вақтида ва сўзсиз ижросини таъминлаш лозимлигини қайд этиб, қабул қилинган “йўл харитаси”ни амалга оширишни самарали усул ва механизмларни жорий этган ҳолда дарҳол бошлаш муҳим эканини таъкидлади.

БААнинг етакчи компания ва ташкилотлари билан биргаликда амалга ошириладиган устувор қўшма лойиҳалар сифатида «Навоий» қуруқлик порти ва эркин иқтисодий зонасини ривожлантириш, мамлакатимизда углеводородлар қазиб олишни кўпайтириш ва уларни чуқур қайта ишлаш, Таллимаржон иссиқлик электр станцияси ва бошқа ИЭСларни модернизация қилиш ва кенгайтириш, қуёш ва шамол электр станцияларини, Сирдарё вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш заводини барпо этиш ва бошқалар белгиланди.

Бундан ташқари, агросаноат кластерларини ташкил этиш ва мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги экспорт салоҳиятини юксалтириш, Самарқанд шаҳрида туризм ва коммунал инфратузилмани, ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, тадбиркорлик ташаббусларини, жумладан, Абу-Даби тараққиёт фонди иштирокида таъсис этилаётган низом жамғармаси 1 миллиард доллар бўлган инвестиция компанияси маблағларини жалб этган ҳолда қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги шерикликни кенгайтириш, “Масдар” компанияси ва Ал Халифа университети билан кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида БААда ўз ваколатхонасини очади.

Давлатимиз раҳбари “йўл харитаси”да белгиланган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича аниқ топшириқлар берди.

Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, тармоқ компаниялари раҳбарларига энг қисқа муддатда инвестиция лойиҳаларининг тармоқ жадвалини тасдиқлаш ва уларни амалга оширишни бошлаш, олий даражада эришилган Ўзбекистон – БАА келишувларининг сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича самарали механизмларни жорий этиш вазифаси қўйилди.

**Адабиётлар**


[1]. Ўзбекистон Президенти Бирлашган Араб Амирликлари делегациясини қабул қилди. Ўзбекистон ахборот агентлиги 11.04.2019.

[2]. Ўзбекистон давлат бошқарув тизими самарадорлигини оширишда БАА тажрибасидан фойдаланади. kun.uz. Ўзбекистон.

[3]. Элмуродов М. Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳамкорликни кенгайтиради. Ўзбекистон ахборот агентлиги. 10.04.2019.

[4]. “Халқ сўзи” рўзномаси. 2019 йил 04-11 апрель сонлари.

**1.** “Фарғона политехника институти Илмий – техника журнали” (“Научно – технический журнал ФерПИ”, “Scientific – Technical Journal FerPI”) саҳифаларида фундаментал ва техника фанлари соҳасида янги илмий натижаларга эга бўлган ва 50 % дан ортиқ қисми илгари эълон қилинмаган ўзбек, рус, инглиз тилларида тайёрланган мақола ва қисқа хабарлар қуйидаги бўлимлар бўйича чоп этилади: **физика-математика фанлари; механика; қурилиш; энергетика, электротехника, электрон қурилмалар ва ахборот технологиялари; кимёвий технология ва экология; ижтимоий-иқтисодий фанлар; қисқа хабарлар.**

**2.** Мақола стандарт А4 ўлчамдаги оқ қоғознинг бир томонида чапдан 30 мм, ўнгдан 15 мм, юқоридан ва пастдан 20 мм кенгликда жой қолдириб, **Times New Roman** шрифтида, **12 pt** ўлчамда, қаторлар ораси **бир оралиқ** билан ёзилади ва икки нусхада тақдим қилинади. Мақолалар ҳажми чизмаларсиз **саккиз саҳифа**дан, қисқа хабарлар эса **уч саҳифа**дан ошмаслиги ва иккинчи нусхасида барча муаллифлар фамилияси, исми ва шарифларини кўрсатиб имзо чекишлари лозим.

**3.** Мақолага қуйидагилар илова қилинади: иш бажарилган **ташкилот йўлланмаси;** ўзбекча, русча ва инглизча **аннотациялар** (бир хил мазмунда ва 5-6 қатордан ошмаслиги зарур), **таянч сўзлар, мақола номлари**; **эксперт хулосаси; муаллифлар тўғрисида маълумот** (иш жойи, лавозими, телефони, e-mail). Муаллифлар орасида фан доктори бўлмаган тақдирда, шу соҳа ихтисослиги бўйича **фан докторининг тавсияси** тақдим этилади.

**4.** Формулалар компьютерда Word формулалар муҳарририниг Math Type версиясида ёзилади. Чизмалар ва диаграммалар стандарт қоидаларга риоя қилинган ҳолда 10×10 см дан катта бўлмаган ўлчамда тайёрланиши, ёзувлар имкони борича сонлар ёки ҳарфлар кўринишида берилиши ва улар мақола саҳифасида ёки чизмага иловада тушунтирилиши лозим. Мақолада чизмалар сони **4 та**гача, қисқа хабарларда эса **2 та**гача рухсат этилади.

**5.** Мурожаат қилинган адабиётлар рўйхати мақола охирида қуйидаги тартибда келтирилади: муаллифнинг фамилияси, исми, шарифи, китоб (журнал)нинг номи, нашриёт (китоблар учун) йили, журнал номери, саҳифа (журнал учун). Мақола саҳифаларида адабиётларга илова рақам билан тартибли равишда квадрат қавс ичида (масалан [7] кўринишида) берилади.

**6.** Мақолани тайёрлашга ўта синчковлик ва ўткир диққат билан ёндошиш тавсия этилади. У илмий ва грамматик жиҳатдан юқори даражада талабчанлик билан илмий мақола мақомида таҳрирланган бўлиши лозим: саёз мазмундаги, ғализ ва узундан-узоқ жумлаларни ишлатмаслик; мақоланинг илмий йўналишига, шу куннинг ечилмаган ва долзарб муаммоларига баҳо берилиши; ишнинг асосий мақсади, қўйиладиган масалалар ва уларни ечиш услублари, олинган янги илмий натижалар ва уларнинг таҳлили ҳамда аниқ хулосалар қатъий кетма-кетликда равон тилда баён қилиниши лозим.

**7.** Таҳририят зарурат бўлганда тақдим этилган мақола ва қисқа хабарларни таҳрир қилиш хуқуқига эга. Улар сўзсиз таҳририят аъзоларига ёки бошқа тегишли мутахассисларга тақризга берилади.

**8.** Агар мақола муаллифга қайта ишлаш учун қайтарилса, мақоланинг охирги кўриниши олинган кундан бошлаб мақола таҳририятга тушган ҳисобланади.

Журнални чоп этишда doc. MS Word 97 (2003) таҳририда ишловчи дастурлардан фойдаланилади.

Мақолаларини ўз вақтида чоп этилишини истаган муаллифлар таҳририятга ана шу дастурдан фойдаланган ҳолда компьютерда терилган электрон вариантини тақдим этишлари мақсадга мувофиқдир.

**9.** Журналнинг электрон вариантларини ФарПИ веб-сайти http://www.ferpi.uz (faoliyat→ilmiy faoliyat→ilmiy jurnal) дан топиш мумкин.

*Кўрсатилган қоидалар асосида тайёрланмаган мақолалар таҳририят томонидан қабул қилинмайди.*

## К СВЕДЕНИЮ АВТОРОВ !

**1.** На страницах «Научно-технического журнала ФерПИ» публикуются статьи и краткие сообщения в области фундаментальных и технических наук, содержащие новые или более 50 % ранее не опубликованные научные результаты, на узбекском, русском или английском языках по следующим разделам: **фундаментальные науки; механика; строительство; энергетика, электротехника, электронные устройства и информационные технологии; химическая технология и экология; социально-экономические науки; краткие сообщения.**

**2.** Статья представляется в двух экземплярах на белой бумаге стандартного формата А4 с полями: слева 30 мм, вверху и внизу по 20 мм, справа 1,5 мм; шрифт Times New Roman 12 pt, междустрочное расстояние один интервал. Общий объем статьи не должен превышать восьми страниц, не считая рисунков, кратких сообщений же не более трёх страниц. Второй экземпляр статьи представляется с подписями всех авторов.

**3.** К статье прилагаются: **направление учреждения**, в котором выполнена работа; **экспертное заключение** (для авторов из Республики Узбекистан); на узбекском, русском и английском языках **аннотация** (из 5-6 строк одинакового содержания), **ключевые слова**, **название статьи**; **сведения об авторах** (место работы, должность, телефон, e-mail). В случае отсутствия среди авторов доктора наук представляется рекомендация доктора наук в области этой специальности.

**4.** Для написания формул в тексте необходимо пользоваться редактором Word Math Type. Формулы нумеруются в сквозном порядке. Для обозначения физических, математических и химических величин, включая индексы, применяются исключительно латинские и греческие буквы. Нельзя обозначать различные величины одной и той же буквой. Подготовленные рисунки и диаграммы должны соответствовать стандартным требованиям и не превышать размеры более чем 10x10 см, надписи, индексы или буквенные обозначения, желательно указать и пояснить на страницах статьи или в приложениях к рисункам.

**5.** Список литературы представляется в конце статьи в следующем порядке: Ф.И.О. авторов, название книги (журнала), год издания (для книг), номер журнала, страницы (для журналов). На страницах статьи ссылки на цитируемую литературу представляются в порядке упоминания арабской цифрой в квадратных скобках, например: [1].

**6.** Внимательно относитесь к стилю своей статьи, который должен отвечать требованиям высокой степени редактирования, как в отношении научности, так и грамматики. Избегайте длинных фраз поверхностного содержания. Для лучшего восприятия большой статьи читателями рекомендуется разбить текст на разделы: например, 1. Введение, 2. Методика эксперимента, 3. Экспериментальные результаты, 4. Заключение. Следует обязательно указать основную цель работы, постановку задач, актуальность и современность проблемы, методы и способы решения, полученные новые научные результаты и их анализ, а также конкретные выводы.

**7.** Представленные в редакцию статьи направляются для рецензирования членам редакции или другим соответствующим специалистам. Определяются, соответствует ли статья тематике журнала, есть ли в ней четко сформулированные новые научные результаты, достаточно ли надёжно обоснованы выводы, понятно ли изложен материал. При необходимости статья может быть отредактирована.

**8.** В случае возврата статьи авторам для доработки срок её поступления в редакцию, считается со дня поступления последнего её варианта.

При печати материалов журнала применяется текстовый редактор doc.MS Word 97 (2003). Для своевременного опубликования статьи, авторам необходимо представить электронный вариант статьи, набранный на компьютере с использованием указанной программы.

**9.** Электронные версии журнала доступны на веб-сайте ФарПИ http://www.ferpi.uz (faoliyat→ilmiy faoliyat→ilmiy jurnal).

*Статьи, не оформленные согласно вышеуказанным правилам, редакцией не принимаются.*

# INFORMATION TO THE AUTHORS !

**1.** On pages "Scientific – Technical Journal Fer.PI" are published articles and short messages in the field of the fundamental and technical science, containing new or more than 50% earlier not published scientific results, in Uzbek, Russian or English languages according to the following sections: fundamental sciences; mechanics; construction; power, electrical equipment, electronic devices and information technologies; chemical technology and ecology; social and economic sciences; short messages.

**2.** Article is submitted in duplicate on white paper of the standard A4 format with fields: at the left 30 mm, above and below on 20 mm, on the right 1,5 mm; Times New Roman 12 pt font, interlinear distance one interval. The total amount of article shouldn't exceed eight pages, apart from drawings, the short messages, no more than three pages. The second copy of article is submitted with signatures of all authors.

**3.** To article are applied: the direction of establishment in which work is performed; the expert opinion (for authors from the Republic of Uzbekistan); in Uzbek, Russian and English languages the summary (from 5-6 lines of the identical contents), key words, article name; data on authors (work place, position, phone, e-mail). In case of absence among authors of the doctor of science the recommendation of the doctor of science in the field of this specialty is submitted.

**4.** For writing of formulas in the text the Word Math Type editors need to use. Formulas are numbered in a through order. For designation of physical, mathematical and chemical quantities, including indexes, exclusively Latin and Greek letters are applied. It is impossible to designate various sizes the same letter the Prepared drawings and charts have to conform to standard requirements and not exceed the sizes more than 10x10 cm, inscriptions, indexes or alphabetic references, it is desirable to specify and explain on pages of article or in annexes to drawings.

**5.** The list of references is submitted at the end of article in the following order: First name, middle initial, last name authors, the name of the book (journal), year of the edition (for books), the issue of the journal, pages (for Journal). On pages of article of the link to quoted literature are represented as a mention in the Arab figure in square brackets, for example: [1].

**6.** Consider to the style of the article attentively which has to meet the requirements of high extent of editing as concerning scientific character, and grammar. Avoid long phrases of the superficial contents. For the best perception of big article readers recommend to break the text into sections: for example, 1. Introduction, 2. Experiment technique, 3. Experimental results, 4. Conclusion. It is necessary to specify surely a main objective of work, statement of tasks, relevance and the present of a problem, methods and ways of the decision, the received new scientific results and their analysis, and also concrete conclusions.

**7.** Articles presented to edition go for reviewing to members of edition or other corresponding experts. Are defined, whether there corresponds article to journal subject, whether there are accurately formulated according to new scientific results in it, whether it is enough reliably valid conclusions, whether the material is clearly stated. If necessary article can be edited.

**8.** In case of article return to authors for completion, the term of its receipt in edition, is considered from the date of receipt of its last option.

At the press of materials of the journal the text editor of doc.MS Word 97 (2003) is applied. For timely publication of article, authors need to present the electronic version of article gathered on the computer with use of the specified program.

**9.** The electronic version of the journal is available on the FarPI website, http://www.ferpi.uz (faoliyat→ilmiy faoliyat→ilmiy jurnal).

*The articles are not meeting the requirements will not be accepted by the editor.*

ФарПИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ
ТАҲРИРИЯТИ:

| | |
|---|---|
| Масъул муҳаррир | Н.Х. Юлдашев |
| Мусаҳҳиҳ | А.Ш. Нигматуллина |
| Мусаҳҳиҳ | Д.Н. Марайимова |
| Компьютерда саҳифаловчи | С.Э. Йўлдашева |

Таҳририят манзили:
150107. Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86 уй.
Телефон: 241-13-54.
Факс: 241-12-06.
Бизнинг сайт: http://www.ferpi.uz
E-mail: jurnalferpi@ferpi.uz

Ўзбекистон республикаси матбуот ва ахборот агентлиги
Фарғона вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси
томонидан 2007 йил 22 февралда № 12-064
рақами билан рўйхатга олинган

Босишга рухсат этилди: 09.11.2019 й.
Бичими: А4. Гарнитура Times New Roman.
Босма табоғи:15,25. Адади 100 нусха. Буюртма № 3.
Баҳоси шартнома асосида.
«Dadaxon Nur Print» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Фарғона шаҳар Б. Марғилоний кўчаси 62-уй.
Лиц: №22-2891 21.11.2012 йил.